

Таъсисчи:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ушбу сон муҳаррирлари

И. И. Хувайтов, Р. Р. Тумпаров

Дизайнер ва саҳифаловчи

Д. Х. Хамидуллаев

Ахборотнома Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йил 18 июнда қайд этилган. Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома № 0568

Таҳририят манзили:

100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.

Тел.: 265-99-75, 265-23-52.

<http://akadmvd.uz/files/vestnik.htm>e-mail: akadmvd@uzsci.net.

Оригинал-макет Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг таҳририят-ноширлик бўлимида тайёрланди.

Ҳар қандай усулда тўлиқ ёки қисман кўчириб босилганида «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотнома-си»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Таҳрир ҳайъатининг фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин. Қўлёзмалар мазмуни ва келтирилган фактларнинг ҳақиқийлиги учун муаллиф жавобгар.

Таҳририят хатлар муаллифлари билан ёзишмайди. Қўлёзмаларга тақриз берилмайди ва улар қайтарилмайди.

Бичими 60x84 1/8. Нашр. ҳисоб табағи 11,0. Офсет усулида босилди. Адади 300 нусха. «VNESHINVESTPROM» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент ш., Лангар кўчаси, 78.

Босишга рухсат этилди 28.12.2013.

Буюртма №

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИНИНГ АХБОРОТНОМАСИ

Чораклик илмий-амалий ҳуқуқий нашр

2013 йил, 4-сон

МУНДАРИЖА

**Конституция: миллий истиқлол ва
ҳуқуқий қадриятлар**

**Конституция: национальная
независимость и правовые ценности**

Одилқориев Х.Т.

Конституция ва миллий ҳуқуқий тизимнинг шаклланиши.....3

Қобилов Ш. Р., Мирқамиллов А. М.

Конституция, иқтисод, маънавият ва мафкура.....10

Тулътеев И.

Модернизация конституционного законодательства

Узбекистана: некоторые итоги и перспективы.....16

Саидов Б. А.

Конституциявий талаблар асосида амалга оширилаётган суд-хуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг истиқболлари.....20

**Ҳуқуқий ислохотлар ва қонунчиликни
такомиллаштириш**

**Правовые реформы и совершенствование
законодательства**

Азамов Ж., Норматов Т.

Юридик прогностлаш – қонунчилик самарадорлигининг муҳим омили.....24

Отажонов А. А.

Жиноятда иштирокчилик институтининг тарихий ва ҳуқуқий таҳлили.....28

Қаҳҳоров А.

Миллий божхона қончилигини умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрлари билан уйғунлаштиришнинг аҳамияти.....36

**Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамоат
хавфсизлигини таъминлаш муаммолари**

**Проблемы профилактики правонарушений и
обеспечения общественной безопасности**

Расулев У. Э., Улугбеков Б. А.

Противодействие торговле детьми: международные и национальные механизмы.....40

Учредитель:
Академия МВД Республики Узбекистан

Редакционная коллегия
Ш.Т. Икрамов (главный редактор),
Н. Т. Исмоилов (ответственный редактор),
А. А. Хамдамов, У. Х. Мухамедов,
Д. М. Миразов, О. Оқюлов,
М. З. Зиёдуллаев, Б. А. Яров

Редакторы номера
И. И. Хувайтов, Р. Р. Тумпаров

Дизайн и верстка
Д. Х. Хамидуллаев

Вестник зарегистрирован Узбекским агентством по печати и информации 18 июня 2009 г. Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 0568.

Адрес редакции:
100197, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.
Тел.: 265-99-75, 265-23-52.
<http://akadmvd.uz/files/vestnik.htm>
e-mail: akadmvd@uzsci.net.

Оригинал-макет подготовлен в редакционно-издательском отделе Академии МВД Республики Узбекистан.

При перепечатке или воспроизведении любым способом полностью или частично ссылка на вестник «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборот-номаси» обязательна.

Мнение редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикаций. Ответственность за содержание публикаций и достоверность фактов несут авторы материалов.

Редакция не вступает в переписку с авторами писем, рукописи не рецензируются и не возвращаются.

Формат 60x84 1/8. Уч.-изд.л. 11,0. Печать офсетная. Тираж 300 экз. Отпечатано в типографии ООО «VNESHINVESTPROM». г. Ташкент, ул. Лангар, д. 78.

Подписано в печать 28.12.2013.
Заказ №

© Академия МВД
Республики Узбекистан, 2013.

Ярмухамедова А. Р.
Применение мер обеспечения производства по делам об административных правонарушениях, направленных на получение доказательств.....44

Таджибаева Д. А.
Жиноятчи шахси: ижтимоий ва фалсафий қарашлар.....48

Холходжаев М. К-у.
Вопросы повышения эффективности использования ДНК экспертиз (международный опыт).....54

Каримов И. М., Кадиров Ф.
Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар: зарарловчи дастурлар ва вируслар.....57

Давлат ва ҳуқуқ тарихи

История государства и права

Азизов Н.П.
Туркистон сиёсий партиялари дастурларида ҳокимият масаласининг ифодаланиши64

Эргашева М.
Маърифатпарвар мутафаккирларнинг хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқлари тўғрисидаги фикрлари.....69

Ички ишлар идораларида касб этикаси ва психология

Профессиональная этика и психология в органах внутренних дел

Душанов Р. Х.
Ички ишлар идораларида психологик хизматни ташкил этишнинг методологик асослари.....73

Турсунова О. А.
Методика «оценки риска самоубийства» как инструмент диагностики суицидального поведения.....79

Ёш олимлар минбари

Трибуна молодых ученых

Хўжақулов С.Б.
Ишни судга қадар юритиш босқичида процессуал ҳаракатлар тизимини шакллантиришнинг илмий-амалий аҳамияти.....83

Зуфарова И.
Основные договорные формы экономического сотрудничества Республики Узбекистан с Российской Федерацией.....87

Курганов А.
Инглиз ва Ўзбек тилларидаги ҳуқуқий терминларнинг қиёсий таснифи.....93

Х.Т. Одилкориев*

КОНСТИТУЦИЯ ВА МИЛЛИЙ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Жаҳон сиёсий-ҳуқуқий майдонида суверен давлат сифатида намоён бўлган Ўзбекистон халқи бундан йигирма бир йил муқаддам ўз Конституциясини қабул қилиш шарафига муяссар бўлган эди. Истиқлол шуқуҳи билан йўғрилган ҳамда мамлакатимиз истиқболи ва тараққиётини кўзлаган мазкур Асосий қонуннинг яратилиши улкан тарихий-сиёсий воқеадир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси демократик давлатчилик, адолатли ҳуқуқий тизим ва қонунчилик борасида башарият тўплаган энг илғор тажриба ва ғояларни, умуминсоний ҳамда миллий қадриятларни ўзида мужассамлантирган олий мартабадаги юридик ҳужжатдир. Ижтимоий адолат, демократия, инсон ҳуқуқлари, ҳокимиятларнинг тақсимланиши, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тўғрисидаги нодир қоидалар ундан муносиб ўрин эгаллаган. Халқимизнинг кўп минг йиллик давлатчилик ва ҳуқуқий тараққиёти ютуқлари, унинг эрк, озодлик ва мустақиллик хусусидаги азалий орзу-умидлари унда ўз ифодасини топган.

Конституция мамлакатимиз халқи, барча фуқаролари ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг хартияси, давлат-сиёсий ва инсоний муносабат мезонларининг энциклопедияси (қомуси) тарзида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. У инсоний ҳуқуқ ва манфаатларимизнинг мустақам кафолати бўлиб майдонга чиқмоқда. Асосий қонунимизнинг юксак нуфузи, ижтимоий-сиёсий қадр-қиммати ва жамиятимиз равнақи учун аҳамияти хусусида гап борганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов баён этган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини

ривожлантириш концепцияси»да таъкидлаган қуйидаги фикрларни ёдга олиш ўринлидир: «Мамлакатимизни ислох этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз даркор. Шу маънода, 1992 йил декабрь ойида қабул қилинган, мамлакатимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилаб берган Конституциямизнинг қоида ва нормаларига таяниш алоҳида аҳамият касб этади»¹. Конституциямиз матни билан танишган ҳар қандай холис ниятли инсон Ўзбекистон буюк келажакка эришиш учун оқилона йўл танлаганлиги, демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этмоқчи эканлигимизни англаб олади. Асосий қонун олий даражадаги қонун сифатида давлатимизнинг қиёфасини, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий тизимини белгилаб бермоқда. Шу билан бирга, у демократия ва адолат принципларини, тараққиётимизнинг устувор йўналишларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, маънавий қадриятларимизнинг ҳуқуқий асосларини мустақамлаб берди².

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакат ҳуқуқий тизимининг, шу жумладан қонунчилигининг пойдевори, халқ иродасининг қонуний ифодаси, фуқаролар фаолиятининг ҳуқуқий кафолати сифатида юксак ҳуқуқий қадрият саналади.

Алоҳида урғу бериш лозимки, Конституция ўз моҳият-эътиборига кўра жамият ҳуқуқий тизимини уюштирувчи, баҳамжиҳат этувчи маркази, «система» ҳосил қилувчи ўзаги бўлиб, барча ҳуқуқ тармоқлари ва қонунчилик соҳаларини шакллантирувчи ҳамда ривожланти-

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор.

рувчи бошланғич асосдир. Қонунчиликнинг ҳамма тармоқлари конституциявий қоида ва принципларга таянади. Конституция қонунчилик тармоқларининг шаклланиши ва амал қилиши учун замин бўлиб ҳисобланади. Конституциянинг қоидалари ҳамisha раҳбарий, дастурий ва йўналтирувчи мавқега эга. Уларга зид келиб қолган ҳуқуқ нормаси ёки қонун ўрнатилган тартибда бекор қилинади. Ҳеч қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжат юридик кучи бўйича Конституциядан устун бўлолмайди (Конституциянинг 15 ва 16-моддалари).

Давлатимиз раҳбари ҳақли равишда эътироф этганидек: «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши мамлакат ҳаётида улкан сиёсий воқеа, янги Ўзбекистонни қарор топтириш жараёнидаги муҳим қадам бўлди... Конституция суверен давлатимизнинг қонунчилик – ҳуқуқий негизини шакллантиришнинг асосий пойдевори, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тоши бўлди»³. Конституцияда белгиланган мақсад ва вазифалар, ғоя ва тамойиллар мамлакатимиздаги ҳуқуқий ислохотларнинг асосий устуворликларини, сиёсий ва ҳуқуқий тизимни демократик тарзда такомиллаштиришнинг, изчил модернизация қилишнинг стратегик йўналишларини белгилаб берди.

Асосий қонун мамлакатимизда амал қилувчи объектив ҳуқуқнинг бош манбаидир. У қонунчилик турли тармоқларининг муштараклигини, бир бутунлигини ва ўзаро ички мувофиқлигини таъминлайди. Шу тариқа бутун ҳуқуқий тизимга бартартиблик ҳамда барқарорлик бахш этади. Конституция ва ҳуқуқий тизим ўртасидаги диалектик алоқадорликни чуқур англаб етиш учун ҳуқуқий тизимнинг мазмун-моҳияти, тушунчаси ва таркибий тузилишини ёритиш лозим.

Жамиятнинг ҳуқуқий тизими ўзининг муайян мантиқий ички таркибий қурилишига эга бўлган мураккаб ижтимоий ҳодисадир. «*Ҳуқуқий тизим*» ўз ички таркибий қисмларининг тизимли жамулжами тарзида гавдаландиган ҳуқуқдан жиддий фарқ қилади. Мазкур фарқ шундаки, ҳуқуқий тизим бир турдаги элементларнигина эмас, балки турли йўналиш ва мақомдаги тузилмаларни қамраб олади, бирлаштиради.

Демак, *жамиятнинг ҳуқуқий тизими* – бу муайян макон ва замонда амал қилаётган ҳуқуқий ҳодисалар, ҳуқуқий принциплар, институтлар, нормалар ва ҳуқуқий жараёнларнинг муштарак бир бутунлиги, ўзаро узвий боғлиқлиги ҳамда алоқадорлиги бўлиб, уларнинг мақсадли ҳаракатланиши натижасида ижтимоий муносабатларнинг юксак савияда ҳуқуқий тартибга солинишига эришилади. Ҳуқуқий тизим комплекс воқелик бўлиб, таркибий элементларининг ўзаро ички алоқадорлиги, боғлиқлиги, мутаносиблиги, изчиллиги ва барқарорлиги билан тавсифланади.

Мустақиллик даврида Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос ҳуқуқий тизими қарор топди. У вужудга келиш, шаклланиш ва такомиллашиш жараёнларини «бошидан» кечирмоқда. Ҳуқуқий тизим қарор топаётган янги демократик жамият муносабатларини тартибга солишда мавжуд ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий муҳит талабларига ҳамда уларга мос ҳуқуқий принципларга таянади. Табиийки, ҳуқуқий тизимнинг мазмун-моҳиятини, унинг шаклланиш тенденцияларини давлатнинг истиқлол мафқураси, инсонпарвар ҳуқуқий сиёсати белгилаб беради. Бошқача айтганда, янгиланаётган ҳуқуқий тизимнинг қарор топишида давлатнинг йўналтирувчи, фаол бунёдкорлик роли алоҳида аҳамият касб этади.

Эътибор қаратиш жоизки, ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисмларини ташкил этувчи барча ҳуқуқий институт ва ҳодисалар бирдек юксак маромда ривож топаётгани йўқ. Айрим элементлар жадал ривожланаётган бўлса (масалан, қонунчилик), бошқа элементлар сустроқ ривожланмоқда ёки ҳали ҳам эски шакл ва қолиплардан тўла халос бўлгани йўқ (масалан, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ва ҳоказо). Бу эса ҳуқуқий тизимнинг барча таркибий элементлари тубдан ислох этилиши, давр талабларига мос тарзда модернизация қилиниши лозимлигини англатади.

Конституция мамлакат қонунларини яратиш ҳамда ҳаёт эҳтиёжларига мос равишда такомиллаштириб боришнинг дастури ҳисобланади. Барча қонунларнинг мазмун-иbtидоси улар учун сарчашма манба

бўлмиш Конституциядан бошланади. Жорий қонунлар конституциявий ғоя, принцип ва қоидаларни бевосита ҳаётга қўллаш учун хизмат қилади.

Қонунчилик тизимининг тубдан янгиланиши – даврнинг зарурий талабидир, чунки жорий қонунчилик тамомила Конституцияга мувофиқ бўлиши лозим. Мухтасар хулоса қилганда: *Конституция қонунчилик ривожланишининг бош стратегик асосини* ташкил этади.

Мамлакат қонунчилигини Конституция асосида янгилаш ва шу заминда ривожлантириш узоқ давом этувчи узвий жараёндир. Бу ишни пухта ўйланган стратегик дастур асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Мазкур стратегик дастурда қонунчилигимизни янгилаш ва такомиллаштиришнинг асосий принциплари ва ёндашувлари белгиланиши лозим. Табиийки, бу дастурда давлат-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турли соҳаларидаги ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжини аниқлаш асосида қуйидагиларни акс эттириш лозим: 1) янги қонунлар қабул қилинишини талаб этадиган долзарб масалалар кўлами; 2) қонунчиликнинг ўзгартиришлар киритиш талаб этиладиган, умумлаштириладиган ва тартибга солиш даражаси кўтариладиган соҳалари; 3) ижтимоий муаммоларни ташкилий чоралар кўриш ва мавжуд ҳуқуқий норма ҳамда механизмларни фаоллаштирувчи сиёсий ҳамда юридик омилларни вужудга келтириш йўли билан ҳал этиш мумкин бўлган жабҳалар.

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси юқоридаги ижтимоий эҳтиёжга ўзига хос жавоб бўлди, дейиш мумкин. Концепция ва унда давлатимиз раҳбари баён этган фикрлари қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи парламент учун узоқ истиқболга мўлжалланган дастуриламалдир. У Конституция принцип ва қоидалари асосида элликка яқин қонунлар қабул қилинишини ёки амалдаги қонунларга зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини белгилаб берди.

Ҳуқуқий тизимни модернизация қилиш жараёнида ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш усулларида ҳам демократик мазмундаги ўзгаришлар содир бўлганлиги янги ҳуқуқ соҳалари ажралиб чиқишига ва жадал ривожланишига олиб келмоқда. Суверен

давлатимиз қонунчилигида ҳам янги институтлар ва соҳалар шакллана бошлади. Иқтисодиёт соҳасида дастлаб мулк тўғрисида, корхоналар тўғрисида, шунингдек хусусийлаштириш, ташқи иқтисодий фаолият, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг кафолатлари, тадбиркорлик, акционерлик жамиятлари, банк ҳамда банклар фаолияти тўғрисида ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди.

Табиийки, қонунчиликдаги ўзгаришларга мувозий равишда ҳуқуқ тизимини ташкил этувчи анъанавий ва бир қатор янги ҳуқуқ соҳалари (тармоқлари) қарор топди ва ривожланмоқда. Улар қаторига фуқаролик ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, ер ҳуқуқи, сув ҳуқуқи, экология ҳуқуқи, молия ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи, жиноят-ижроия ҳуқуқи, жиноят-процессуал ҳуқуқи, фуқаролик-процессуал ҳуқуқи, хўжалик-процессуал ҳуқуқи каби анъанавий тармоқлар, шунингдек, тадбиркорлик ҳуқуқи, божхона ҳуқуқи, корпоратив ҳуқуқ, банк ҳуқуқи, солиқ ҳуқуқи, халқаро ҳуқуқ каби янги ҳуқуқ тармоқлари киради.

Маълумки, миллий ҳуқуқий тизимнинг норматив асосини Конституция, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил этади. Мустақил тараққиётимизнинг йигирма икки йили мобайнида жами 786 та қонун (шу жумладан, 6 та конституциявий қонун, 15 та кодекс), 4600 га яқин Президент фармонлари, 2060 дан зиёд Президент қарорлари, 10300 дан ортиқ Ҳукумат қарорлари ва 2520 дан ортиқ (шулардан 1410 таси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилиб, ҳозир амал қилмоқда) вазирликлар ва давлат қўмиталарининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилинган⁴.

Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳуқуқий тизими шаклланишининг тарихий хронологияси ва динамикасини яққол тасаввур қилиш учун қонунчилигимизнинг босқичма-босқич яратилиши ва ривожланишининг устувор йўналишларини таъкидлаб ўтиш лозим.

Авалло шуни таъкидлаш жоизки, республикамизда мавжуд барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида қайта кўриб чиқилиб, ислоҳ қилина бошланди. Шу билан

бирга, ҳуқуқий тизимнинг барча соҳалари бўйича янги қонунларни яратиш авж олди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ўн иккинчи чақириқ Олий Кенгаши мустақиллик йиллари мобайнида ўн битта сессия ўтказди. Парламент 1991 йилнинг август-декабрь ойларида – 13 та қонун, 1992 йил давомида – 52 та қонун, 1993 йилда – 53 та қонун ва 1994 йилда – 22 та қонун қабул қилди. Шу чақириқда яратилган жами қонунлар сони 145 тани ташкил этиб, улардан 98 таси янги қабул қилинган қонунлар, 47 таси эса амалдаги қонунларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритувчи ҳужжатлар эди. Янги сайланган биринчи чақириқ Олий Мажлис 1995–1999 йиллар мобайнида ўн бешта сессия ўтказиб, 10 та кодекс, 2 та миллий дастур, 138 та қонун, 468 та қарор қабул қилди. Бу даврда 216 ҳолатда амалдаги қонунчиликка қўшимча, тўлдириш ва ўзгартиришлар киритилди⁵.

Қонунчиликнинг муайян тармоғида *кодекснинг* қабул қилиниши тегишли соҳада алоҳида ҳуқуқ тармоғи шаклланганлигини англатади. Мамлакатимизда 1994–2008 йиллар оралиғида 15 та кодекс қабул қилинганлиги тегишли ҳуқуқ тармоқлари қарор топиб, улар ўзининг асосий ўзак қонунига эга бўлганлигини ифода этади. Масалан, *фуқаролик ҳуқуқи* тармоғининг бош қонуни – *Фуқаролик кодексидир*. У фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолати, интеллектуал фаолияти натижалари, уларнинг мулкӣ ҳамда у билан боғлиқ шахсий номулкӣ муносабатларини тартибга солади. Энг муҳими, мазкур кодекс бозор иқтисодиёти муносабатларига пойдевор вазифасини ўтади. Аввало, Фуқаролик кодексда хусусий мулк ҳуқуқи ва уни муҳофазалаш механизмлари мустаҳкамланди. Шунингдек, унда қуйидаги фуқаролик-ҳуқуқий институтлар қонуний жиҳатдан расмийлаштирилди: шахс (жисмоний ва юридик шахс)лар, битимлар, вакиллик ва ишончнома, даъволар ва уларнинг муддати, мажбуриятлар, шартномалар, мерос ва ворислик, маънавий зарарни қоплаш институтлари. Эътиборлиси шундаки, фуқаролик ҳуқуқи соҳасида қатор янги мавзулар, яъни кўчмас мулкни сотиш институти, рента ва мулк ижараси институти, лизинг (молия ижараси), қарз ва кредит, банк омонати, тадбиркорликни

лицензиялаш, суғурта, хўжалик ширкатлари ва фирмалар тузиш, интеллектуал мулк ва уни муҳофазалаш каби янги институтлар қарор топди.

Меҳнат ҳуқуқи соҳаси ҳам суверен давлатчилик ва миллий хусусиятлар руҳига мос тарзда шаклланиб, меҳнат муносабатларини эркинлашиш (либераллашиш) йўлидан ривожланаётганлигини акс эттирди. Унинг ўзак қонуни – *Меҳнат кодекси* бу соҳадаги қатор анъанавий ва янги институтларни мустаҳкамлади. Жумладан, меҳнат шартномаси, ишсизликни эътироф этиш ва ишсизлик нафақаси, иш берувчи ва ходимнинг ҳуқуқий мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат интизоми, меҳнатни рағбатлантириш, ходимга етказилган зарар учун моддий жавобгарлик, меҳнатни муҳофаза қилиш, аёллар меҳнатининг кафолатлари, аёлларга оилавий вазифаларни бажариш бўйича қўшимча кафолатлар, ёшлар меҳнатининг кафолатлари, меҳнат низоларини кўриш, давлат ижтимоий суғуртаси, пенсия таъминоти, ходимнинг меҳнат ҳуқуқларини суд тартибида муҳофазалаш каби институтларни эътироф қилиш мумкин. Энг муҳими, меҳнат муносабатларининг замонавий ҳуқуқий базаси сифатида бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ хусусиятларни ўзида акс эттирди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида 1998 йилда қабул қилинган *Оила кодекси* мамлакатимизда янги, мустақил *оила ҳуқуқи* тармоғи шаклланганлигини юридик жиҳатдан расмийлаштирди. Ушбу ҳуқуқ соҳаси оиланинг моҳиятини, унинг ижтимоий вазифасини ифодалаб жамиятнинг бошланғич бўғини сифатидаги аҳамияти, оилавий муносабатларда фуқароларнинг тенглиги, эркин ва ихтиёрий фаолият юритиши масалаларини тартибга солишга қаратилган. Унда никоҳ тузиш, эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, оилада бола тарбияси, оилада мулкӣ муносабатлар ва уларнинг кафолатлари, фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийлик масалалари, фуқаролик (оилавий ҳолат) ҳолати далолатномаларини қайд этиш институтлари, шунингдек халқимизнинг миллий хусусиятларини акс эттирувчи янги институтлар: никоҳ шартномаси, никоҳ тузувчи тарафларнинг тиббий кўрикдан ўтиши, яқин қариндошлар ўртасида никоҳни тақиқлаш ҳамда

қон-қариндошлик ва болаларнинг насл-насабини белгилаш кабилар Оила кодексидан ўрин олган.

Жиноят ҳуқуқи тармоғи ҳуқуқнинг анъанавий соҳасидир. У ўзининг қонуний асосини Ўзбекистон Республикаси *Жиноят кодекси* (1994 й.) тимсолида топган. Унда шахснинг ҳаёти ва соғлигига қарши қаратилган жиноятлар, тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши қаратилган жиноятлар, иқтисодий соҳадаги (мулкка қарши) жиноятлар, экология соҳасидаги жиноятлар, бошқарув тартибига ва одил судловга қарши жиноятлар, жамоат тартибига қарши жиноятлар, ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар ва бошқа институтлар мавжуд.

Процессуал ҳуқуқ тармоқларидан бири бўлган *Фуқаролик-процессуал ҳуқуқи* фуқаролик процессуал муносабатлар ва уларнинг субъектлари, фуқаролик процессуал муддатлар, фуқаролик ишларида судловга тааллуқлилиқ, суд харажатлари ва жарималари, даъво ишини юритиш, шикоят ва аризаларни судда кўриш жараёнларини тартибга солади. Унинг асосий манбаи *Фуқаролик-процессуал кодексидир*. Мазкур ҳуқуқ соҳаси ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, мансабдор шахслар ва жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Моҳияти жиҳатдан фуқаролик-процессуал ҳуқуқи фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш, суд қарорларининг ижро этилиш тартибини белгиловчи ҳуқуқ тармоғидир. У фуқаролик, меҳнат, оила, молия ҳуқуқи соҳалари билан узвий алоқадорлиқда амал қилади.

Хўжалик-процессуал ҳуқуқи иқтисодиёт соҳасида корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини хўжалик судларида кўриб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Ушбу ҳуқуқ тармоғининг асосий манбаи *Хўжалик процессуал кодекси* бўлиб, у 1997 йил 30 августда қабул қилинган ва 1998 йил 1 январдан кучга кирган.

Жиноят-процессуал ҳуқуқи соҳаси республика ҳудудида жиноят ишларини юритиш тартибини, жиноят процесси иштирокчи-

ларининг мақоми, ваколатлари, ҳуқуқлари ҳамда процессуал мажбуриятларини ўрнатади. Жиноят-процессуал ҳуқуқи тармоғи қонунийлик, ошкоралик, одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириш, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, айбсизлик презумпцияси, процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи каби принципларга асосланади. Жиноят-процессуал ҳуқуқининг асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжати бўлган *Жиноят-процессуал кодекси* 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ва 1995 йилнинг 1 апрелидан кучга кирган.

Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламент тизимига ўтилиши қонун ижодкорлиги ва қонунчилиқни ривожлантиришда, умуман миллий-ҳуқуқий тизимни такомиллаштиришда сифат жиҳатдан *янги босқични* бошлаб берди. Икки палатали парламент фаолият бошлаганидан буён 356 та қонун қабул қилинган бўлиб, шундан 136 таси янги, 220 таси амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимча киритувчи қонунлардир. Сўнги саккиз йил мобайнида 8 та қонун ўз кучини йўқотган деб топилган ва ҳозир икки палатали парламент томонидан қабул қилинган 348 та қонун амал қилмоқда⁶.

Ҳуқуқий тизим ҳамда қонунчилигимиз ривожланишидаги энг муҳим тенденция шундаки, уларнинг мазмуни ва руҳи ижтимоий йўналтирилиб, тобора инсонпарварлашиб бормоқда, ўзида миллий хусусиятларни, халқнинг қонунийлик, одил судлов ва адолат тўғрисидаги тасаввурларини ифода этмоқда. Қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар халқимизнинг бой тарихи, миллий-маданий ва маънавий қадриятларига асосланмоқда.

Конституцияга мувофиқ, Ўзбекистон халқаро давлатлар ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари ва принципларининг устунлигини тан олган. Шундан келиб чиқиб, республика қонунчилигининг мазмуни халқаро ҳуқуқ талаблари, принциплари ва меъёрларига мувофиқлашмоқда.

Ҳуқуқий тизимимиз ва қонунчилигимизнинг мазмуни янги мафкура – миллий истиқлол

мафкураси ва миллий ахлоқий қоидаларга қатъий таянмоқда.

Комил ишонч билан айтиш мумкинки, мамлакатда ҳуқуқий давлатчилик сари борилаётган, кўппартиявийлик асосида парламент демократияси қарор топаётган шароитда қонун чиқариш фаолияти ҳам, ҳуқуқий тартибга солиш механизми ва қонунчилигимиз ҳам илғор демократик йўналишда бойиб, ривожланиб ва такомиллашиб бораверади.

Ҳуқуқий тизим ва қонунчилик қайси устувор йўналишда ва қай тарзда ривожлантирилиши лозим, деган саволга энг умумий тарзда қуйидагича жавоб бериш мумкин. Фикримизча, *биринчидан*, ижтимоий ҳаётнинг асосий соҳаларига, иқтисодийнинг устувор жабҳаларига тааллуқли ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонунларни яратишга эътибор қаратиш;

иккинчидан, сиёсий, ҳўжалик ва ижтимоий-маданий соҳанинг ўта муҳим ва долзарб масалалари бўйича қонунларни қабул қилиш, уларни мунтазам янгиллаб, такомиллаштириб бориш;

учинчидан, давлат идоралари ҳуқуқий мартабасини, сиёсий тизимини бошқа таркибий қисмлари ҳолатини демократия ва ҳуқуқий давлатчилик принциплари асосида такомиллаштиришга қаратилган қонунлар чиқариш;

тўртинчидан, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, уларга қатъий риоя этиш, уларни муҳофаза этишга қаратилган қонунлар яратиш жамиятда мустақам қонунийлик муҳитини, чинакам демократик ҳуқуқий давлатни вужудга келтиришга кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқариш амалиёти пухта илмий заминга асосланиши шарт. Қонунчилик фаолиятининг барча жиҳатлари ҳуқуқшунослик назарияси томонидан қайта мушоҳада этилиши, мустақил давлат *қонунчилигининг илмий концепцияси* вужудга келтирилиши лозим. Юридик фанимиз олдида турган долзарб вазифалардан бири – ҳуқуқий тизимни оқилона модернизациялаш, қонунчилик механизмнинг барча таркибий бўғинларини чуқур таҳлил этиш ва шунга доир илмий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини конституциявий замин асосида такомиллаштириб бориш, туб *ҳуқуқий ислохотларнинг ва ҳуқуқий тизимни модернизация қилишининг ягона миллий концепциясини* ишлаб чиқиш лозим. Унда ҳуқуқий тизим таркибида бўладиган ўзгаришларнинг, ҳуқуқий ислохотларнинг мақсади, вазифалари ва устувор йўналишлари ўз аксини топиши мақсадга мувофиқ. Ушбу ислохот ва модернизациянинг асосий мазмуни, *биринчидан*, Ўзбекистон давлат мустақиллигининг ҳуқуқий (қонунчилик) базасини вужудга келтириш ҳамда такомиллаштириш лозимлигидан, *иккинчидан*, мамлакатда ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини қарор топтиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш заруриятидан, *учинчидан*, демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини реал таъминлаш мақсадларидан келиб чиқиши ўринлидир.

Юқоридаги мақсад ва вазифалар асосида ҳуқуқ тизими ва қонунчиликни ривожлантиришнинг қуйидаги *асосий йўналишларини* кўрсатиш мумкин:

а) сиёсий ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш – қонунчилик базасини яратиш ва такомиллаштириш; б) иқтисодий ислохотлар, яъни бозор муносабатлари инфраструктурасини шакллантиришнинг қонунчилик асосларини мустақамлаш; в) суд-ҳуқуқ ислохотларининг қонунчилик негизини вужудга келтириш ва янада ривожлантириш; г) ахборот ва сўз эркинлиги ҳуқуқини таъминлаш, ахборот-коммуникация технологиялари тизимини модернизациялашнинг қонунчилик заминини такомиллашириш.

Ҳуқуқий тизимнинг шаклланиши ва такомиллашуви унинг таркибига кирувчи барча элементларнинг ривожланишини назарда тутати. Мустақиллик йилларида жамият аъзоларининг ижтимоий-ҳуқуқий онги, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ҳам ўсиб, ислохотлар даври билан ҳамоҳанг тарзда юксалмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз «Концепцияси»да бу хусусида шундай деб эътироф этди: «Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан, одамлар-

нинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир»⁷. Шунингдек, миллий ҳуқуқий тизимнинг бошқа бўғинлари, яъни ҳуқуқ ижодкорлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими, юридик фан, юридик муассасалар, юридик амалиёт, ҳуқуқий муносабатлар тизими ва бошқалар ҳам изчил ривожланиб бормоқда.

Шундай қилиб, мамлакатимиз ҳуқуқий тизими ҳамда қонунчилиги демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришдек стратегик

мақсадларга эришишга йўналтирилган ислохотларни, ҳозирги модернизациялаш жараёнларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаб, истиқлол даври талабларига мос тарзда босқичма-босқич шаклланиб, жамият юксалиши баробарида такомиллашиб, мазмунан бойиб бораётган серқирра ижтимоий вужуд саналади. Фаол ҳаракатда ва ижтимоий муносабатларни самарали тартибга солиш салоҳиятига эга бўлган ҳамда энг муҳими, инсон манфаатларига хизмат қиладиган ҳуқуқий тизим адолатли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг ишончли кафолатидир.

¹ Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – Б.7.

² Қаранг: Абдусаломов М.Э. Эркин ва фаровон ҳаётнинг ҳуқуқий асоси // Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ахборотномаси. – 2005. – № 12. – Б. 14–15.

³ Ислом Каримов Конституция тўғрисида / Тузувчилар А.Саидов, У.Таджиханов. – Т., 2001. – Б. 113.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги амалдаги қонунчилик мониторинги институтининг 2013 йил 1 ноябргача тайёрлаган маълумотига мувофиқ берилмоқда.

⁵ Қаранг: Олий Мажлиснинг 1999 йил 19 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва уни раҳбариятининг 1995–1999 йиллардаги фаолияти юзасидан ҳисоботи тўғрисида» 806–1 сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1999. – № 9. – 203-м.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги амалдаги қонунчилик мониторинги институтининг 2013 йил 1 ноябргача тайёрлаган маълумотига мувофиқ берилмоқда.

⁷ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – Б. 27.

Таянч иборалар: Конституция, ҳуқуқий тизим, ҳуқуқ тармоғи, қонунчилик стратегияси, ҳуқуқий сиёсат, ҳуқуқий тизим элементларининг таркиби, конституция орқали тартибга солиш, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар, қонунчиликни модернизация қилиш, конституциявий-ҳуқуқий маданият ва қадриятлар.

Мақолада Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моҳияти ва хусусиятлари, шунингдек миллий ҳуқуқий тизимнинг шаклланиши ва ривожланишидаги роли кўрсатиб берилади. Республикада ҳуқуқий тизим ва қонунчилик тизимини такомиллаштиришга доир бир қатор таклиф ва мулоҳазалар келтирилади.

Key words. constitution, legal system, a branch of law, strategy of legislation, legal policy, the structure of elements of legal system, constitutional regulation, constitutional rights and freedoms, modernization of legislation, constitutional-legal culture and values.

The article deals with the essence and peculiarities of the Constitution of the Republic of Uzbekistan, its historical significance and role in the formation and development of national legal system. Some recommendations on perfection of legal and legislative system of the republic are formulated.

Ключевые слова: Конституция, правовая система, отрасль права, стратегия законодательства, правовая политика, структура элементов правовой системы, конституционное регулирование, конституционные права и свободы, модернизация законодательства, конституционно-правовая культура и ценности.

В статье рассматриваются сущность и особенности Конституции Республики Узбекистан, её историческое значение и роль в формировании и развитии национальной правовой системы. Формулируется ряд предложений по совершенствованию правовой и законодательной системы республики.

Ш. Р. Қобилов*,
А. М. Мирқамиллов**

КОНСТИТУЦИЯ, ИҚТИСОД, МАЪНАВИЯТ ВА МАФКУРА

Миллатлар ва халқлар тарихида ўчмас из қолдирадиган саналар бўлади. 8 декабрь - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 21 йиллиги тантанасидир. Халқимиз тақдири, давлатимиз келажиги, унинг дунё ҳамжамиятида қандай ўрин эгаллаши тўғридан тўғри Конституциямизга боғлиқ. Бизнинг Конституциямиз янгиликнинг эскилик, эркинликнинг зўравонлик, адолатнинг ҳақсизлик, тараққиётнинг таназзул устидан ғалабасини муҳрлаган олий ҳужжатдир.

XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида 1992 йил 8 декабрда моддама-модда овоз бериш йўли билан мустақил Ўзбекистон давлатининг Конституцияси қабул қилинди. Бу республика тарихидаги буюк воқеа бўлиб, Ўзбекистон халқи илк бор ўз давлат мустақиллигига эга бўлди ва бу тарихий факт унинг Конституциясида тантанавор тарзда мустаҳкамлаб қўйилди.

Мазкур ҳужжат дунё сиёсий харитасида янги мустақил демократик давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганлиги фактини ифода этади. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибида Ўзбекистон биринчилардан бўлиб ўз Конституциясини қабул қилди. Ўзбекистондан кейин Қирғизистон (1993 йил 5 май), Россия Федерацияси (1993 йил 12 декабрь), Беларусь Республикаси (1994 йил 16 март), Молдова (1994 йил 29 июль), Тожикистон (1994 йил 6 ноябрь), Арманистон (1995 йил 5 июль), Грузия (1995 йил 24 август), Қозоғистон (1995 йил 30 август), Озарбайжон (1995 йил 12 ноябрь) ва бошқа республикалар ўз конституцияларини қабул қилдилар¹.

Ўзбекистон Конституциясида халқимизнинг ўзини ўзи бошқариш, эркинлик ва ижтимоий адолат, инсонпарвар демократик давлат барпо этиш тўғрисидаги азалий орзуси ифода этилган. Шунингдек, Асосий қонунда давлатимиз қиёфаси, унинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тизимининг демократик табиати, умуминсоний қадриятларга нақадар содиқ-

лиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари юридик жиҳатдан қай даражада ҳимояланганлиги яққол кўзга ташланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига Президент Ислом Каримов қисқа, лекин сермазмун ва ифодали таъриф берган. «Бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжатдир, – деб таъкидлайди у. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи – инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда «фуқаро - жамият - давлат» ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик»².

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилиши. Ўзбекистонда давлат мустақиллиги эълон қилинганлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилишни тақозо этган биринчи муҳим масала бўлди. Ўзбекистон ҳудудида илгари амалда бўлган барча конституциялар (Туркистон АССРнинг 1918 ва 1920 йиллардаги конституциялари, Хоразм ва Бухоро Халқ Республикаларининг 1920–1921 йиллардаги конституциялари, Ўзбекистоннинг 1927, 1937, 1978 йиллардаги конституциялари) ўз халқи ва ҳудудини эркин ва демократик асосда бошқарадиган мустақил давлат конституциялари эмас эди. Унда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устувор эканлигига эътибор қаратилмаган.

Бошқа масалаларда ҳам аҳвол шундай эди. Ўзбекистон собиқ Иттифоқ таркибида бўлиб, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими асосида амал қилар эди, кадрлар марказдан туриб тайинланарди. Кадрлар масаласи Тошкентдан 3 минг километр нарида туриб ҳал этилар эди. Қаерда ва нима қуришни марказ ҳал қилар, қандай маҳсулотни ва қанча ҳажмда четдан олиб келиш ҳамда четга чиқаришни ҳам марказ белгилаб берарди. Конституцияда ана шундай идора усули белгиланиб, мустаҳкамланган ва бошқариш-

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси иқтисодий фанлар кафедрасининг доценти.

** Жиззах давлат педагогика институтининг ўқитувчиси.

нинг тоталитар, мустабид тизимига мослаштирилганди.

Республикамиз давлат мустақиллигини қўлга киритгач, табиий равишда, бу ҳодисани Конституция асосида мустақкамлаб қўйиш муаммоси кўндаланг бўлди.

Тақдир Ислон Каримов зиммасига жамиятнинг мураккаб ички ва ташқи сиёсий шароитларида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва давлат-ҳуқуқ масалаларини ҳал қилишга даъват этилган жамиятнинг қайта ўзгартирувчиси бўлишдек ниҳоятда оғир вазифани юклади. Бу – республиканинг давлат мустақиллигини таъминлаш ва унинг Конституциясини қабул қилиш каби ўта масъулиятли вазифа эди.

Конституцияда янги давлатнинг табиати, унинг ички ва ташқи сиёсати тамойиллари, инсон ҳуқуқлари, давлат суверенлиги, демократия ва ижтимоий адолатнинг олий мақсадларига содиқлик ғоялари мустақкамлаб қўйилмоғи лозим эди. Конституция ўзбек давлатчилиги ривожланишидаги тарихий тажрибани ҳисобга олиши, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалари устуворлигига таяниши, фуқаролар учун муносиб ҳаётни таъминлашга асос бўлиши, барқарор маданий бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти бунёд этишда йўлчи юлдуз бўлиши керак эди.

Республиканинг янги Конституциясини ишлаб чиқиш зарурлиги³ ҳақидаги ғоя мустақилликка қадар XII чақириқ Олий Кенгашнинг 1990 йилнинг 24 мартада бўлиб ўтган биринчи сессиясидаёқ эълон қилинган эди. Конституция устида олиб бориладиган ишлар принцип жиҳатдан мутлақо янги, моҳият-эътибори билан мустақил давлатнинг дастлабки Асосий қонуни билан боғлиқ эканлигини, унинг яратилиши бутун бир фаолиятга айланиб кетишини мустақилликка қадар камдан-кам киши хаёлига келтирган эди.

Кремлнинг жазаваларига ва тазйиқларига қарамай, Олий Кенгашнинг 1990 йилнинг 20 июнида бўлиб ўтган иккинчи сессиясида «Мустақиллик декларацияси» қабул қилинди ва унинг 12-бандида «Ушбу декларация Ўзбекистоннинг Конституциясини ишлаб чиқиш учун асосдир»⁴ деб муҳрлаб қўйилди. Ушбу тарихий аҳамиятга молик сессияда Республика Президенти Ислон Каримов раислигида 64 кишидан иборат Конституцияни ишлаб чиқиш комиссияси ташкил этилди. Комиссия таркибига вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари, хўжаликлар, корхоналарнинг раҳбарлари,

давлат ва жамоат арбоблари, олимлар ва халқ хўжалиги мутахассислари кирди. Олий Кенгашнинг ўнинчи сессиясида Конституция комиссияси қисман янгиланди. Ижтимоий ҳаёт гувоҳлик берадики, бу вазифалар давлатимиз раҳбари раҳнамолигида, бутун халқимиз иштирокида амалга оширилди.

Конституция қабул қилинишининг иккинчи муҳим омили жамиятнинг бозор муносабатлари томон тутган йўли, яъни Ўзбекистоннинг тараққиётдаги умумий қонуниятлар ва йўналишларга мувофиқ равишда жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши бўлди. Айтилган вақтда Ўзбекистон аввал бошданок бозорга бирдан-бир мақсад сифатида эмас, балки жамиятнинг жадал ривожини таъминловчи восита тарзида қаради. Бозор муносабатлари қонунларига таянган ҳолда республика ва халқнинг бор имкониятларини ишга солиб, замонавий маданиятли-маърифатли мамлакатлар сафидан муносиб ўрнига эришиш кўзда тутилди. Мулкнинг турли шаклларига муносабатни ўзгартирмасдан, иқтисодий ва сиёсий муносабатларни демократиялаштирмасдан, Конституция ва қонунларни қайта кўриб чиқмасдан туриб, бозор иқтисодиётига ўтишни амалга ошириб бўлмасди. Эски Конституцияга мувофиқ ишлаб чиқариш воситалари, жамики моддий бойликлар давлат мулки ҳисобланар эди. Фуқароларнинг хусусий мулкка эга бўлиши, бойлик орттириши қатъиянман қилиниб, ташаббускорлик бўғилган. Мулкдан бегоналаштирилган одамлар харажатлар миқдорига ҳам, ишлаб чиқарилган маҳсулот сифати ва тақдирига ҳам бефарқ эди. Бу эса суиистеъмолчиликлар, талон-тароажлар, кўшиб ёзишлар, ҳисоботлар ва статистик маълумотларни сохталаштиришга, коррупциянинг авж олишига олиб келган эди. Бугун тоталитар тузум даврини эсга олганда, ҳар қайсимиз халқимиз кечирган не-не қийинчиликлар, аввало, одамларнинг, кадр-қиймати таҳқирланган ва хўрлангани кўз ўнгимизга келади. Демократик Ўзбекистон Конституциясининг 36-моддасига биноан, «Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли» экани, Қомусимизнинг 53-моддасига кўра, Ўзбекистон иқтисодиёти бозор муносабатларига асосланиши, унинг негизини хилма-хил мулк шакллари ташкил этиши, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуққа эга эканига қафолат берилди. Ишбилармонлик, тадбиркорлик ва ташаббускорлик ҳаракатига кенг йўл очиб берди ва мулкдорлар табақасини вужудга келтириш тамойиллари ишлаб чиқилди. Бу

стратегик аҳамиятга молик қоида Асосий қонунимиз дунёвий талабларга тўла жавоб бера олишини кўрсатибгина қолмай, унинг узоқни кўзлаб мукамал яратилганини бугун ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўрта синфни шакллантириш учун мунтазам кенгайиб бораётгани асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ўрта синф эса, маълумки, ҳар қандай демократик жамиятнинг асоси бўлиб ҳисобланади. Бугун давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини юмшатиш ва бартараф этишнинг муҳим омилли бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида Ўзбекистонда сезиларли тажриба тўпланди.

Миллий қонунчилигимизнинг негизи ҳисобланган Конституциямизга таяниб, бугун Ўзбекистон халқи ўз олдига буюк мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечирмоқда. Ўз куч ва имкониятларига ишонган ҳолда демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида изчил қадам ташлаб ва халқнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлашга интилиб яшамоқда. Ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 54,6 фоизи айнан шу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда.

Давр хусусиятларини, тараққиётнинг янги шароитларини ҳисобга олган Конституция негизидагина бозор иқтисодиётдан келиб чиқувчи ижтимоий муносабатларга ўтиш амалга оширилади. Шундай қилиб, Конституция демократик ҳуқуқий давлатни бунёд этиш учун ҳуқуқий пойдевор яратади, у фуқаролар жамияти барқарорлигининг, инсон ҳуқуқларининг кафолати бўлиши, одатда янги, ҳали таниш бўлмаган ижтимоий муносабатларга ўтиш шароитида жамиятда юз берадиган тартибсизлик ва бошбошдоқлик, ҳуқуқий нигилизм ва бедодликнинг олдини олиши керак эди. Бугун Конституциямиз асосий қонун шаклида ҳаётда вужудга келадиган кўпгина саволларга жавоб бермоқда, жамиятнинг келажакдаги истиқболига умид ва ишонч уйғотмоқда, ижтимоий тараққиётга йўналтирувчи, фарзандларимиз йўлини ёритиб тургувчи маёқ бўлиб хизмат қилмоқда. Конституциямиз, шунингдек, давлатнинг аниқ-равшан, муайян дастури мавжудлигидан, унинг аниқ белгиланган йўлдан боришга тайёр эканлиги ва бунга қатъий азму қароридан ҳаётини йўналишлари пухта ҳисоб-китоб қилиб чиқилганидан далолат беради.

Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов республика ўз тараққиёт йўлини Конституцияга асосан белгилаб олиши лозимлигини қайта-қайта таъкидлаб: «*Давлатимизнинг келажакда, халқимизнинг тақдири кўп жиҳатдан*

*Конституциямиз қандай бўлишига боғлиқ»*⁵.

... *Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи – инсондир»* деган фалсафадан келиб чиқиб иш тутилсин, миллион-миллион кишилар дилига яқин ҳамда уларга тушунарли бўлган сиёсий ва юридик ҳужжат яратилсин» дейиш билан давлатимиз раҳбари Конституция комиссиясининг раиси сифатида комиссия ишининг дастлабки кунларидан Конституция қабул қилингунга қадар асосий маънавий ўлчов – инсон ва унинг кадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари, манфаатларига нодир қадрият сифатида қаради ва улуғлади.

*Ислоҳ Каримов Конституцияни «демократик қомус» деб атади. «Унинг лойиҳаси устида икки йил давомида ишладик, — деди Президент. — У икки ярим ой мобайнида халқ муҳокамасидан ўтди, халқнинг фикр хазинаси дурдоналари билан бойитилди, сайқал топди»*⁶.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида қабул қилинган Конституция янги мустақил демократик суверен Ўзбекистон давлатининг биринчи Конституцияси сифатида тарихга муҳрланди. Конституциянинг мустақил давлат мавжудлиги фактидан келиб чиқиб яратилганлигини унинг ўзига хос хусусияти деб ҳисоблаш лозим. Асосий қонунимиз дастлабки моддасидан охириги, 128-моддасига қадар мустақиллик ғояси билан суғорилган бўлиб, улкан маънавий-ахлоқий салоҳиятга эга. Унда инсонпарварлик ва адолат ғоялари мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Конституциясида кўҳна ва муқаддас заминимиз халқлари кўнглида устувор бўлган: эл-юртга садоқат, ҳалоллик, адолат, ҳақиқат, иймон, эътиқод, виждонлилик, олижаноблик, бағрикенглик, ватанпарварлик, мардлик, тантилик каби улуғ маънавий фазилатлар бу муборак ҳужжатдан муносиб ўрин олганлигини фахр билан эътироф этиш жоиз. Асосий қонунимиз юксак маънавият асосида, қонун устуворлигига таяниб яшашнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб, инсон манфаатлари йўлида яратилганлиги унинг муҳим хусусиятидир.

Ўзбекистонда жамиятни эркинлаштириш масалаларининг конституциявий асосланганлиги хусусида таниқли хорижий экспертлардан бири Леонид Левитин ўзининг «Ислоҳ Каримов – янги Ўзбекистон Президенти» номли китобида эътироф этишича, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясида ҳозирги замон жамиятларига уларнинг сиёсий-ҳуқуқий ташкил этилиши нуқтаи назаридан зарур бўлган деярли барча нарса мавжуд. Шахснинг

мустақиллиги, ҳокимиятларнинг тақсимланиши, мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги, мафкуравий ранг-баранглик, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий плюрализм, бошқариладиганларнинг розилигига асосланган ҳукумат сингари кўплаб бошқа демократик қадриятлар конституциявий тузумнинг принциплари сифатида тасдиқланади. Узоқ йиллар давомида тоталитар-мустабид тартиботнинг хом ҳаёл-демократик ниқоби бўлиб келган турли кўринишдаги «шўрочиликлар» барҳам топтирилган»⁷.

Дарҳақиқат, изчил, мустақил тараққиёт йўлимизда Конституциямиз умуминсоний ғоялар – тинчлик, тенглик, эркинлик, биродарлик, миллатлараро тотувлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги, хавфсизлиги каби улуғ ғояларга хизмат қилмоқда

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, «Ҳақиқатан ҳам, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямиз Ўзбекистон тарихида, узоқ, давомли мақсад ва вазифаларимизни аниқ белгилаб беришда ўзининг пухта ўйланган тамойил ва қоидалари билан ишончли ва ҳал қилувчи омил бўлди, деб таъкидлашга барча-барча асосларимиз бор.

Конституциямиз негизига қўйилган талаб ва қоидаларга тўлиқ мос келадиган, дунё ҳам-жамиятида «ўзбек модели» деб ном қозонган, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўли нақадар тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда»⁸.

Маълумот учун: Ўтган 22 йиллик мустақил тараққиётимиз давомида мамлакатимиз эришган натижа ва марралар ҳақидаги кўрсаткичлар юртимизда бўлаётган мислсиз ўзгаришлар тўғрисида аниқ тасаввур беради.

Ана шу даврда Ўзбекистон иқтисодиёти 4,1 баробар ўсди. Агар мамлакатимиз аҳолиси шу даврда қарийб 9,7 миллионга кўлайиб, бугунги кунда 30 миллион 500 мингга яқин кишини ташкил этаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, аҳоли жон бошига нисбатан ўсиш 3 баробардан зиёдни ташкил этиши бизнинг нақадар улкан тараққиёт йўлини босиб ўтганимиздан далолат беради.

Жаҳон миқёсида ҳали-бери давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг жиддий таъсирига қарамасдан, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг йиллик ўсиши 2008-2013 йилларда 8 фоиздан ошди, 2014 йилда эса бу кўрсаткич 8,1 фоизни ташкил этади. Бундай ўсиш суръатларини камдан-кам давлатларда кузатиш мумкин.

Ўтган давр мобайнида макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мутаносиблиги, давлат

бюджетимизнинг профицит билан, яъни ошириб бажарилиши таъминланмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолининг реал ялпи даромадлари жон бошига 8,2 баробар ошганининг ўзи халқимизнинг ҳаёт даражаси тобора ўсиб бораётганидан далолат беради. Ўзбекистоннинг ташқи давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 16 фоиздан ошмаяпти, экспорт ва олтин-валюта захираларимиз ҳажми кўпайиб бормоқда.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз иқтисодиётида доллар ҳисобида 162 миллиарддан ортиқ капитал маблағ ўзлаштирилган бўлиб, бунинг 56 миллиард доллардан зиёди хорижий инвестициялардир.

Фақатгина 2013 йилнинг ўзида капитал инвестициялар ҳажми доллар ҳисобида қарийб 14 миллиардни ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 23 фоизни ташкил этади.

Буларнинг барчаси аввало иқтисодиётимиздаги ижобий таркибий ўзгаришлар натижаси, янғитдан ишга туширилган, жаҳон бозорида талаб катта бўлган рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқараётган юзлаб, минглаб замонавий корхоналар демакдир.

Бу рақамлар аввало юзлаб, минглаб километр темир йўллар ва автомобиль йўллари, юз минглаб уй-жойлар қурилгани, инфратузилма объектлари бунёд этилгани, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасининг тубдан ўзгариб, аҳоли фаровонлиги ва ҳаёт сифати ошиб бораётганининг далилидир.

Бугун бир фикрни ҳеч иккиланмасдан, тўла ишонч билан айтишимиз мумкин: Ўзбекистон тарихан қисқа муддатда иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, асосан пахта хомашёси етказиб беришга мослашган, пахта яккаҳоқимлиги ҳалокатли тус олган қолоқ республикадан тез суръатлар билан ўсиб бораётган замонавий саноат тармоғига эга бўлган, жадал тараққий этаётган мамлакатга айланди»⁹.

Президентимиз Ислом Каримов фуқароларимизнинг манфаатларини тўлиқ ифода этган Конституциямизнинг 8 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида: «Биз қонун устуворлигига эришгандагина ўзимиз учун мақсад қилиб қўйган адолатли, эркин жамият, фаровон ҳаёт барпо этишимиз мумкин».

«Мен Конституцияни болалар боғчасидан бошлаб ўрганишни, мактабларда дарслик тариқасида ўқитишни, олий ўқув юртларида махсус бир дарс сифатида ўрганишни бугун барча мутасадди раҳбар ва ташкилотла-

римизга топшириқ тариқасида айтмоқчи-ман».

«Токи униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз Конституциянинг маъно-мазмунини, у халқимизнинг истиқлол йилларида эришган улкан тарихий ютуқ эканини теран англаб етсин»¹⁰ деган муҳим вазифани белгиллаган эди.

Конституциямизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти беқиёс. Маълумки, дунёдаги ривожланган демократик давлатларда ҳеч бир фуқаро, ҳеч бир одам ўз ижтимоий-шахсий ҳаётини, тинч яшаш ҳуқуқини, ўз қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни конституциясиз тасаввур эта олмайди. Бошқача айтганда, улар кундалик ҳаётида Конституция белгилаб берган қоида ва ҳуқуқларга тез-тез мурожаат қилади.

Конституциямиз мамлакатимизда тинчлик осойишталик, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий ўзагини ташкил этади. Ўзбекистон, Конституциямизда таъкидлангани каби, амалда халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектига айланди. Мамлакатимиз ташқи сиёсатини шакллантиришда Конституциявий тамойилларга амал қилган ҳолда, аввало ўз куч-қудратимизга, маънавиятимизга кўп авлодлар меҳнати билан яратилган халқимиз салоҳиятига таянмоқда.

Мустақил ва суверен давлатимиз Конституциясининг қабул қилиниши ва унинг ҳуқуқий демократик жамият қуришдаги аҳамияти ва ролини юксак баҳолаб: «Ўзбекистон келажакини, янгитдан барпо этилаётган давлатимизнинг чуқур мазмуни, маъно ва моҳиятини, сиёсий, иқтисодий, гуманитар ва маънавий тараққиётнинг, юртимиз қиёфасини, унинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни ва нуфузини тубдан ўзгартириб юборган мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг пировард мақсадларини аниқ-равшан белгилаб олганимизни ҳақли равишда юксак баҳолаймиз»¹¹ – деб таъкидлайди Юртбошимиз.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов белгиллаган, «Конституциямизнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган беқиёс аҳамияти ва тарихий ролини» жамиятимиз аҳлига, айниқса, ёшлар онгига сингдириш вазифаси бугунги кунда барчамизга улкан масъулият юклайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси жаҳон майдонида янги суверен давлат – Ўзбекистон давлати дунёга келиб фаол яшаётгани ва ривожланаётганлигидан далолат беради. Чунки, Юртбошимиз «Қабул қилинган Конституциямиз Асосий қонунимиз сифатида «давлатни давлат қиладиган, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қобусно-

мадир» деб таъкидлаган. Ўтган давр мобайнида ушбу талаблар асосида қабул қилинган қонунлар миллий ғоямизнинг асосий тушунчалари юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаравонлигини таъминлаш йўлида мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Конституцияси бошқа конституциялардан фарқли ўларок, ўта мафкура-лашмаган ва сиёсийлаштириш руҳи билан суғорилмаган. Бу хусусиятлар тараққиётнинг «ўзбек модели»да ўз ифодасини топган.

Давлатчилик анъаналарини халқимизнинг миллий табиати, ўз қадим удумлари билан уйғунлаштира олган конституциямиз ҳар бир соҳада батафсил ишлаб чиқилаётган қонун ва кодекслар билан амалда қўлланиб, мустаҳкамланиб бормоқда.

Асосий қонунимизда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади, дейилган. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси мақомига кўтарилиши мумкин эмас. Бу конституциявий қоида миллий истиқлол мафкурасини яратишда муҳим роль ўйнади. Бугунги кунда миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, ҳалоллик, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдиришга хизмат қилмоқда. Бу умуминсоний туйғулар давлатимиз фуқароларини улўф мақсад йўлида қалбан бирлаштиради.

Тараққиётимизнинг ўтган йиллари мобайнида мазкур қомусий ҳужжатга бир неча марта ўзгартиришлар киритилгани, улар бугунги кунга келиб ўзини тўла оқлаётганини кенг жамоатчилик ва халқаро экспертлар юксак эътироф билан тилга олмоқда, профессионал, доимий ишловчи парламентга бўлган эҳтиёж, қонунлар сифатини янада ошириш, ҳокимиятнинг бўлиниши принципини ривожлантириш, ижро ҳокимияти фаолияти устидан вакиллик ҳокимияти назоратини кучайтириш, ҳукумат масъулиятини ошириш мақсадида Парламент, Президент, ҳукумат фаолиятига, сайлов тизимига киритилаётган ўзгартиришлар шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда баён этган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепцияси» мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг янги даврини бошлаб берди. Ўтган йиллар мобайнида Конституциямизга киритилган муҳим ўзгар-

тириш ва қўшимчалар ҳозирги пайтда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, қонун устувор бўлган кучли фуқаролик жамиятини қарор топтириш, қисқача айтганда, юртимизнинг дунёдаги нуфузини янада оширишда дастуриламал ҳужжат вазифасини ўтаб келмоқда.

Юксак ҳурмат ва эҳтиром билан таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нуфузи ва ижтимоий қадр-қиммати

йиллар ўтган сайин юксалиб бораверади. Чунки, Конституциямиз юксак ижтимоий-ҳуқуқий, маънавий қадрият ҳисобланади. Асосий қонунимиз – халқимиз ижодининг маҳсули бўлиб, ҳаёт, нажот, демократик тараққиёт йўлимизни белгилаб берган, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий хавфсизлигимизни таъминлайдиган, барчамиз таянадиган, эртанги кунга қатъий ишонч уйғотадиган «боқий асар»дир.

¹ Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. – Т., 2001. – Б. 239–240.

² Каримов И.А. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т., 1996. – Б.124.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Т. 2011.— Б. 149–162.

⁴ Ўша жойда.

⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. — Т., 1996. — Б.124.

⁶ Ўша жойда.

⁷ Қаранг: Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти. – Т., 1996. — Б. 89-90.

⁸ Каримов И.А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. — 2013. — 7 дек.

⁹ Ўша жойда.

¹⁰ Қаранг: Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация қилиш жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. — Т., 2011. – Б. 5.

¹¹ Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Т., 2001. – Б. 139–140.

Таянч иборалар: Мустақиллик, Конституция, концепция, иқтисод, сиёсат, маънавият, мафкура, жамиятнинг иқтисодий негизлари, иқтисодий ва сиёсий плюрализм, хавфсизлик, барқарорлик, иқтисодий хавфсизлик, ижтимоий хавфсизлик, маънавий хавфсизлик, ўрта синф, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик.

Мақолада Ўзбекистон Конституциясининг МДХ мамлакатлари таркибида биринчилардан қабул қилинганлиги, унинг тоталитар-мустабид тузумдаги конституциялардан фарқи, Асосий қонунимизда умумбашарий қадриятлар, миллий тафаккурнинг акс эттирилганлиги, унинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий хавфсизликни таъминлашда мустақкам ҳуқуқий кафолат бўлиб хизмат қилаётгани ҳақида фикр юритилган.

Key words: Independence, constitution, conception, economy, policy, spirituality, ideology, economical foundations of society, economical and political pluralism, economical security, security, stability, social security, spiritual security, middle class, small business and private enterprise.

The article says that, the Constitution of Uzbekistan is one of the first constitutions adopted in the CIS countries, it gives prove of differences from the constitutions of totalitarian-colonial system period as well as it is the guarantee of strengthening economical bases of society. As it is stressed, the Constitution includes universal human rights and national worthiness and it serves as powerful legal foundation in providing economical, social and national worthiness of the country.

Ключевые слова: Независимость, Конституция, концепция, экономика, политика, духовность, идеология, экономические основы общества, экономический и политический плюрализм, безопасность, стабильность, экономическая безопасность, социальная безопасность, духовная безопасность, средний класс, малый бизнес и частное предпринимательство.

В статье отмечается, что Конституция Узбекистана была принята одной из первых в странах СНГ, обосновывается ее коренное отличие от конституций периода тоталитарно-колониального строя. Подчеркивается, что Основной закон вобрал в себя общечеловеческие и национальные ценности, служит прочной правовой основой обеспечения экономической, социальной и духовной безопасности страны.

МОДЕРНИЗАЦИЯ КОНСТИТУЦИОННОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА УЗБЕКИСТАНА: НЕКОТОРЫЕ ИТОГИ И ПЕРСПЕКТИВЫ

Как известно, последние 10-15 лет Узбекистан проводит политику модернизации страны по всем направлениям общественной жизни. Сегодня эта политика еще более активизировалась. Президент страны Ислам Каримов в своем выступлении на совместном заседании палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан 12 ноября 2010 г. подчеркнул, что начался новый этап развития государства и общества¹. Предложенная главой государства Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране вобрала в себя, во-первых, комплексный анализ пройденного пути по реформированию страны, во-вторых, определила целевые задачи и ориентиры на следующий этап развития общества и государства. Данный этап характеризуется тем, что, взяв за основу демократические принципы и ценности, Узбекистан продолжает на качественно новом уровне курс на модернизацию страны, сохраняя при этом свои особенности развития. Модернизация страны осуществляется в условиях устойчивого экономического роста, политической стабильности и повышения уровня жизни граждан.

Модернизация есть процесс развития, совершенствования, накопления позитивных качественных изменений в той или иной сфере общественной жизни, который подкрепляется ростом количественных изменений (экономических, социальных, правовых, технических и др.). С точки зрения теории государства и права правовую модернизацию можно определить как совокупность процессов обновления, совершенствования и рационализации правовой системы, которые ведут к формированию современного открытого гражданского общества и правового государства, как формирование, развитие и распространение современных правовых институтов, инструментов и методов, а также

современной правовой инфраструктуры, которые в наибольшей степени способны обеспечивать адекватное реагирование и приспособление правовой системы к изменяющимся условиям и вызовам современности.

Проблематика конституционной модернизации (конституционного обновления) стала популярной в переходных государствах в связи с распространением новой демократической волны во всем мире, вызвавшей потребность разработки новых демократических конституций². Глобализация, как один из факторов правовой модернизации в Республике Узбекистан, повлияла на включение в ее правовую систему общепризнанных принципов и норм международного права, содержащихся в международно-правовых документах и международных договорах Узбекистана. Постановка вопроса о конституционной модернизации закономерна с позиций модернизационного процесса, в котором находится вся наша страна. Модернизация способствует повышению эффективности конституционных норм и институтов, активизирует адаптацию национальной правовой системы и конституционно-правовых учреждений к передовым мировым стандартам и требованиям.

Коренные государственно-правовые реформы привели к кардинальному изменению конституционного законодательства страны. Началом конституционной реформы стало принятие в 1992 г. Конституции, которая по своему характеру стала основой новой правовой системы и правопорядка в стране, дала импульс принятию законов, воплощающих положения Конституции в жизнь.

Модернизацию конституционного законодательства можно обозначить как качественное изменение указанной отрасли законодательства на основе достигнутого уровня, использования отечественного и зарубежного опыта, при одновременном сохранении преемственности и динамичности, позволяю-

* Доктор юридических наук.

щих ей наиболее эффективно выполнять свою регулятивную функцию. Осуществляемая в нашей стране конституционная модернизация нацелена на обновление всех сторон организации и деятельности государства и общества. Ее проведение потребовало целенаправленных усилий и действий, а цели, этапы и содержание — тщательной проработки и последовательной реализации. В результате, на основе прочной общественной поддержки были достигнуты успешные результаты преобразований конституционного законодательства.

Концептуальная идея конституционных преобразований впервые на государственном уровне нашла свое отражение в выступлениях и трудах главы государства уже в первые годы XXI века. Результатом интенсивной реализации первых шагов конституционной реформы, обращенной на формирование прозрачной системы органов государственной власти с четким разделением их компетенции, стало принятие целого ряда законов, направленных на ограничение вмешательства государства в деятельность политических партий и ННО. Произошло перераспределение функций государственного управления между высшими органами власти, упразднение части дублирующих и избыточных функций этих органов. Это позволило в известной мере оптимизировать деятельность органов государства.

Основанием для первого существенного изменения Конституции стали итоги проведенного 27 января 2002 г. референдума по вопросу об образовании двухпалатного национального парламента. Принятие Закона «Об итогах референдума и основных принципах организации государственной власти» определило основу глубокого реформирования системы государственной власти. В результате в 2003 г. были приняты конституционные законы «О Законодательной палате Олий Мажлиса Республики Узбекистан», «О Сенате Олий Мажлиса Республики Узбекистан» и соответственно внесены изменения и дополнения в Конституцию страны. Указанная реформа позволила «сформировать систему сдержек и противовесов при осуществлении парламентом своих полномочий, существенно повысить качество законотворческой работы, добиться сбалансированности общегосударственных и региональных интересов»³.

Продолжая курс на демократизацию общества и государства, законодатель исключил в 2007 г. из Конституции Республики Узбекистан нормы, устанавливающие, что Президент страны является одновременно главой исполнительной власти. Согласно новым положениям Конституции, Президент Республики Узбекистан является главой государства и обеспечивает согласованное функционирование и взаимодействие органов государственной власти. Соответственно, была упразднена должность председателя Кабинета Министров, которую ранее занимал Президент страны. Принятие Конституционного закона Республики Узбекистан «Об усилении роли политических партий в обновлении и дальнейшей демократизации государственного управления и модернизации страны» в 2007 г. также предопределило внесение корректив в Конституцию страны.

Конституционные преобразования составляют исходную основу для формирования демократического правового государства, опирающегося на исторический опыт развития узбекской государственности, учитывающего также мировой опыт конституционного развития. Закрепленные в Конституции Республики Узбекистан изменения и дополнения отвечают общей тенденции развития современной государственности и опираются на мировой опыт. Практика государственного развития Узбекистана, возможно, потребует и в будущем каких-либо дополнений и уточнений конституционной системы, обеспечивающей формирование гуманного демократического государства на основе идеалов демократии и социальной справедливости, признания приоритета общепризнанных норм международного права. Однако уже сейчас можно утверждать, что внесенные в последние годы в Конституцию изменения и дополнения существенно повлияли на архитектуру государственного устройства, сбалансировали механизм сдержек и противовесов в системе разделения властей.

Итоги модернизации конституционного законодательства заключаются в следующем: во-первых, конституционная реформа способствовала созданию более четкого и системного правового механизма распределения полномочий между тремя субъектами государственной власти — главой государства, законодательной и исполнительной властью;

во-вторых, существенно изменился конституционный статус главы государства, нацеленного на обеспечение согласованного функционирования и взаимодействия органов государственной власти. При этом исключено право Президента принимать решения по вопросам, отнесенным к компетенции Кабинета Министров;

в-третьих, значительно расширены полномочия и контрольные функции законодательной ветви власти. Олий Мажлис наделен правом выражения вотума недоверия Премьер-министру;

в-четвертых, введен новый, отвечающий демократическим принципам порядок выдвижения и утверждения Премьер-министра, его регулярной отчетности перед парламентом по актуальным вопросам социально-экономического развития страны.

В результате обновления конституционного законодательства новый импульс получило поступательное продвижение Узбекистана по пути демократизации и модернизации всей политической системы общества. Политические партии, получив реальные полномочия по формированию правительства, становятся мощной движущей силой, обеспечивающей устойчивое и демократическое развитие страны.

По ряду других приоритетных направлений конституционной реформы работа только начинается. Уже сейчас очевидно, что на базе конституционной реформы 2000-2012 гг. предстоит решить ряд задач по усилению механизмов парламентского контроля и мониторинга над деятельностью органов исполнительной власти, что предполагает: а) определение соотношения и уточнение компетенции органов законодательной и исполнительной власти, а также оптимизацию их взаимодействия; б) разработку конкретных способов и механизмов реализации компетенции главы государства, парламента и правительства, а также комплекса организационных, правовых, финансовых и материальных вопросов реализации их функций и полномочий; в) исследование корреляции между функциями и полномочиями высших органов государственной власти; г) совершенствование механизма реализации законов, устранение

негативных факторов, проблем и недостатков правоприменения.

Недостаточно еще используется богатый потенциал самоорганизации и самодеятельности населения. Необходимо дальше совершенствовать механизмы и формы взаимодействия между государством и структурами гражданского общества. Следует решать вопросы передачи отдельных государственных функций негосударственным организациям, в первую очередь органам самоуправления граждан. Поэтому нужен анализ опыта функционирования таких организаций с целью определения того, насколько они готовы к выполнению публичных функций.

Как видим, суть и логика осуществленных преобразований свидетельствует о том, что в Узбекистане в последнее десятилетие планомерно, поэтапно осуществляется конституционная модернизация, закладывающая правовые основы обновления страны.

Конституционная модернизация (как и в целом реформы) в Республике Узбекистан еще далека до завершения. Цели и ожидаемые результаты ее проведения требуют взвешенного подхода к определению последовательности преобразований. Поэтому, на наш взгляд, корректировка действующей Конституции должна носить точечный характер и осуществляться по мере востребованности обществом. Еще раз подчеркнем, что научно-теоретическая основа проведения конституционной реформы обусловлена необходимостью формирования правового механизма, соответствующего условиям и потребностям нового этапа развития страны. Модернизация конституционного законодательства должна носить научно обоснованный характер, базироваться на добротном анализе итогов государственно-правового развития страны. Поэтому юридическая наука не должна быть сторонним наблюдателем, ее задача – оказать посильную помощь общей модернизации страны.

Поскольку на успех реформ оказывает влияние общественная поддержка, а сами они эффективно реализуются усилиями государственных и общественных структур,

юридической науке важно включиться в обсуждение процесса конституционной реформы, дать объективную оценку ее результатам и определить пути дальнейшего реформирования. Глава государства предупреждает: «Самое опасное, что может нас ожидать на этом пути, – это эйфория и чувство самоуспокоенности достигнутым, отрыв от реальности, что может негативно отразиться на эффективности и перспективах развития страны»⁴.

Представляется, что потенциал правовой науки позволит найти оптимальные пути дальнейшего проведения реформы в интересах всего общества, разрешить

возникающие в ее ходе проблемы. Необходимо установить – каков обратный эффект воздействия осуществленных конституционных изменений на общественное сознание, развитие страны и государства. Такой подход позволит выявить проблемы и резервы конституционного развития, показать его поливариантность и наметить последующие меры конституционной модернизации.

Таким образом, оценивая перспективы конституционного развития, можно прогнозировать дальнейшую эволюцию системы конституционного законодательства и совершенствование конституционной модели государства.

¹ Каримов И. А. Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране. Доклад на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан // Народное слово. – 2010. – 13 нояб.

² Sartori Giovanni. Comparative Constitutional Engineering: An Inquiry into Structures, Incentives and Outcomes. – New York University Press, 1994. – 219 p.

³ Каримов И. А. Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране. Доклад на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан // Народное слово. — 2010. — 13 нояб.

⁴ Каримов И. А. Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране. Доклад на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан // Народное слово. – 2010. – 13 нояб.

Таянч иборалар: Конституция, конституциявий ислохот, Конституцияга ўзгаришлар ва қўшимчалар, конституциявий модернизация.

Мақола Ўзбекистон конституциявий қонунчилиги модернизациясининг моҳияти ва хусусиятлари, конституциявий-ҳуқуқий ислохот мазмуни ва аҳамияти ҳамда мамлакатни модернизация қилиш жараёнларига конституциявий ўзгаришларнинг таъсири масалаларига бағишланган.

Key words: constitution, constitutional reform, amendments and additions to the Constitution, constitutional legislation.

This article is devoted to the nature and characteristics of modernization of the constitutional legislation of Uzbekistan, to the analysis of the content and the role of the constitutional and legal reform, the influence of the constitutional reorganizations on the processes of modernization of the country.

Ключевые слова: Конституция, конституционная реформа, изменения и дополнения Конституции, конституционное законодательство.

Статья посвящена сущности и особенностям модернизации конституционного законодательства Узбекистана, анализу содержания и роли конституционно-правовой реформы, влияния конституционного переустройства на процессы модернизации страны.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТАЛАБЛАР АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН СУД-ҲУҚУҚ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият сифатида қарор топтириш борасида ўтган 22 йил мобайнида қандай ютуқларни қўлга киритган бўлсак, уларнинг барчаси Конституциямизда белгилаб қўйилган қоида ва принциплар билан чамбарчас боғлиқдир.

Бош қомусимиз инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини олий қадрият даражасига кўтаришдек халқимизга хос олижаноблик хусусиятлари билан мустақилликкача амалда бўлган конституциялардан тубдан фарқ қилади.

Маълумки, инсон ҳуқуқлари ғояси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддима-сидан бошланиб, унга алоҳида бўлим бағишланган. Жумладан, Асосий қонунимизнинг 13-моддасида Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши белгилаб қўйилган.

Бош Қомусимиз асосида Ўзбекистоннинг қонун чиқарувчи органи томонидан инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини тартибга соладиган 15 та кодекс ва 400 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон биринчи ратификация қилган ҳужжат ҳам Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бўлди. Истиқлол йилларида мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 70 дан ортиқ муҳим халқаро ҳужжатларга қўшилди. БМТ томонидан бу соҳада қабул қилинган олтита асосий халқаро шартнома қатнашчисига айланди¹. Ўтган давр мобайнида БМТнинг шартномавий қўмиталарига мазкур халқаро ҳужжатларнинг бажарилиши бўйича 30 га яқин Миллий маъруза тақдим этилди².

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг адолатли сиёсати туфайли мамлакатимизда босқичма-босқич суд-ҳуқуқ

тизимини либераллаштириш жараёнининг изчил амалга оширилиши инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг муҳим кафолатига айланди.

2001 йилда «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши ҳам тизим ислохотларнинг юксак инсонпарварлик тамойилига асосланганини кўрсатиб турибди. Зеро, унга кўра, жиноятлар квалификацияси ўзгартирилди, яъни оғир ва ўта оғир жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди.

Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланмаслиги ҳақида Жиноят кодексининг 11-моддасига киритилган қоидалар ҳам бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Масалан, озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилган шахслар сони 2012 йилда 2000 йилдагига нисбатан икки баравардан кўпроқ қисқарди.

Халқимизга хос бағрикенглик, олижаноблик каби қадриятларни ўз ичига олган *ярашув институтининг амалиётга жорий этилиши* жамиятимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Ушбу институт замирида айбдорни жазога тортиш эмас, балки унга қилмишидан тегишли хулоса чиқариб, ҳаётда тўғри йўлни топиб олиши учун имкон бериш тамойили мужассам. Зеро, у ярашилганлиги муносабати билан, аввало, жабрланувчига етказилган зарар тез ва тўлиқ қопланиши таъминланади ҳамда жиноят содир этган шахс жиноий жавобгарликдан озод этилгани учун судланмаган ҳисобланади. Бу институт амалда жорий этилганидан буён 134 минг нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод этилгани шунинг далолатидир.

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси конституциявий ҳуқуқ кафедрасининг бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент.

Мамлакатимизда 2008 йилнинг январидан бошлаб *ўлим жазоси бекор қилинди* ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо тури жорий этилди. «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганлар жазонинг 25 йилини, узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганлар тайинланган жазонинг 20 йилини амалда ўтганларидан сўнг авф қилинишини сўраб илтимоснома билан мурожаат этишлари мумкин. Бу эса БМТнинг умрбод озодликдан маҳрум қилишга оид 1995 йилги тавсияларининг асосий принципларини ўзида тўла акс эттиради.

Агар умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтса, ўрнатилган тартибни бузгани учун интизомий жазоланмаган бўлса, меҳнатга ва таълимга виждонан муносабатда бўлса, тарбиявий тадбирларни ўтказишда фаол қатнашса – 20 йил жазо муддатини, узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинган маҳкум эса – тайинланган жазонинг 15 йилини амалда ўтаганидан кейин бундай ҳуқуққа эга бўлади.

Қайд этиш жоизки, Қонунга киритилган бундай нормалар *бир томондан*, маҳкумнинг жавобгарликдан асоссиз озод этилишига ва бу соҳада ўзбошимчаликка йўл қўймайди. *Иккинчи томондан*, ушбу нормалар ва механизмлар маҳкумни тузалиш йўлига ўтишга ундайди, уни эркин ҳаётга қайтиш умидидан маҳрум этмайди. Таъкидлаш жоизки, умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан муддатидан олдин шартли озод этиш қўлланилмайди.

Ўлим жазоси бекор қилинганидан буён ўтган давр тажрибаси шуни кўрсатдики, *биринчидан*, мазкур ўта оғир жазо турининг бекор қилиниши жиноятчиликнинг ўсишига кескин таъсир этади, деган хавотирнинг асоссиз эканлиги маълум бўлди. Ўлим жазосининг бекор қилиниши билан жиноятчиликнинг ўсиши ўртасидаги сабабий боғлиқлик мавжуд эмаслиги ўз исботини топди. *Иккинчидан*, ўлим жазосининг бекор қилиниши суднинг хатоси туфайли айбланган, бироқ айбсиз одамлар қатл этилишининг олдини олиш ҳамда апелляция, кассация ва назорат инстанциялари механизмлари орқали суд хатоларини тузатиш имкони вужудга келди. *Учинчидан*, ўлим жазоси белгиланиши халқи-

мизнинг диний ва ахлоқий нормаларига зидлиги тан олинди ва юртимизда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият эканлиги ҳам ҳуқуқий, ҳам ғоявий-мафкуравий кафолатланди. *Тўртинчидан*, умрбод озодликдан маҳрум этилган маҳкумлар ўз айбларини фидокорона меҳнати, тузатилган хулқ-атвори билан оқлашига шарт-шароит яратилди. Жиноят содир этишда айбланаётган шахс, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинмай, озодлиги сақлаб қолинган фуқаролар ўзларини ҳимоя қилиш бўйича зарур имкониятларга эга бўлдилар. *Бешинчидан*, умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган маҳкумларни сақлашга кетадиган харажатлар уларнинг меҳнати эвазига қопланишига эришилди.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг прокуратурадан судларга ўтказишни амалга ошириш бўйича асосий вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонида ўз ифодасини топган. Ушбу ҳужжатда ҳақли равишда таъкидланганидек, Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишдан кўзланган асосий мақсад инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, авваламбор асоссиз жиноий таъқибдан ва шахсий ҳаётига аралашувдан ҳимояланиш ҳуқуқини самарали ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19,25-моддаларида, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларида мустаҳкамланган қоидаларга мос бўлиб, жиноят ишида гумон қилинувчи, айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишга қаратилган. Бу, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт қоидалари ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа принциплари ва меъёрлари Ўзбекистон қонунчилигига изчиллик билан имплементация қилинаётганидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикасининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни кучга кириши билан дастлабки тергов устидан мустақил *суд назорати институти жорий этилди*. Бу эса томонларнинг тенг процессуал имкониятларга эга бўлиши

борасидаги демократик тамойилнинг амалга оширилишини таъминлади. Амалда одил судловнинг бошқа барча тамойиллари, шу жумладан, суднинг мустақиллиги ва холислиги, айбсизлик презумпцияси, шунингдек, айбланувчининг самарали адвокат ёрдамига бўлган ҳуқуқи тамойилларини мустаҳкамлади.

Мазкур ваколатларнинг прокурордан суд органларига ўтказилиши суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш имконини бермоқда. Энг муҳими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида умумэтироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг амалга оширилиши таъминланмоқда.

Ҳозир мамлакатимизда *прокурор ва адвокатнинг тенглигини*, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд фаолиятининг барча босқичларида ўзаро тортишув бўлишини таъминлашга, одил судловнинг сифати ва тезкорлигини оширишга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Айниқса, «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши билан амалдаги қонунчилигимизга суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш жараёнининг энг муҳим таркибий қисми бўлган адвокатура мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Ушбу қонунга мувофиқ ҳимоячига жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслардан мутлақо мустақил равишда жиноят иши жараёнининг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам кўрсатиш ҳуқуқи берилгани эътиборга сазовордир. Шу билан бирга, ҳимоячининг кўрилаётган ишда иштирок этиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан ўзига ижозат берилгани тўғрисида ёзма равишда тасдиқловчи ҳужжат ва шунингдек, ўз ҳимоясидаги шахс билан учрашиш учун рухсат олиш мажбуриятини белгилайдиган нормалар жиноят-процессуал қонунчилигидан чиқарилди. Эндиликда буларнинг барчаси учун адвокатлик гувоҳнома маси ва адвокатлик муассасаси томонидан бериладиган ордернинг ўзи кифоядир.

Қонунда адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш, унинг ўз ҳимояси остидаги шахсга нисбатан позициясини ўзгартириш мақсадида ҳар қандай шаклда таъсир ўтказишга

қаратилган ҳаракатлар учун жавобгарлик белгиланганини эътироф этиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ўзининг 2010 йил 12 ноябрдаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизминини яратиш лозимлиги, бунинг учун «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги, шунингдек, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасини тайёрлашдек устувор вазифаларни белгилаб берди.

Жамоатчилик назоратининг муайян жиҳатлари, одатда, фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқини назарда тутадиган, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган қонунчилик ҳужжатлари орқали тартибга солинади. Шу боис, одил судлов ўз фаолиятининг очиқлигини жиноят ишида иштирок этаётган барча шахсларга сезиларли даражада ифода этиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонуни лойиҳасига кўра, «жамоатчилик назорати» атамаси жамоатчилик назорати субъектларининг давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг Конституция қоидалари, қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқларини тартибга солувчи халқаро меъёрлар ва принципларни сўзсиз ижро этишига доир маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва умумлаштиришга оид фаолиятини ифодалайди.

Бунда *жамоатчилик назоратининг* инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг устуворлиги, ихтиёрийлик, ошкоралик, давлат органлари ва мансабдор шахслар билан ўзаро муносабатда маънавий-ахлоқий қоида ва меъёрларга қатъий риоя этиш каби тамойилларга амал қилиш асосида таъминланиши муҳимдир.

Қонун лойиҳасида инсон ҳуқуқларига доир қонунчилик меъёрлари бажарилишининг ҳолати устидан мунтазам жамоатчилик мониторингини, социологик тадқиқотлар ва жамоатчилик эшитувларини, давлат органларининг муайян масалалар бўйича фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини амалиётга жорий

этиш, фуқаролик жамияти институтларининг қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жамоатчилик экспертизасида, шунингдек, шахс ҳуқуқлари ва манфаатларига тааллуқли қарорларни қабул қилиш жараёнида иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш сингари муҳим жиҳатларнинг белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳуқуқшунос олимларнинг илмий ишларини таҳлил қилиш шундан далолат берадики, инсон ва фуқароларнинг одил судловга эришишининг давлат томонидан таъминланиши, шунингдек одил судловга кўмаклашувчи шахсларнинг хавфсизлигига оид комплекс чоралар тизими каби муҳим конституциявий ҳуқуқлар, жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари зиммасига юкланганига қарамай, ҳозирги кунга қадар тўлиқ ҳажмда амал қилади, деб айтиш мушкул.

Чунки жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш жараёнларига кенг жамоатчиликни жалб этиш ва бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 121-моддасининг иккинчи қисми асосида қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёрдам бераётган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш, керак бўлса, уларни рағбатлантириш каби ишларни такомиллаштиришга зарурат туғилмоқда. Ҳолбуки, гувоҳнинг кўрсатув беришдан бош тортганлиги, шунингдек била туриб ёлғон кўрсатув

берганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўлиши ҳақида «огоҳлантириш» ҳисобига ноаниқ, чалғитувчи кўрсатув олиш эмас, балки уларнинг ўз хоҳиши билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга келиб, ҳар бир содир этилган ёки тайёрланаётган жиноят ҳақида батафсил кўрсатув беришига эришиш зарур. Бунинг учун эса энг аввало уларнинг ҳаёти, соғлиғи, ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек хавфсизлиги қонун ҳамда қонуности норматив ҳужжатлар орқали амалда кафолатланган бўлиши керак. Шундагина жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарликнинг шохиди ёки гувоҳи бўлган шахсларни жиноятларни тергов қилиш жараёнига ҳамкорлик қилиш учун жалб этиш масаласида қийинчилик бўлмайди.

Зеро, бу борада Юртбошимиз Ислом Каримов томонидан тўғри таъкидланганидек, «Энг хавфлиси шундаки, одамлар тақдирига бепарволик, номақбул иш усуллари оқибатида биз оддий, умуман олганда, қонунга итоат этувчи, лекин қонундан бир оз чекинган фуқароларни нотўғри жазолаб, улардан ҳокимиятга ҳам, қонунга ҳам ишонмайдиган норози одамлар тоифасини ўз қўлимиз билан яратамиз»³.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда юқорида қайд этилган суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад – жамиятда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, ҳуқуқнинг барча соҳаларини кенг ислоҳ қилиш, одил судловни амалга оширишда адолат ва ҳолисликни таъминлашдан иборат.

¹ Саидов А.Х. Истиқлол ва инсон ҳуқуқлари // Ҳуқуқ ва бурч. – 2009. – №7. – Б.3.

² Қаранг: Инсон ва қонун. – 2012. – 28 фев.

³ Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида // Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10 – Т., 2002. – Б. 36.

Таянч иборалар: ҳуқуқий давлат, ҳуқуқий тизимни либераллаштириш, Habeas corpus институти, ярашув институти, фуқаролик жамияти институтлари, жамоатчилик назорати.

Мақолада Конституция асосида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар, уларнинг истиқболлари, жиноят процессида айблов билан ҳимоянинг мақомини тенглаштириш, одил судловни амалга ошириш, бу жараёнда холис тергов, кучли адвокат, адолатли судни таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик ролини ошириш ҳақида фикр юритилади.

Key words: jural state, liberalization of legal system, the institution of Habeas Corpus, the institution of reconciliation, civil society, public control.

The author elucidates the prospect of judicial-and-legal reforms being carried out in the country on the bases of constitutional norms; discloses the significance of equalization of the status of the prosecution and the defence in criminal procedure and assuring of fair investigation, skilful advocatory defence and public participation in the procedure as well.

Ключевые слова: правовое государство, либерализация правовой системы, институт Habeas corpus, институт примирения, институты гражданского общества, общественный контроль.

В статье освещаются перспективы судебно-правовых реформ, проводимых в стране на основе норм Конституции. Раскрывается значимость уравнивания в уголовном процессе статуса обвинения и защиты, обеспечения в данном процессе объективного расследования, грамотной адвокатской защиты и участия общественности.

Ж. Азамов*,
Т. Норматов**

ЮРИДИК ПРОГНОЗЛАШ – ҚОНУНЧИЛИК САМАРАДОРЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Маълумки, қонун нормаларини амалга оширишнинг самарали механизми мавжуд бўлмаса, ҳатто энг мукамал нормалар ҳам ўз мақсадига эриша олмайди. Шу боис, ҳуқуқ нормаларининг сифати ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг самарадорлигига давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциясининг ажралмас қисмлари тарзида қаралиши лозим.

Қонунчилик ва ҳуқуқий тартибга солишнинг сифати масалалари ҳуқуқшунослик фанининг долзарб мавзуларидан биридир¹. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳуқуқий тартибга солиш, шу жумладан ҳуқуқни қўллаш воситаси ҳисоблангани боис, қонунчилик сифатини ошириш муаммоларини ўрганиш жараёнида илгари сурилган назарий қоидаларнинг аксарияти ҳуқуқни сифатли қўллаш муаммосини ўрганиш учун ҳам назарий-амалий аҳамиятга эгадир².

Мамлакатимиз Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январдаги қўшма мажлисидаги маърузасида қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини тубдан яхшилаш лозимлигига алоҳида эътибор қаратиб, шундай деди: «Қонунларнинг кўпчилиги амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш, тузатиш ва қўшимчалар киритишга қаратилган бўлиб, кодификациялашиш характерига, яъни муайян даражада тизимлашув мазмунига эга эмас»³.

Юридик фанда қонун ва унинг сифати муаммосига жиддий қизиқиш ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб намоён бўлди ва ҳанузгача сусайгани йўқ. Аксинча, демократик жамият қуриш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини қатъий таъминлаш устувор аҳамият касб этаётган ҳозирги шароитда бу мавзу долзарб масалага айланди. Шундан келиб чиқиб, қонун ва уни қўллашнинг сифати муаммоларига бағишланган тадқиқотларнинг ривожланиш жараёнида уч тарихий босқични кўрсатиб ўтиш мумкин.

Биринчи босқич – ўтган асрнинг 60–70-йилларида олимлар асосий эътиборни ҳуқуқ

нормасини ҳуқуқнинг бирламчи элементи сифатида таҳлил қилишга қаратадилар. Шу даврда қонунларни шакллантиришга қўйиладиган техник, лингвистик ва мантиқий талаблар ҳам ўрганилди; ҳуқуқ нормалари ва қонунчилик амал қилишининг самарадорлиги билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилди.

Иккинчи босқич – XX асрнинг 70–90-йилларида қонунчилик ва қиёсий ҳуқуқшунослик билан шуғулланувчи олимлар томонидан ҳуқуқ нормаларининг самарадорлиги назарияси ва уни ўлчашнинг методик асослари ишлаб чиқилди. Шу тариқа мазкур соҳада кейинги тадқиқотлар учун муҳим назарий замин яратилди⁴.

Учинчи босқич – Ўзбекистон мустақилликка эришганидан ҳозирги вақтгача бўлган даврда олимлар махсус ва ихтисослашган ҳуқуқий нормалар таҳлиliga алоҳида эътиборни қаратмоқдалар. Қонуннинг сифати муаммоси ҳуқуқшуносликнинг алоҳида муаммоси сифатида тавсифланади; қонунлар сифатига таъсир кўрсатувчи омиллар чуқур таҳлил қилинади; норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатини таъминловчи айрим мезонлари ва белгилари, ҳуқуқ нормаларининг самарадорлиги шартлари ўрганилади. Қонун ва ҳуқуқни қўллашнинг ҳақиқий сифатини ўрганиш ҳуқуқ назариясининг алоҳида йўналиши сифатида ажратилади, олимлар қонунчилик сифати ва самарадорлигига баҳо бериш мезонларини чуқур таҳлил қилмоқдалар. Қонунчилик мониторинги назарияси қонун ҳужжатларини амалга ошириш назарияси ва амалиётининг мустақил жиҳати сифатида шаклланди⁵.

Қабул қилинаётган ҳуқуқий қоидалар сифати ва асослилигининг муҳим шарти уларнинг келажақда ижтимоий муносабатларга қандай таъсир кўрсатиши мумкинлигини прогнозлаш ҳисобланади⁶. Ижтимоий муносабатларнинг барқарорлиги ва тартибга солинганлиги ҳуқуқ ижодкорлиги субъектларининг ижтимоий ҳаётдаги янгликларни англаш, ўзгаришларни

* Қўқон Давлат педагогика институти миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси ўқитувчилари.

илмий башорат қилиш, келажакка назар ташлаш қобилиятига боғлиқ бўлади.

Қонунлар сифатини аниқлаш масаласи хусусида илгари сурилган турли нуқтаи назарлар таҳлили айниқса кенг тарқалган ёндашувни алоҳида изоҳлаш имкониятини беради. Ушбу ёндашувга кўра, қонун сифати асосан унинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлар билан мувофиқ келиш нисбати билан боғланади. Масалан, қонуннинг сифати унинг ижтимоий эҳтиёжларга мувофиқлиги ва ижтимоий муносабатларни тартибга солишни қонунни қабул қилиш пайтида қўйилган мақсадларга мос равишда таъминлаш имконияти тарзида тушунилади⁷. Бунда қонун сифатининг уч жиҳати: ижтимоий, сиёсий ва юридик жиҳатлари ажратилади.

Қонуннинг сифати тушунчасига қуйидаги таърифни бериш мумкин: бу қонунга хос бўлган, пировард натижада унинг ижтимоий эҳтиёжлар билан мувофиқ келиш даражаси ва ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг самарадорлигини белгилаш имкониятини берувчи асосий хусусиятлар, белгилар йиғиндисидир.

Қонунда ифодаланган ҳуқуқий норманинг сифати унинг самарали амал қилиши шарт ҳисобланади⁸. Фикримизча, қонун сифати унинг ҳуқуқ нормалари (моддалари) мазмунининг муайян талабларга мувофиқлигидир. Бу талаблар ижтимоий муносабатларни самарали тартибга солиш мақсадида қонун чиқарувчи органнинг иродаси нормада қай даражада аниқ ифодаланганидан ва унинг ҳуқуқни қўлловчи субъектларга тушунарли эканлигидан далолат беради. Қонун матнида унинг сифатига оид барча мезонларининг оқилона нисбати мавжуд бўлган ҳолдагина қонунни сифатли деб тавсифлаш мумкин бўлади.

Қонун сифатининг юридик жиҳатлари унда мустаҳкамланган, унинг нормалари билан ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солишни таъминлайдиган ҳуқуқий воситаларни тавсифлайди (масалан, қонунни қўлловчи субъектларни белгилаш, қонуннинг амал қилиши шартлари, тарафларнинг ҳуқуқлари, бурчлари, жавобгарлиги ва ҳоказоларни ифодалайди).

Фикримизча, қонун сифати қуйидаги мезонларга жавоб бериши лозим:

– қонуннинг мақсадга мувофиқлиги даражаси (қонунни қўллаш жараёнида қилинадиган «харажатлар» ва олинадиган «фойда»нинг ўзаро нисбати);

– мавжуд ижтимоий жараёнлар қонунда тўғри акс эттирилганлиги ва уларни келажак учун прогнозлашнинг аниқлиги даражаси;

– конституциявий принципларга риоя этилишини ҳисобга олганда қонуннинг ҳуқуқий тизим ривожланиши тенденцияларига ва давлат сиёсатига мувофиқлиги даражаси ва ҳоказо.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, қонуннинг сифати деганда *унинг қоидаларида мустаҳкамланган тартибга солиш функцияси ва мақсадларни ҳуқуқни қўллаш жараёнида амалга оширишни таъминловчи имкониятни ва уни амалда белгиловчи хоссалар мажмуини* тушунишни таклиф қиламиз. Шу нуқтаи назардан «натижаларни кўзлаб ҳуқуқий тартибга солиш»га, яъни ҳуқуқни амалга ошириш жараёнида қонунларни амалга оширишнинг ҳақиқий натижаларига баҳо беришга ўтиш зарурлиги тўғрисида сўз юритиш ўринли бўлади. Масалан, ҳуқуқшунос олим И.А. Хамедов давлат бошқаруви соҳасида самарадорликни аниқлаш учун бошқарув сифатига пировард натижага кўра баҳо беришни ўринли деб ҳисоблайди⁹.

«Натижаларга кўра ҳуқуқий тартибга солиш»га (демак, ҳуқуқни қўллаш жараёнига ҳам) ўтиш ҳуқуқни қўллаш амалиётининг методологик асосини прогнозлаш замирида шакллантириш тарзида қаралиши мумкин ва лозим. Ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг мақсадлари ва натижаларини прогнозлаш, мазкур фаолият натижаларига эришилиши устидан доимий назорат методикасини яратиш ва унинг амалда жорий этилишини таъминлаш талаб этилади. Бунинг учун қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим: а) ҳуқуқни қўллаш мақсадларини ҳуқуқни қўллашга доир аниқ ҳаракатлар билан боғлаш имкониятини берувчи мақсадни белгилаш технологиялари ва таомилларини амалда жорий этиш; б) қўйилган вазифаларни бажариш, шунингдек натижаларга эришилиши устидан назоратни таъминлаш ва ҳуқуқни қўлловчи субъектларнинг шахсий жавобгарлигини белгилаш имкониятини берувчи усулларни ишлаб чиқиш ва амалда жорий этиш; в) ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг самарадорлигига баҳо бериш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш; г) белгиланган мақсадларга эришишга монелик қилаётган омилларга баҳо бериш тизимини ҳаётга жорий этиш. Табиийки, буларнинг барчасини амалга ошириш учун, энг аввало, ҳуқуқни қўллаш фаолиятини прогнозлашни методик жиҳатдан таъминлаш, мазкур методикани амалда жорий этиш жараёни устидан экспертлар кузатувини (мониторингини) ўрнатиш, шунингдек тегишли намунавий норматив-ҳуқуқий ва методик базани яратиш ҳамда келгусида уни амалда синовдан ўтказиш талаб этилади.

Хуқуқни қўллаш фаолиятини прогнозлаш ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг алоҳида таркибий қисми эмас, балки ҳуқуқий тартибга солиш тизимини оқилона ташкил этишининг ҳуқуқни қўллаш жараёнида сифатли натижаларга ва самарадорликка эришишга ҳамда қонунда белгиланган мақсадлар бажарилишига қаратилган ўзига хос воситасидир.

Хуқуқни қўллаш фаолиятини прогнозлаш зарурияти прогностик фикрлаш услубининг назарий аҳамияти, ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида бошқарув қарорлари қабул қилишга нисбатан талабчанликнинг ортиши билан белгиланади. Бу соҳада қўйиладиган талаблар орасида *ваколатлилик*, (компетентлилик), *илмийлик*, *ўз вақтидалик* биринчи даражали аҳамият касб этади. Ижтимоий ва юридик амалиётдан таҳлилий асосланмаган, «ашаддий» эмпиризм сиқиб чиқарилишини таъминлаш¹⁰, уни асосли башоратга (прогнозга), ижтимоий-ҳуқуқий соҳада юз бераётган ўзгаришларни аниқ англаб етишга, уларнинг қонуниятларини аниқлашга, юз бериши мумкин бўлган оқибатларни прогнозлашга асосланган мақсадли комплекс ёндашув билан алмаштириш айниқса муҳимдир.

Шундай қилиб, ҳуқуқни қўллаш фаолиятига ва тегишли равишда мазкур фаолиятни прогнозлашга қўйиладиган асосий талаб – *самарадорлик*, яъни энг муҳим ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш борасидаги вазифаларни мумкин қадар оз куч ва воситалар ёрдамида ҳал қилишга қодирликдир. *Хуқуқни қўллаш фаолиятининг самарадорлиги* унинг айрим таркибий элементлари фаолиятининг, элементлар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг сифати билан белгиланади. Прогнозлаш серқирра тушунча ҳисобланади. У моҳият – эътибори билан ҳуқуқ нормалари самарали амалга оширилишига (қўлланишига) эришишни назарда тутуди¹¹. Бинобарин, ҳуқуқий ҳужжатларнинг самарадорлигини прогнозлашда муайян механизм (модел)ни яратиш биринчи даражали аҳамият касб этади. Зеро, ушбу механизм (модел) ёрдамида муайян ҳужжатни қабул қилиш оқибатлари у амалга оширилгунга қадар тахминан аниқланади, илмий башорат қилинади.

Самарадорликни прогнозлаштириш зарурияти давлат маблағларини тежаш талаби билан ҳам боғлиқдир, чунки норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг самаралилиги (ёки самарали эмаслиги) ҳуқуқни қўллаш амалиёти жараёнидаги ўхшаш муаммолар (ҳуқуқий институтлар, ҳуқуқ тармоқлари) таҳлили асосида аниқланади¹². Акс ҳолда, ҳуқуқни қўлловчи субъектлар амалдаги ҳужжатнинг самарадорлик даражасига

баҳо беришга мажбур бўладилар ва бу ҳуқуқий тартибга солиш механизми фаолиятида бир қанча муаммоларни туғдиради. Аммо, ҳуқуқни қўлловчи субъект ҳуқуқ ижодкорлиги органлари олдида норма ижодкорлигига доир аниқ таклифни асослантирган ҳолда таърифлаши учун зарур бўлган вақт анча катта бўлади ҳамда бу мазкур механизм фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Хуқуқни қўллаш фаолиятини прогнозлаш зарурияти ҳуқуқни қўллаш фаолиятида кузатиладиган қуйидаги вазиятлар: а) амалдаги ижобий ҳуқуқ нормаларининг ноаниқлиги, мавҳумлиги ва ўта умумийлиги билан; б) ҳуқуқ ва қонунда бўшлиқлар мавжудлиги билан; в) ҳуқуқда нисбатан муайян, яъни аниқ вазиятни ҳал қилиш ҳуқуқ нормасини қўлловчи орган ёки мансабдор шахс ихтиёрига (ваколатига) берилган диспозициялар ва санкциялар мавжудлиги билан; г) матнда формал-юридик анъанавий манбаларда баён этиладиган ўта абстракт ҳуқуқий нормалар, «нисбий тушунчалар» мавжудлиги билан; д) «ҳуқуқий бўшлиқ» вазияти мавжудлиги, яъни муайян вазият ёки ижтимоий муносабат ҳуқуқий нормалар билан тартибга солиниши зарурлиги аниқ-равшанлиги ёки интуитив (онг – мушоҳада) даражада англиниши билан белгиланади.

Шундай қилиб, ҳуқуқ нормасини амалга оширишда ҳуқуқни қўллаш фаолиятини прогнозлаш зарурияти юзага келади. Бу, айниқса, ҳуқуқ нормаси муайян нуқсонга эга бўлган ёки унда хулқ-атворнинг бир нечта вариантлари, норма адресатининг ўз ихтиёрига қараб иш кўриш имконияти ва ҳоказолар назарда тутилган ҳолларда вужудга келади. Шу сабабли, ҳуқуқни қўллаш фаолиятини прогнозлаштириш мазкур фаолият эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади.

Хуқуқни қўллаш фаолиятини прогнозлаш механизми ҳуқуқий воситаларнинг оддий турғун, статик йиғиндисини эмас, балки норматив йўл билан ташкиллаштирилган, изчил амалга ошириладиган комплекс жараёни ўзида ифодалайди. Бу жараён ҳуқуқий воситаларни қўллашнинг оқибатларини аниқ ва яхлит башорат қилиш орқали ҳуқуқий нормаларни самарали амалга оширишни назарда тутуди. Мазкур механизм прогнозлаш талаб этиладиган ҳуқуқни қўллаш ҳодисалари доирасини белгилайди, зарурий натижага эришишни таъминлашга кўмаклашувчи барқарор алоқаларни аниқлайди, уларни шакллантиришга кўмаклашади.

Хуқуқни қўллаш фаолиятини прогнозлаш ҳуқуқни қўллаш жараёни мослашувчан тус олишига имконият яратади, ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш жараёнида юзага келган

қийинчиликларни тезкор бартараф этишга ёрдам беради. Мослашувчанлик ҳуқуқни қўллаш функцияларини амалга ошириш, олиб келиши мумкин бўлган оқибатларни ўрганиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда ўз ҳаракатини ўзгартириш имконини англатади. У ҳуқуқни қўллаш тизимининг ҳуқуқ тизими ва ҳуқуқий ҳодисаларнинг ўзгаришларига мослашувчанлигини таъминлайди. Бу ижтимоий муносабатларнинг барқарорлиги ва уларнинг ривожланиш динамикаси ўртасидаги зиддиятларни «силлиқлаш», консенсусга (муросага) олиб келишнинг ўзига хос механизмидир. Ҳуқуқни қўллаш акти ўз-ўзича

бирон-бир қадр-қимматга эга эмас. Унда белгиланган қоидаларни бажариш натижаси муҳимдир. Ҳуқуқни қўллаш акти қанчалик сифатли бўлмасин, агар уни амалга оширишнинг иложи бўлмаса, у амалда заррача қадр-қимматга эга бўлмайди. Шу туфайли ҳам ҳуқуқни қўллаш акти сифатининг асосий мезони бўлиб биз учун уни амалга оширишнинг салоҳиятли имконияти эмас, балки реал имконияти (натижаси) хизмат қилади. Яъни, ҳуқуқни қўллаш актининг мазмуни ташқи муҳит шароитлари ҳамда ҳуқуқий тартибга солиш объекти саналган ижтимоий муносабатлар билан мувофиқ келиши лозим.

¹ Қаранг: Конституция ва қонунларнинг устунлиги – Ўзбекистон тараққиётининг кафолати. – Т., 2000. – Б.9–10, 42–43; Мухамедов Ў.Х. Конституция ва қонун устунлиги. – Т., 2003. – Б.42–43; Янеибоев Б.Ж. Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий нормаларнинг амалга оширилиши муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2004. – Б. 10.

² Қаранг: Якубджанов А.Р. Теоретические проблемы совершенствования правоприменения и правоприменительного процесса: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 2000. – С. 16.

³ Қаранг: Каримов И.А. Асосий вазиғамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т., 2010. – Б.14.

⁴ Эффективность применения правовых норм / Отв. ред. В.И.Никитинский и др. – М., 1988. – С.31 – 118.

⁵ Мониторинг (лот. "monitor" – назорат қилувчи) – муайян ҳодиса ёки жараённинг ҳолатини кузатиш, баҳолаш ва прогнозлаш, улар фаолиятини бошқарувнинг таркибий қисми сифатида таҳлил қилишдир (Барихин А.Б. Большой юридический энциклопедический словарь. – М., 2005. – 720 с.)

⁶ Қаранг: Тультеев И.Т. Правотворческая деятельность и прогнозирование. – Т., 2008. – С. 43.

⁷ Қаранг: Кудрявцев И. Ҳуқуқий экспертиза ва қонунлар сифатини ошириш масаласи // Қонунчилик ҳужжатларини экспертиза қилиш муаммолари. Илмий-амалий семинар материаллари / Масъул муҳаррир: Ф.Ҳ.Отахонов. – Т., 2005. – Б.37.

⁸ Қаранг: Солиев А. Правовая экспертиза законопроектов – гарантия качества законов // Қонунчилик ҳужжатларини экспертиза қилиш муаммолари: Илмий-амалий семинар материаллари / Масъул муҳаррир: Ф.Ҳ.Отахонов. – Т., 2005. – Б. 173.

⁹ Қаранг: Хамедов И. А. Организационно-правовые проблемы совершенствования системы государственного управления в Республике Узбекистан: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Т., 2004. – С. 20–26.

¹⁰ Қаранг: Тоффлер Э. Метаморфозы власти / Перевод с англ. – М., 2001. – 569 с.

¹¹ Қаранг: Одилқориев Ҳ.Т. Қонунчилик ҳужжатларини амалга ошириш жараёнида мониторинг тизими // Қонун ҳужжатлари мониторинги: назария ва амалиёт масалалари. Илмий-амалий семинар материаллари / Масъул муҳаррир: Ф.Ҳ.Отахонов. – Т., 2006. – Б. 20.

¹² Қаранг: Мониторинг правоприменительной практики: реальность и перспективы: Материалы «круглого стола». – М., 2002. – С. 62.

Таянч иборалар: юридик прогнозлаш, қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқий тартибга солиш, қонунларнинг сифатини ошириш, қонунни қўллаш самарадорлиги мезонлари.

Мақолада ҳуқуқни қўллаш жараёнида юридик прогнозлашнинг аҳамияти, мазмуни ва механизми хусусида илмий таҳлил юритилади. Яратилаётган қонунларнинг сифатига аҳамият қаратиш билан бирга, уларни қўллаш самарадорлигини ошириш омилига эътибор берилади.

Key words: legal prognostication, legislation, application of law, legal regulation, law enhancement, criteria of efficiency of application of law.

The article deals with the scientific analysis of significance, content and mechanism of legal prognostication in the law enforcement process. Along with the quality of laws being enacted, attention is paid to the enhancement of efficiency of their application as well.

Ключевые слова: юридическое прогнозирование, законодательство, применение права, правовое регулирование, повышение качества законов, критерии эффективности применения закона.

В статье научному анализу подвергаются значение, содержание и механизм юридического прогнозирования в процессе правоприменения. Наряду с качеством принимаемых законов, уделяется внимание повышению эффективности их применения.

ЖИНОЯТДА ИШТИРОКЧИЛИК ИНСТИТУТИНИНГ ТАРИХИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

Ҳар қандай ҳуқуқ тармоғи жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жараёнлар билан боғлиқ ҳолда шаклланади. Бу эса, муайян ҳуқуқий норманинг юзага келиш шарт-шароитини тадқиқ этиш ва унга у ёки бу даражада баҳо беришни тақозо этади. Бу борада П.К. Кривошеиннинг «ҳар қандай ҳодисани ретроспектив усулда кўриб чиқиш, яъни у қандай пайдо бўлганлиги, қайси босқичларни қай тарзда босиб ўтганлигини билиб олиш, ушбу ҳодисанинг бугунги ҳолати ва келгуси ривожланиш истиқболларини аниқлаб олишга имкон беради»¹, деган фикри сўзимизнинг исботидир. Шу нуқтаи назардан жиноятда иштирокчилик институтининг ҳозирги ҳолати ва унинг мазмун-моҳиятини очиб бериш, ушбу жиной-ҳуқуқий нормада акс эттирилган ҳуқуқий тақиқларнинг моҳиятини тушуниш ва англаб етиш, келгусида ушбу нормаларни янада такомиллаштириш ғояларини ишлаб чиқиш учун уни фақат тарихий таҳлил қилиш усули орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Жиноятда иштирокчилик институтининг пайдо бўлиши антик даврга бориб тақалади. Бироқ, иштирокчилик ҳақидаги умумий қарашлар феодал тарқоқлик даврида вужудга кела бошлади ва унда жиноятга ёрдам бериш масаласини алоҳида фарқлаш муҳим ўринни эгаллади. Бу эса, жиноятда иштирокчилик тўғрисидаги илк қарашлар жиноят содир этишга ёрдам бериш ҳақидаги фикрлар пайдо бўлганлигидан далолат беради.

Ўрта асрларга келиб, Испания қироли Карл V даврида (XVI аср) «Каролина» номини олган норматив ҳужжатлар тўплами қабул қилинди. Мазкур ҳужжат 219 та моддадан иборат бўлиб, унинг 116 таси жиноят ҳуқуқи масалаларига бағишланган эди. Ҳужжатнинг 177-моддасида иштирокчилик ҳақидаги ғоялар умумлаштирилди. Унда «Агар кимда ким онгли равишда

ёки қасддан жиноятчига жиноят содир этиши учун ёрдам берса, қандай аталишидан қатъи назар унга кўмаклашса ёки бошқача тарзда қўллаб-қувватласа, у жиноятнинг бажарувчиси каби жазоланади»², деб қайд этилган.

Айтиш жоизки, ўша даврларда иштирокчилик институти фақат алоҳида турдаги жиноятларга нисбатан қўлланилган, унинг умумлаштирилган хусусиятга эга бўлган қоидалари ҳеч қандай ҳуқуқ тармоғи орқали тизимлаштирилмаган. Шу сабабли, ўрта асрларда жиноятда иштирокчилик институтига оид қоидаларни қонунчилик ёки суд амалиётида умумлаштиришга эҳтиёж бўлмаганлиги сабабли, иштирокчилар билан боғлиқ масалалар эътиборга олинмай, уни алоҳида ҳолда жазолаш борасида ҳеч қандай фарқ ажратилмади.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳуқуқи доктринаси ривожланиш тарихига назар ташлаганда, жиноят ҳуқуқи ва шу қаторда жиноятда иштирокчилик ҳақидаги ғояларнинг ривожланиши билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикаси давлатининг тарихий тараққиёт босқичлари ҳамда унда ҳукм сурган шарт-шароитлар билан боғлиқ фаолият таъсирида ривожланган.

Миллий жиноят қонунчилигимизнинг шаклланиши ва ривожланиш босқичларининг таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудларида ва Марказий Осиёда XII аср бошларида мўғуллар ҳукмронлик қилган ва шу даврда ҳуқуқнинг асосий манбалари қаторида Чингизхон ёсунлари билан бирга, ўтроқ аҳоли яшайдиган ҳудудларда шариат қонунлари, кўчманчи аҳоли ҳудудида одат ҳуқуқи нормалари амал қилган³. Хусусан, ушбу ҳужжатларга кўра, айғоқчилар, сохта гувоҳлик берувчилар, жодугарлар, ахлоқсизлар, табиатни ифлослантирувчилар, вазифасидан фойдаланиб пора олувчилар, фоҳишалар ва мазкур

* Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясининг катта илмий ходим-изланувчиси, юридик фанлар номзоди, доцент.

жиноятларни содир этиш учун ёрдам берганларга нисбатан ўлим жазоси тайинланган⁴.

Темурийлар даврида жиноят масалаларини тартибга солувчи алоҳида ҳужжат мавжуд бўлмай, жиноят ҳақидаги масалалар мусулмон ҳуқуқи, Темур тузуклари, Марказий Осиё ва бу минтақа таркибида яшаётган халқларнинг одат ҳуқуқлари ва бошқа манбаларга асосланиб ҳал этилган. Темур тузукларида жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқи – жиноятларга жазо бериш, ёлғон гувоҳлик учун жазо тайинлаш, ўз қўл остидаги шахсларнинг содир этган жиноятларини яширганлик учун амалдорларни жазолаш ва бошқа масалаларни ўз ичига олган⁵. Бу даврда ҳам жиноятда иштирокчиликка оид масалалар алоҳида жиноий-ҳуқуқий институт сифатида ажратилмаса-да, бироқ жиноятни икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг кучи ёрдамида содир этилиши оғирлаштирувчи ҳолат сифатида жазоланган.

Темурийлар салтанатидан сўнг ушбу ҳудудларда Шарқ ва Осиё цивилизациясига хос бўлган шариат нормалари амал қилди⁶ ва жиддий ўзгаришларсиз 1917 йилги давлат тўнтаришига қадар сақланиб қолди.

XIX аср ўрталарига келиб, иштирокчилик шакли ва унинг чегараларига аниқлик киритила бошланди. Шу сабабли жиноят ҳуқуқи назариясида «иштирокчилик» ва «жиноятга дахлдорлик» масалалари бир-биридан фарқланади. Бунда асосан Германия ва Италия криминалистларининг хизматлари катта бўлди. Хусусан, шу даврларда жиноятда иштирокчилик муаммосини немис криминалистлари Борст, Клеин, Титман, Клейншрод, Фейербах ва бошқалар ўргандилар ва жиноятда иштирокчиликни: 1) айбдорлар; 2) ёрдамчилар; 3) дахлдорлар каби турларга ажратдилар. Улар жиноятга дахлдорликни иштирокчиликнинг бир кўриниши сифатида баҳолаб, ижтимоий хавфли қилмиш содир этилганидан сўнг айбдор шахсларга ҳар қандай шаклда кўмаклашган шахсларни жиноятга дахлдор деб ҳисобладилар⁷.

Шу билан бирга, XX асрнинг 17-йилларига қадар амалда бўлган «Жиноий ва ахлоқ тузатиш жазолари тўғрисида»ги қонунлар тўпламида (1885) бир неча шахсларнинг биргаликдаги жиноятлари ҳақида таъкидланди ва унда иштирокчиликнинг олдиндан келишилган ва келишилмаган каби турлари

ажратилди (11-м.). Ушбу қонунлар тўпламининг 14-моддасида эса жиноятга дахлдорлик тўғрисида фикр юритилган. Бинобарин мазкур маънодаги қарашлар XIX аср охирларига қадар ўз шаклини ўзгартирмади ва ушбу муаммо ўрганилишининг кўп асрлик тарихига қарамай, XIX асрга қадар жиноятда иштирокчиликнинг умумий тушунчаси ҳеч қайси бир ҳуқуқ тизимда баён қилинмади.

Бу даврда жиноятда иштирокчиликнинг асосий муаммоларидан бири сифатида унинг акцессор табиати илгари сурилди. XIX аср охири – XX аср бошларига келиб, тадқиқотчиларнинг иштирокчилик табиати ҳақидаги фикрлари фарқлана бошланди. Хусусан, бир гуруҳ муаллифлар иштирокчиликнинг асл хусусияти асосий жиноий ҳаракатлар билан боғлиқ бўлиб, жиноят натижалари бажарувчининг хулқ-атвори билан боғлиқ бўлади, бироқ жиноят натижалари бошқа иштирокчиларнинг ҳаракатлари билан боғлиқ бўлмаса-да, бажарувчига ёрдам берган иштирокчилар бошқалар томонидан содир этилган жиноий ҳаракатлар учун жавоб беради⁸, деб таъкидлашган. Яъни, ушбу тоифа олимлари жиноятда иштирокчиликнинг акцессор табиатини тан олдилар.

Иштирокчиликнинг акцессор табиати ҳақидаги фикрини илгари сурган тарафдорлар «агар асосий жиноят бўлмаса, жиноятда иштирокчилик ҳақида умуман гапириш мумкин эмас, яъни ҳақиқатда йўқ жиноятда иштирокчилик ҳам бўлмайди⁹, деган фикрни қўллаб-қувватлаганлар. Бошқа гуруҳ муаллифлари эса, бундан бошқачароқ нуқтаи назарни қўллаб-қувватлаган ҳолда «иштирокчи ҳамкорликда содир этилган барча жиноятлар учун эмас, балки фақат ўзининг ҳаракатлари учун жавоб беради, модомики умумий кучлар бирлиги натижасида келиб чиққан оқибатни шартловчи иштирокчиларнинг ҳар бир ҳаракати мустақил хусусиятга эга бўлиб, уларни баҳолаш учун мустақил асослар мавжуддир»¹⁰, деб ҳисоблашган.

Афсуски, у ёки бу гуруҳ тарафдорларининг қарашлари назария ва амалиётда ҳанузгача ўзининг асослантирилган нуқтаи назарини топгани йўқ. Умуман, назария ва амалиёт уларнинг бир-бири билан аралашган йўналишидан бормоқда. Ҳақиқатан ҳам, жиноятда иштирокчилик хусусиятини белгилашда, бажарувчи пешқадамлик вазифасини бажаради ва жиноят ҳуқуқи доктринасида «бажарувчисиз иштирокчилик йўқ», деган қоида тан

олинади. Чунончи, мазкур муаммони ўрганган С.Б. Афиногенов «Масалага бундай ёндашиш иштирокчиларнинг жиноятда қатнашганлик қасди доирасида бошқа иштирокчиларнинг мустақил жавобгарлигини инкор этмайди»¹¹, деб ҳисоблайди. Бироқ А.П. Козлов ушбу қарашга қўшилмаган ҳолда, «бундай нуқтаи назар назария ва қонунчиликда ҳам кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради», деб ҳисоблайди. Масалан, бажарувчи далолатчининг жиноят содир этишга бўлган кўрсатмаларини бажаришга келишганидан сўнг уни ҳақиқатда бажармасдан кейинчалик ундан ўз ихтиёри билан воз кечса, натижада далолатчи жиноятга тайёргарлик кўрганлиги учун жавоб беради. Бу ерда мавжуд иштирокнинг қаерга йўқолганлиги ноаниқ бўлиб қолади»¹².

Масалан, далолатчи ёрдамчи ва бажарувчининг жиноят содир этиши учун жиноят қуролини тайёрлашга ундади ва ёрдамчи жиноят қуролини тайёрлади, бироқ бажарувчи сўнги вазиятда жиноят содир этишни рад этди. Бу ерда бажарувчининг жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтганлиги, далолатчи ва ёрдамчининг ҳаракатларини иштирокчи сифатида квалификация қилиш учун асос бўлади-ми ёки уларнинг ҳаракатларини жиноятга тайёргарлик кўриш деб баҳолаш керак-ми? Мазкур саволга XX аср, ҳатто XXI асрда ҳам жавоблар бир хилда ўз аксини топмапти. Чунки, иштирокчилик табиатининг ягона концепцияси ҳанузгача ишлаб чиқилгани йўқ. Шубҳасиз, иштирокчилик акцессор табиатга бўйсунди ва фақатгина бажарувчи бўлгандагина иштирокчилик бўлиши мумкин, унинг йўқлиги эса иштирокчиликни инкор қилади. Шунинг учун ҳам, агар биз иштирокчиликнинг акцессор табиатидан келиб чиқадиган бўлсак, жиноятда бажарувчининг мавжуд бўлмаслиги бошқа шахсларнинг ҳам жиноятда иштирок этганлиги инкор қилиниши ва бошқа иштирокчиларнинг ҳаракатлари эса бутунлай оқланиши керак бўлади. Иштирокчиликнинг акцессор табиати инкор қилинганда, қилмишни бу каби квалификация қилиш бутунлай мантиқсиз бўлиб қолади.

Шу сабабдан ҳам қарийб юз йилдан ортиқ давр мобайнида ушбу муаммони қонунчилик нуқтаи назаридан ҳал қилишнинг аксиоматик даражасига эришиш учун баҳс-мунозаралар олиб борилмоқда. Бундай аксиоматик чегара қаерда жойлашган: иштирокчиликнинг акцес-

сор табиатидами ёки ушбу фикрга қарши бўлган йўналишидами, ёхуд қандайдир учинчи бошқа таклифлардами?

Шу нуқтаи назардан жиноятда иштирокчилик муаммоси XX асрда кўплаб баҳс-мунозарага сабаб бўлди ва аксарият норматив-ҳужжатларда ўз ифодасини топди. Хусусан, 1917 йилда юз берган тўнтаришдан сўнг Туркистон ўлкасида Россия ҳукуматининг қонунлари амал қила бошлади. Чунончи, жиноятда иштирокчилик билан боғлиқ илк атамалар ХКК (Халқ Комиссарлар Кенгаши)нинг «Порахўрлик ҳақида»ги 1918 йил 8 май декретида пайдо бўлди¹³ ва 1918 йил 25 декабрдаги «Дезертирлик ҳақида»¹⁴ги қарорда дезертирларга ёрдам берганлик учун жиний жавобгарлик назарда тутилди. Кейинчалик жиноятда иштирокчилик институтининг айрим хусусиятлари 1922 йил 1 июнда қабул қилинган Жиноят кодексида ўз ўрнини топди. Мазкур Жиноят кодекси Умумий ва Махсус қисмларга ажратилган бўлиб, унинг Умумий қисмида жиноятда иштирокчилик институтига таъриф берилган. Жиноятда иштирокчилик институти тартибга солувчи нормаларда жиноят содир этишда ўз маслаҳатлари, кўрсатмалари билан ёрдам берган, жиноятчини яширган ёки жиноят изларини йўқотишда кўмаклашган шахслар «ёрдамчи» деб баҳолашиб, жиноятга дахлдорликнинг шакли бўлмиш жиноятни яширишда иштирокчилик сифатида эътироф этилган. Шу тариқа жиноятда иштирокчилик институти босқичма-босқич шаклланиб борди.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳуқуқи тарихида 1926 йил 16 июнда Жиноят кодекси қабул қилиниши билан жиноятда иштирокчилик институти тизимининг янги босқичи вужудга келди. Ушбу кодексда жиноятда иштирокчиликнинг тушунчаси белгиланиши билан бир қаторда, жиноятга дахлдорликнинг айрим шакллари, жумладан жиноятни яширишга иштирокчилик деб қаралди ва тайёрланаётган ёки содир этилган жиноятлар ҳақида хабар бермаслик эса, ушбу кодекснинг 18-моддасига асосан қонунда белгиланган алоҳида ҳоллардагина жавобгарликка сабаб бўлиши назарда тутилди.

Иштирокчилик институти тўғрисидаги муаммо ҳуқуқ назариясида А.Расулев, Э.Ҳакимов, А.Трайнин, А.Жиряев ва М.Ковалевларнинг тадқиқотларида етарли

даражада очиб берилди. Масалан, А.Жиряев жиноятда иштирокчиликни «бир нечта шахсларнинг муайян жиноятни содир этишда биринчи шахс манфаатларини кўзлаб ёки аниқ сабаблар юзасидан биргалашиб ёхуд била туриб ушбу жиноятда қатнашган ҳамда бошқа у ёки бу ҳуқуққа хилоф қилмишни содир этилишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган шахсларнинг қилмиши»ни жиноятчиларнинг қўшилиши, деб атаган. Шу асосдан келиб чиққан ҳолда у жиноятчиларнинг қўшилишини «иштирок этиш» ва «жиноятга дахлдорлик», деб турларга ажратган. Ўз навбатида, унинг назарида «иштирок этиш» асосий айбдорлар ва ёрдамчиларга, дахлдорлар эса «йўл қўйувчи», «яширувчи» ва «хабар бермаган»лар каби турларга ажратилади¹⁵.

Таъкидлаганимиздек, жиноятда иштирокчилик институти жиноят ҳуқуқининг қадимги институтларидан бири ҳисобланади. Бироқ, ушбу институт айнан жиноят ҳуқуқи фани шаклланаётган бир вақтда, яъни XVIII аср бошларидан назарий жиҳатдан ўрганила бошланди. 1917 йилгача бўлган вақт давомида жиноятда иштирокчилик билан боғлиқ муаммолар жиноят ҳуқуқи фанида ўзига хос ўринга эга бўлиб, олимларнинг диққат-эътиборини ўзига тортди. Шу нуқтаи назардан, ҳозирги давргача назариётчилар томонидан жиноятда иштирокчилик тушунчаси, иштирокчиликнинг турлари, уларнинг вазифаларини бир-биридан ажратиш ва содир этилган жиноятлар учун жавобгарликка тортиш муаммолари тадқиқ этилди. Шу билан бирга, иштирокчиликда содир этилиши мумкин бўлган жиноят таркибларини аниқлашга уринишлар бўлди, бироқ унда иштирокчиликнинг шакллари тўғрисидаги ғоялар умуман мавжуд эмас эди.

XX асрнинг 40-йилларига келиб иштирокчилик масаласида йиғилиб қолган муаммоларни назарий жиҳатдан ҳал этиш йўлларини қидириш нуқтаи назаридан жиноятда иштирокчилик институти келгусида янада ривожлантириш учун муайян илмий база шаклланди ва жиноят қонунчилигини такомиллаштириш бўйича бир қатор таклифлар илгари сурилди, ammo шу даврда ишлаб чиқилган таклифлар фақатгина 1960 йилда қабул қилинган қонунларда инобатга олинди. Шунинг учун XX асрнинг 40–60-йиллари орасида жиноятда ишти-

рокчилик соҳасидаги назарий ишланмалар муҳим ўрин эгаллайди.

1941 йилда А.Н. Трайниннинг «Иштирокчилик ҳақидаги таълимот», «Иштирокчилик тушунчаси ва турлари» ҳамда «Иштирокчилик ва жиноий жавобгарлик»¹⁶ деб номланувчи фундаментал илмий асарлари ёзилди. Шу йиллар давомида В. Гольдинер, А. Лаптев, В. Меньшагин, Б.С. Утевскийларнинг илмий асарлари нашрдан чиқарилди. Хусусан, профессор Б.С. Утевский ўз асарида икки ёки кўп сонли шахсларнинг қасддан содир этиладиган жиноятларда қасддан биргаликда қатнашини иштирокчилик сифатида баҳолаб, уни биринчи ва иккинчи типдаги иштирокчи каби турларга ажратган ҳолда унда жиноятга дахлдорлик тушунчасидан воз кечишга ҳаракат қилди¹⁷.

1946 ва 1948 йилларда А.А. Герцензон умумий таҳрири остида «Жиноят ҳуқуқи» дарслиги нашр қилинди. Мазкур дарслик муаллифлари «Бир неча шахсларнинг ўзаро келишуви ва бирлашган ягона нияти асосида жиноят содир этишда бажариладиган вазифалари тақсимланган ҳолда амалга ошириладиган биргаликдаги фаолияти»¹⁸ни иштирокчилик деб баҳолашган. М.И. Ковалевнинг фикрича, жиноятда иштирокчиликка берилган мазкур таъриф муайян камчиликларига эга. Чунки мазкур таърифда «вазифаларнинг тақсимланиши» ибораси тушунарсиз бўлиб қолган, шунингдек, муаллиф мазкур фикрни илгари суришда жиноятнинг бажарувчиси жиноятни содир этса, қолган иштирокчилар, яъни далолатчи ёки ёрдамчилар жиноят содир этишда қай даражада иштирок этади ёхуд уларнинг биргаликдаги жиноий фаолиятини назарда тутганми? Мазкур таърифда жиноятнинг барча қатнашчилари жиноят содир этишда бирга бажарувчи сифатида қатнашадими, бунга аниқлик кирилмаган¹⁹.

Айни вақтда П.Ф. Гришанин жиноий фаолият тушунчаси ва унинг қатнашчилари жавобгарлиги масаласини таҳлил қилди. Унинг назарида жиноятда иштирокчилик фақат битта жиноятни содир этиш учун бирлашган дагина мавжуд бўлади. Жиноий уюшмани ташкил этиш ўзининг юридик табиатига кўра, алоҳида ҳолларда тугалланган жиноят сифатида жазоланадиган жиноятни содир этишга тайёргарлик кўриш ҳисобланади²⁰.

Ушбу даврда М.Д. Шаргородский жиноятда иштирокчилик масалалари бўйича суд амалиёти ва жиноят қонунчилиги нормаларини умумлаштиришга ҳаракат қилди²¹. Ҳақда даврда жиноят ҳуқуқи доктринаси ва судлар жавобгарлигининг индивидуаллаштириш принципини қўллаб-қувватлаган ҳамда иштирокчиликда коллектив жавобгарлик принципини белгилаш зарурлигини таъкидлаган.

Шу билан бирга, тадқиқотчилар бажарувчи ва ёрдамчини фарқлаш ҳақидаги масалаларни тадқиқ қилишди. Шу нуқтаи назардан жиноят ҳуқуқида мазкур масала бўйича объектив ва субъектив назарияни ёқлаб чиқувчи кўплаб фикрлар билдирилди. Бажарувчи ва ёрдамчини фарқлашнинг объектив назарияси жиноят сабаби ва жиноий оқибат шартлари ўртасидаги муносабатлардан келиб чиқди. Объектив назария тарафдорлари бажарувчининг жиноят қонунида назарда тутилган ҳаракатларни содир этадиган шахс деб тан олсалар, субъектив назария тарафдорлари бажарувчилар ўз манфаатлари йўлида ҳаракат қилади, ёрдамчилар бошқа ҳаракатларни амалга оширадилар, деб эътироф этганлар.

1950–1960 йилларда иштирокчиликнинг шакллари ҳақидаги масалалар бўйича ҳам бир қатор тортишувлар бўлди. Масалан, И.П. Малахов бир нечта шахсларнинг биргаликдаги ҳаракатларини иштирокчилик деб ҳисоблади²². Бироқ, кўпчилик олимлар иштирокчиликни шаклларга ажратиш лозимлигини таъкидлаб, иштирокчилар ўртасидаги муносабатларнинг хусусияти ва даражаси бўйича, олдиндан келишилмаган иштирокчилик, олдиндан келишилган иштирокчилик ва жиноий ташкилот каби шаклларга ажратишди. Бундан кейинроқ иштирокчиликнинг «уюшган гуруҳ» шакли ҳам алоҳида фарқланди²³.

Тадқиқ қилинаётган вақт оралиғида жиноят ҳуқуқи назарияси ва суд амалиёти жиноятда иштирокчилик масалалари бўйича ягона фикр ва тўхтамга кела олмади. 1958 йилда собиқ иттифоқ ва иттифоқдош республикаларнинг жиноят қонунчилиги асослари қабул қилиниши иштирокчилик назариясининг ривожланишини янги босқичга олиб чиқди. Бироқ унда мустақамланган иштирокчилик институти нормалари янада бир қатор музокараларга сабаб бўлди. Яъни ушбу даврда эҳтиётсизлик оқибатида жиноятда иштирокчилик бўлиши мумкинлиги ёки эҳтиётсизликда содир этиладиган

жиноятларда иштирокчилик мавжуд бўлиши мумкинлиги тўғрисида фикрлар билдирилди²⁴. Шу ўринда жиноятда иштирокчилик институти муаммоларини тадқиқ қилишга ўзининг фундаментал ишлари билан ҳисса қўшган М.И. Ковалев ва А.А. Пионтковскийлар иштирокчилик учун фақат қасд хосдир²⁵ деган фикрни билдирганлар.

1960 йилда М.И. Ковалев «қасддан содир этилган битта жиноятда қатнашаётганларнинг вазифалари тақсимланган ёки тақсимламаганлигидан қатъи назар, бир нечта ақли расо ва ўз ихтиёри билан ҳаракат қилган шахсларнинг биргаликдаги ҳаракатини» иштирокчилик деб баҳолаш лозимлигини таклиф қилди ва у иштирокчиликнинг акцессор табиатини қўллаб-қувватлади.

1959 йил 21 майда Ўзбекистон ҳудудида навбатдаги Жиноят кодекси қабул қилинди ва у 1960 йил 1 январдан амал қила бошлади. Мазкур Жиноят кодекси Умумий қисмининг 17-моддасида иштирокчиликка тушунча берилиб, унинг турлари янада аниқроқ белгиланди. Хусусан, мазкур нормада иштирокчиликнинг бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчи каби турлари фарқланди²⁶.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 май қонуни билан мазкур Жиноят кодекси Умумий қисмининг иштирокчиликка оид нормаси 17¹-модда (Уюшган гуруҳ) билан тўлдирилди. Мазкур нормада «Битта ёки бир нечта жиноят қилиш мақсадида икки ёки ундан кўп шахсларнинг барқарор йўсиндаги бирлашувчи уюшган гуруҳ деб эътироф этилди ва уюшган гуруҳни тузган ёки унга раҳбарлик қилган шахс гуруҳ содир этган барча жиноятлари учун, башарти бу жиноятлар унинг ёмон нияти билан йўғрилган бўлса, жиноий жавобгарликка тортилади»²⁷ – деб белгилаб қўйилди.

1960 йилдан сўнг собиқ Иттифоқ ҳудудида гуруҳ таркибида содир этилган жиноятларнинг ўсиши олимларнинг жиноятда иштирокчилик муаммосини ўрганишга қизиқишини янада оширди. Шу муносабат билан, Ф.Г. Бурчак, Р.Р. Галиакбаров ва П.Ф. Тельновлар²⁸ томонидан ушбу муаммога оид докторлик ҳамда номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди, илмий мақолалар ва ўқув адабиётлари яратилди. Олимлар жиноятчиликнинг ўзгариши ҳисобидан иштирокчилик муаммосини ўрганишнинг янги қирраларини очиб бердилар. Хусусан, мазкур давр мобайнида гуруҳ таркибида

содир этиладиган жиноятлар, иштирокчилик белгиларисиз кўп субъектли жиноятлар, гуруҳ таркибида содир этилган жиноятларни фарқлаш ва квалификация қилиш муаммолари атрофлича ўрганилди.

Шундай қилиб, 1980 йилдан сўнг иштирокчилик институти тушунчаси ва уларнинг чегаралари, иштирокчиликнинг объектив ва субъектив белгилари, уни шаклларга ажратиш ҳамда иштирокчилик институтининг жиноят қонунчилиги умумий ва махсус қисмларида ифодалаш билан боғлиқ масалаларга ойдинлик киритилди. Шу билан бирга, жиноятда иштирокчилик институти доирасида уюшган жиноятчилик хусусиятлари фарқланди ҳамда иштирокчиликда ихтиёрий қайтиш масалалари тартибга солинди.

Собиқ Иттифоқ даврида яратилган Жиноят кодексларида фикр юритилаётган мавзуга оид бир қатор моддалар киритилган бўлса-да, жиноятда иштирокчиликнинг шакллари ва иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жавобгарлик доираси тўлиқ ёритиб берилмади. Шу ўринда айтиш жоизки, жиноят ҳуқуқи доктринасида аксарият тадқиқотлар иштирокчилик институти, хусусан унинг шакли ва турлари билан боғлиқ ҳолда олиб борилди. Аммо, бугунги кунда иштирокчилик институти билан боғлиқ муаммолар жиноят ҳуқуқининг мураккаб ва долзарб масалаларидан бири сифатида сақланиб қолмоқда. Афсуски, жиноятда иштирокчилик институти жиноят ҳуқуқи назариясида қарийб 300 йилдан ортиқ вақт давомида ўрганилаётганлигига қарамай, юридик адабиётларда иштирокчиликнинг ҳал қилиниши лозим бўлган бир қатор долзарб масалалари бўйича илмий асосланган фикрларнинг илгари сурилганлиги ва жиноят қонунчилигида уларнинг етарлича аниқ тартибга солилмаганлиги ҳамда судлов қарорларининг бир хилда эмаслиги, шунингдек квалификация қилишда ва жазо тайинлашда кўплаб хатоликларга йўл қўйилаётганлигини кузатиш мумкин.

Таассуфки, бунда судлов хатоликларининг аксарияти иштирокчиликнинг асосий масалалари борасида юз бермоқда. Бироқ, бу борада монография, ўқув қўлланма ва илмий мақола муаллифлари томонидан иштирокчилик институти билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш борасида умумий қарашлар, ўзаро мувофиқ

бўлган тўхтамга келиш, амалиёт манфаатларига жавоб берувчи ва ижтимоий жиҳатдан тан олинган у ёки бу чоралар юзасидан таклифлар берилишига қарамай, иштирокчилик тушунчаси, тури ва шакли ҳамда унинг учун жазо тайинлаш масаласида умумий концепция ишлаб чиқилишига эришилгани йўқ. XXI асрда ҳам жиноятда иштирокчилик муаммоси олимлар эътиборини яна бир бор ўзига жалб этди ва бир қатор докторлик диссертациялари ёзилди²⁹. Мазкур тадқиқотларда асосий эътибор уюшган ва трансмиллий жиноятчиликка қарши кураш ҳамда махсус субъектлар иштирокидаги жиноятларни ўрганиш масалаларига қаратилди.

Айтиш жоизки, 1994 йил 22 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси қабул қилинди ва унда жиноятда иштирокчилик институтининг ҳуқуқий тартибга солиниши ўзига хос кўринишга эга бўлди. Амалдаги Жиноят кодекси нормалари Ўзбекистон ҳудудида амалда бўлган аввалги³⁰ Жиноят кодекслари билан таққосланганда ушбу институтнинг муҳим ҳолда такомиллашганлигини кўриш мумкин. Янги Жиноят кодексида иштирокчилик тушунчаси белгиланган, иштирокчиликнинг турлари ва шакллари аниқлик киритилиб, уларнинг тушунчалари қайд этилган ҳамда жиноятда иштирок этганлик учун жавобгарлик доираси масалалари мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси қабул қилинганидан буён жиноятда иштирокчилик институти билан боғлиқ қонун нормалари ва уларнинг криминалогик жиҳатларини комплекс тарзда ўрганувчи ҳамда илмий жиҳатдан таърифлаб берувчи бир қатор илмий изланишлар олиб борилди³¹ ва ушбу илмий изланишларда иштирокчилик тушунчаси, унинг турлари ва шакллари ҳамда иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни индивидуаллаштириш муаммолари таҳлил қилинди. Бироқ бугунги кунда ҳам иштирокчилик институти билан боғлиқ бўлган нормаларни амалда қўллашда қонунчилик нуқтаи назардан ҳал этишни тақозо этувчи бир қатор муаммоли ҳолатлар мавжуд. Шу боис, суд амалиётида йўл қўйилаётган камчиликлар ва назариядаги мавжуд баҳс-мунозаралар иштирокчиликни яхлит институт сифатида кенг қамровли ва тизимли ҳолда ўрганиш лозимлигини кўрсат-

моқда. Шу муносабат билан жиноятда иштирокчиликнинг юридик табиати ва унинг белгиларига аниқлик киритиш ҳамда ушбу институтни ижтимоий алоқадорликнинг феномени сифатида ўрганишни талаб этади. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, жиноятда иштирокчилик институти ривожланишини дастлабки давр, ўрта аср даври, 1917 йилгача бўлган давр, собиқ иттифоқ даври ва ҳозирги даврларга ажратган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ. Кўрсатилган ҳар бир даврда жиноятда иштирокчилик институти амалиёт ва назарияда ўзига хос кўринишга эга бўлган, хусусан дастлабки даврда жиноятда иштирокчилик ҳақида умумий ғоялар мавжуд бўлмаган, балки унда фақат жиноят содир этаётган шахсга ёрдам бериш ҳолати фарқланган ҳолос. Шу боис мазкур институт ҳақидаги илқ қарашлар жиноят содир этишга ёрдам бериш ҳақида пайдо бўлганлигини кўрсатади.

Ўрта асрларга келиб, иштирокчилик институти ҳақидаги ғоялар ажратилиб, муайян ҳужжатларда акс эттирилди ҳамда ушбу институтга тушунчалар берилди ва жазолаш масалалари, унинг айрим турлари фарқланди. Сўнгра 1917 йилгача бўлган даврда иштирокчилик алоҳида институт сифатида ажратилди, унинг шакли ва чегараларига аниқлик

киритилди, «иштирокчилик» ва «жиноятга дахлдорлик» масалалари фарқланди.

Собиқ иттифоқ даврида иштирокчилик институти кенг таҳлил қилинди, унинг тушунчасига аниқлик киритилди, турлари ва шакллари белгиланди ҳамда иштирокчиликда содир этилган жиноятларни тўғри квалификация қилиш муаммолари ўрганилди, иштирокчиликнинг объектив ва субъектив муаммолари таҳлил қилинди.

Бугунги кунда иштирокчилик институтига янгича ёндашиш лозимлиги кўзга ташланмоқда. Бинобарин, сўнгги йилларда уюшган жиноятчиликнинг сифат кўрсаткичлари ўзига хос янги даражалар билан шаклланимоқда, жумладан уларнинг давлат функцияларига аралашуви, иштирокчиликда ҳаракатланаётган шахсларнинг ҳокимиятга интилиш, бозор муносабатларини монопол бошқаришга уришиш ва бошқа шу кабиларда намоён бўлмоқда. Ушбу ҳолатлар жинойи гуруҳ ва уюшган жиноятчиликнинг жинойи-ҳуқуқий муаммоларини кўриб чиқишни тақозо этади ҳамда долзарб аҳамият касб этади. Зеро, жамиятда жиноятларнинг янгидан-янги турлари, уларнинг янгича кўринишлари пайдо бўлар экан, унга қарши кураш ва олдини олиш масалаларига янгича ёндашиш талаб этилади³².

¹ Қаранг: *Кривошеин П.К.* Преступление. Историческое исследование. – Киев, 1993. – С. 3.

² Қаранг: *Трайнин А.Н.* Учение о соучастии. – М., 1941. – С. 8.

³ Қаранг: Сборник летописей. История Монголов. Сочинение Рашид Эддина. История Чингисхана от восшествия его на престол до кончины // Русский перевод с примечаниями И.Н. Березина. – СПб., 1988. – С. 97.

⁴ Қаранг: *Муқимов З.* Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. – Т., 2003. – Б. 139.

⁵ Қаранг: *Маматов Х.Т.* Темур тузукларида давлат ва ҳуқуқ масалалари. Юрид. фан. номз. ... дис. – Т., 2002. – Б. 67.

⁶ *Таджиханов У.Т., Саидов А.Х.* Общая характеристика конституций мира // Конституции мира. Т.1. – Т., 1997. – С. 4.

⁷ Қаранг: *Przybyla Sonja.* Das Verhältnis von Beihilfe und Begünstigung: Inaug. – Diss. ... – Köln, 1999. – P. 26.

⁸ Масалан, қаранг: *Хейфец И.Я.* Подстрекательство к преступлению. – М., 1914. – С. 3-4.

⁹ Қаранг: *Ковалев М.И.* Соучастие в преступлении. – Екатеринбург, 1999. – С. 18-22.

¹⁰ Масалан, қаранг: *Колоколов Г.* О соучастии в преступлении. – М., 1881. – С. 48-49.

¹¹ Қаранг: *Афиногенов С.Б.* Соучастие в преступлении (понятие, виды и формы): Автореф.дис. ... канд. юрид. наук. – М., 1991. – С. 16.

¹² Қаранг: *Козлов А.П.* Соучастие: традиции и реальность. — СПб., 2001. – С. 11.

¹³ Қаранг: Сборник документов по истории уголовного законодательства СССР и РСФСР. 1917–1952. – М., 1953. – С. 42–43.

¹⁴ Қаранг: Ўша манба. – С. 38.

¹⁵ Қаранг: *Жиряев А.* О стечении нескольких преступников при одном и том же преступлении. – СПб., 1850. – С. 15.

¹⁶ Қаранг: *Трайнин А.Н.* Учение о соучастии. – М., 1941. – С. 78; *Трайнин А.Н.* Понятие и виды соучастия // Советское государство и право. – 1941. – № 4. – С. 32; *Трайнин А. Н.* Соучастие и уголовная ответственность // Советское государство и право. – 1940. – № 1. – С. 38.

- 17 Қаранг: *Гришанин П.Ф.* Понятие преступной организации и ответственность ее участников по советскому уголовному праву: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 1951. – С. 18.
- 18 Қаранг: *Герцензон А.А.* Уголовное право. Общая часть. – М., 1948. – С. 362.
- 19 Қаранг: *Ковалев М.И.* Соучастие в преступлении. Ч.1. Понятие соучастия. – Свердловск, 1960. – С.107.
- 20 Қаранг: *Гришанин П.Ф.* Кўрсатилган манба.
- 21 Қаранг: *Шаргородский М. Д.* Вопросы Общей части уголовного права. – Л., 1955. – С. 149.
- 22 Қаранг: *Малахов И. П.* Некоторые вопросы учения о соучастии по советскому уголовному праву // Труды Военно-политической академии. Вып. 17. – М., 1957. – С. 168.
- 23 Қаранг: *Гришаев П. И., Кригер Г. А.* Соучастие по уголовному праву. – М., 1959. – С.58-63, 72-84.
- 24 Масалан, Шаргородский М.Д., Домахин С.А., Трайнин А.Н. ва бошқ. (*Трайнин А. Н.* Некоторые вопросы учения о соучастии // Социалистическая законность. – 1957. – № 2. – С. 28; *Шаргородский М.Д.* Некоторые вопросы общего учения о соучастии // Правоведение. – 1960. – № 1. – С. 90).
- 25 Қаранг: *Иванов Н.Г.* Понятие и формы соучастия в советском уголовном праве. – Саратов, 1991. – С. 12-13; *Ковалев М.И.* Соучастие в преступлении. Ч.1. Понятие соучастия. – Свердловск, 1960. – С.111.
- 26 Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1959 ва 1994 йиллардаги Жиноят кодексларининг қиёсий тўплами / Тузувчилар: М.К.Мирзаолимов, Г.М.Мирзаолимова, Н.М.Мирзаолимов. – Т., 1997. – Б.112.
- 27 Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1993. – № 6. – 266-м.
- 28 Қаранг: *Бурчак Ф.Г.* Учение о соучастии по советскому уголовному праву. – Киев, 1969. – С. 35; *Тельнов П.Ф.* Ответственность за соучастие в преступлении. – М., 1974. – С. 78.
- 29 Қаранг: *Галактионов Е.А.* Соучастие и организованная преступная деятельность (теория и практика): Дис. ... д-ра юрид. наук.– СПб., 2002; *Козлов А.П.* Соучастие: уголовно-правовые проблемы: Дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 2003; *Аветисян С.С.* Соучастие в преступлениях со специальным составом: теория и практика правового регулирования: Дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 2005; *Арутюнов А.А.* Соучастие в преступлении по уголовному праву Российской Федерации: Дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 2006; *Неъматов Ж.А.* Уголовно-правовые и криминологические проблемы борьбы с транснациональной организованной преступностью: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Т., 2008; ва бошқ.
- 30 Ўзбекистоннинг 1926 ва 1959 йиллардаги Жиноят кодекслари.
- 31 Қаранг: *Соттиев И.А.* Уюшган жиноятчиликка қарши курашнинг жинойий-ҳуқуқий чоралари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2002; *Исмаилов И.* Уюшган жинойий тузилмалар фаолиятининг олдини олишни назарий ва ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш: Юрид. фан. док. ... дис. автореф. – Т., 2006; *Неъматов Ж.А.* Уголовно-правовые и криминологические проблемы борьбы с транснациональной организованной преступностью: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Т., 2008; *Отажонов А.А.* Жиноятга дахлдорлик: жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлар: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2009; *Рустамбаев А.М.* Совершенствование уголовного законодательства и правоприменительной практики по борьбе с групповыми формами преступности: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 2010; *Муҳамеджанов С.С.* Жинойий жавобгарликни индивидуаллаштиришда иштирокчилик институтининг долзарб масалалари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2011; ва бошқ.
- 32 *Абдурасулова Қ. Р.* Криминология / Масъул муҳаррир проф. М.Х. Рустамбоев. – Т., 2008. – Б. 36.

Таянч иборалар: жиноятда иштирокчилик, иштирокчилик институти, жиноятда иштирокчилик тушунчаси, иштирокчиликнинг турлари, иштирокчиликнинг шакллари, иштирокчиликнинг аксессуар табиати, жиноятга дахлдорлик.

Мазкур мақолада жиноятда иштирокчилик институтининг тарихи, унинг пайдо бўлиши, ривожланиши тегишли даврлардаги ҳужжатлар ва тадқиқотларнинг назарий таҳлили асосида кўриб чиқилган ҳамда иштирокчилик институтининг бугунги ҳолати ва келгуси ривожланиш истиқболлари ҳақида қизиқарли фикрлар берилган.

Key words: criminal complicity, the institution of criminal complicity, the notion of criminal complicity, types of accomplices in crime, forms of complicity, accessory nature of complicity, privity to a crime.

The article deals with the history of emergence, stages of formation as well as the present condition and prospect of development of the institution of criminal complicity on the basis of theoretical analysis of scientific researches and relevant documents.

Ключевые слова: соучастие в преступление, институт соучастия, понятие соучастия в преступлении, виды соучастников преступления, формы соучастия, аксессуарная природа соучастия, причастность к преступлению.

В настоящей статье на основе теоретического анализа научных исследований и соответствующих документов рассматриваются история возникновения, этапы формирования, а также современное состояние и перспективы развития института соучастия в преступлении.

МИЛЛИЙ БОЖХОНА ҚОНУНЧИЛИГИНИ УМУМЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ МЕЪЁРЛАРИ БИЛАН УЙЎНЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Ташқи иқтисодий фаолият эркинлашгани сайин уни тартибга солишда бож тарифи муҳим аҳамият касб этиб бораверади. Ўзбекистон Республикасининг «Бож тарифи тўғрисида»ги қонунига¹ мувофиқ бож тарифи – божхона чегарасидан олиб ўтиладиган, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг Товар номенклатураси принциплари ва қоидаларига мувофиқ ҳолда бир тизимга солинган товарларга нисбатан қўлланиладиган бож ставкалари тўпламидир.

Таъкидлаш жоизки, жаҳон савдосига чиқарилган товарларнинг халқаро классификациясини уйғунлаштириш мақсадида Жаҳон божхона ташкилоти томонидан Товарларни таърифлаш ва кодлашнинг уйғунлаштирилган тизимига 2012 йилдан кучга кирган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солишга доир чора-тадбирларни давом эттириш тўғрисида»ги 2012 йил 10 сентябрь қарорига² мувофиқ ҳозирда янгиланган уйғунлаштирилган тизим негизида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси қўлланилмоқда.

Маълумки, бож тарифини қўллашнинг негизида импорт қилинаётган товарларнинг божхона қийматини аниқлаш каби мураккаб табиатга эга бўлган масала ётади. Мисол учун, товарнинг қиймати экспорт қилувчи мамлакатда 1000 АҚШ долларини, импорт баҳоси 900 АҚШ долларини, импорт қилувчи мамлакат бозоридаги баҳоси эса 1200 АҚШ долларини ташкил этади. Шу ўринда «қайси баҳодан божхона тўловларини ундириш лозим?» – деган саволнинг туғилиши табиий албатта.

Агар божхона тўловларининг энг кўп миқдоридан келиб чиқиладиган бўлса, у ҳолда божхона тўловларини ҳисоблаш учун товарнинг

максимал қиймати – 1200 АҚШ долларини асос қилиб олиш, агар импортер манфаатдор бўлган йўлдан бориладиган бўлса, у ҳолда божхона тўловларини ҳисоблаш учун асос сифатида товарнинг импорт баҳоси олиниши лозим.

Ушбу мисолдан шу нарса кўринадки, импортерлар томонидан божхона юк декларациясида товарларнинг баҳоларини кўрсатишда ёки божхона органлари томонидан қарорлар қабул қилишда ўзбошимчалик учун кенг имкониятлар мавжуд.

Шу сабабли, товарларни таснифлашнинг халқаро қоидаларини яратиш билан бир вақтда товарларнинг божхона қийматини аниқлашнинг халқаро тизими ҳам яратилди.

1950 йилда Брюсселда имзоланган Товарларнинг божхона қийматини аниқлаш тўғрисидаги конвенция ушбу йўналишдаги биринчи қадам ҳисобланади. Шу билан бирга, ўтган асрнинг 70 йиллари охирида Жаҳон савдо ташкилоти (бундан буён - ЖСТ) доирасида бўлиб ўтган кўптомонлама музокаралар (Токио раунди) натижасида товарларнинг божхона қийматини аниқлашнинг такомиллашган халқаро тизими яратилиб, Тарифлар ва савдолар бўйича бош битимнинг 7-моддасини татбиқ этиш тўғрисидаги битим имзоланди.

Товарларнинг божхона қийматини аниқлаш бўйича яратилган ушбу халқаро тизим кейинчалик янада такомиллаштирилиб, ЖСТга аъзо давлатларнинг Уругвайда бўлиб ўтган музокаралари давомида Тарифлар ва савдолар бўйича бош битимнинг 7-моддасини татбиқ этиш тўғрисидаги битим (Марокеш, 1994 йил) имзоланди. Ушбу Битим аввалгисидан принципиал аҳамиятга эга бўлган масалаларда фарқ қилмайди ва унда импорт товарларнинг божхона қийматини аниқлашнинг 6 та усули назарда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, ҳозир Ўзбекистон ЖСТга аъзо эмас, лекин товарларнинг бож-

* Олий божхона институти катта ўқитувчиси.

хона қийматларини аниқлашнинг Ўзбекистон Республикасининг Бож тарифи тўғрисидаги қонунининг 18-23-моддаларида назарда тутилган усуллари Тарифлар ва савдолар бўйича бош битимнинг 7-моддасини татбиқ этиш тўғрисидаги битимдан инкорпорация қилинган.

Бож тарифи тўғрисидаги қонуннинг 12-моддасига асосан божхона қиймати – ушбу қонунга мувофиқ белгиланадиган ва божхона тўловларини ҳисоблаб чиқариш мақсадида фойдаланиладиган товар қийматидир. Божхона қиймати божхона расмийлаштируви вақтида божхона органига декларант томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда маълум қилинади.

Қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган товарларнинг божхона қийматини аниқлашнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этади:

Ўзбекистон Республикасининг «Бож тарифи тўғрисида»ги қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси³;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган товарларнинг божхона қийматини аниқлаш бўйича Йўриқнома (рўйхат рақами 390, 13.01.1998й.);

Божхона қиймати декларациясини тўлдириш бўйича Йўриқнома (рўйхат рақами 391, 13.01.1998й.);

Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириладиган товарларнинг божхона қийматини баён ва назорат қилиш қоидалари (рўйхат рақами 899, 22.02.2000й.);

Божхона қийматини коррективировка қилиш шаклини тўлдириш бўйича Йўриқнома (рўйхат рақами 920, 20.04.2000й.).

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, «Бож тарифи тўғрисида»ги қонуннинг ва Тарифлар ва савдолар бўйича бош битимнинг 7-моддасини татбиқ этиш тўғрисидаги битимнинг юқоридаги жадвалда баён этилган моддалари ўртасида тафовутлар мавжуд.

«Бож тарифи тўғрисида»ги қонун 18-моддасининг 2-қисми 3-бандига асосан, божхона қийматини аниқлашда олиб кириладиган товар учун амалда тўланган ёки тўланиши лозим бўлган баҳога хизматларнинг ҳамда сотувчи харидорга текинга ёки арзон нархда бевосита ёхуд билвосита берадиган

бошқа товарларнинг қиймати қўшилиши лозим.

Бож тарифи тўғрисидаги қонуннинг ушбу меъёри божхона қийматини аниқлашнинг биринчи усулини қўллаш шартларига зид. Зеро, «хизматларнинг ҳамда сотувчи харидорга текинга бевосита ёхуд билвосита берадиган бошқа товарларнинг қиймати»ни баҳо кўринишида ифодалашнинг имкони йўқ.

Бундан ташқари, Бож тарифи тўғрисидаги қонун 18-моддасининг 3-қисми 3-бандига асосан, битим қиймати таъсирини ҳисобга олиш мумкин бўлмаган шартларга риоя этилишига боғлиқ ёки божхона қийматини эълон қилиш вақтида декларант фойдаланган маълумотлар ҳужжатлар билан тасдиқланмаган бўлса, биринчи усулни қўллаш мумкин эмас.

«Бож тарифи тўғрисида»ги қонуннинг юқорида кўрсатиб ўтилган меъёри Тарифлар ва савдолар бўйича бош битимнинг 7-моддасини татбиқ этиш тўғрисидаги битимда қуйидаги таҳрирда баён этилган:

«импорт қилинадиган товарларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилишда ишлатилган ва сотиб олувчи томонидан бевосита ёки билвосита етказиб берилган қуйидаги товарлар ва хизматларнинг пропорционал тақсимланган қийматининг амалда тўланган ёки тўланиши лозим бўлган баҳога киририлмаган қисми:

импорт қилинадиган товарлар таркибига киритилган материаллар, компонентлар, қисмлар ва ўхшаш элементлар;

импорт қилинадиган товарларни ишлаб чиқаришда ишлатилган асбоблар, қолиплар, шакллар ва ўхшаш элементлар;

импорт қилинадиган товарларни ишлаб чиқаришда фойдаланилган материаллар;

импорт қилинадиган товарларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ва импорт қилувчи давлат ташқарисида яратилган лойиҳалаштиришлар, ишланмалар, бадий ва конструкторлик фаолияти, чизмалар ва эскизлар».

Халқаро савдо амалиётида қайд этилганларни *ассистлар* деб аташ қабул қилинган ва етказиб бериладиган нарсалар ассист бўлиши учун бундай нарсалар «Бож тарифи тўғрисида»ги қонунда баён этилганидек, сотувчи томонидан эмас, айнан харидор томонидан, бепул етказиб берилиши лозим.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган «Олтин водий» фирмаси мебель ишлаб чиқаришда ишлатиладиган фурнитураларни Россия Федерациясига етазиб беради. Агар бундай етказиб бериш бепул амалга оширилса, у ҳолда бу ассист бўлади, акс ҳолда эса ассист бўлмайди.

Рисоладаги шароитда инсон жамият томонидан қўйилган чекловларни ҳис этади, жамоа нуфузига бўйсунди, ўзининг талаб ва эҳтиёжларини ўрнатилган ижтимоий мақбул даражадан оширмайди. Бироқ жамиятда унинг баъзи аъзолари интилишлари учун ўрнатилган меъёр ўз аҳамиятини йўқотиши мумкин. Жамият ижобий ёки салбий жиҳатдан ларзага келган пайтларда бундай ҳодиса рўй беради, жамият ўз мувозанатини тиклагунча унинг ҳеч бир аъзоси қайси эҳтиёжлар ҳаддан ортиқ ёки кам эканлигини билмайди. Бундай аҳволи Дюркгейм *ижтимоий аномия* деб номлайди.

Кенг маънода аномия – бу «шахс ва ижтимоий гуруҳларда рисоладаги қадриятлар тизимининг бузилиши, меъёрий қадриятлар вакууми, ижтимоий ва айниқса, ҳуқуқий нормаларнинг самарасизлиги» бўлиб, бу жараён жиноят содир этилиши билан ҳам бевосита боғлиқ.

Дюркгейм қарашларининг асосий муаммоларидан бири – ижтимоий бирдамлик муаммосидир. Ижтимоий бирдамлик – жамиятни жипслаштирувчи ва мустақкамловчи асосий куч бўлиб, пировардида ижтимоий яхлитликни яратади. У ижтимоий меҳнат тақсимотининг мантиқий оқибати, яъни кишиларни касбий тақсимоти ва ижтимоийлашуви шаклида вужудга келади⁹. Жамиятнинг аҳволи бирдамлик даражаси билан ўзаро бевосита боғлиқ ва бу ҳолат нормал ёки патологик бўлиши мумкин. Дюркгейм фанга киритган тушунча аномия (жамият патологияси) – ўтиш даврларида вужудга келади: илгариги нормалар ва қадриятлар бекор қилинган, янгилари ҳали ўрнатилмаган бўлади. Жамиятнинг патологик ҳолати шакллари: аномия, ижтимоий тенгсизлик, меҳнатнинг майдалашуви – қоқоқлиги, ишчи кучининг таназзули, синфий зиддиятларнинг мавжудлиги. Уларнинг асосий ечиш йўли – ислохотлар ўтказишдир.

Дюркгеймнинг хулосалари жиноятчиликни буткул йўқотишни кўзловчи анъанавий қарашлардан фарқ қилиши билан эътиборни жалб қилади. Унинг фикрича, жиноятчилик жамият учун одатий ҳол. Жамият ўз ривожланишидан тўхтаб қолмаслиги шарти сифатида – жиноятчилик унга замин яратади. Ҳаёт рисоладагидек бўлиши учун жиноятчилик меъёрдан ошиб ёки камайиб кетмаслиги лозим. Жамият мавжуд жиноятчиларни (ўғрилар, қотиллар, зўравонлар ва ҳоказо) бIRON ғаройибот туфайли қайта тарбиялаб, тузатиб олса ёки йўқотиб юборса, илгари жиноий бўлмаган қилмишларни жиноят деб қабул қилишга мажбур бўлиб қолади. Бу ҳол шу билан тушунтириладики, жиноятчи салбий ахлоқ соҳибининг модели сифатида жамиятнинг тўлақонли аъзоси комил инсонни шакллантириш учун зарур экан¹⁰.

Бу парадоксал хулоса бўлиб, криминологиянинг бошқа мактаблари томонидан қаршиликка учраган. Аммо, у жиноятчиликка кескин чоралар билан барҳам бериш нима учун доимо таназзулга учрашини тушунтириб берган ва унинг муҳим аҳамияти шу билан белгиланади.

Дюркгейм ғоялари ривожини америкалик социолог Роберт Мертон томонидан давом эттирилди, у америкача жамиятда жиноятчиликнинг ўсиши сабабларини таҳлил қилиб, шундай хулосага келди, яъни жамиятнинг синфий тизимга эгаллиги, иқтисодий, сиёсий ва бошқа ривожланишидан қатъи назар аксилжитимий хатти-ҳаракатлар интенсив ўсиб боради¹¹.

Жиноятни оғаетган хулқ-атворнинг бошқа типлари билан боғлайдиган Роберт К. Мертон ҳам жиноятчи шахсининг нормал ҳоллигини эътироф этишдан келиб чиқади ва аномияни жамиятда анъанавий андоза ва меъёрлар янгиси билан алмаштирилмай туриб емирилаётгани муносабати билан ривожлантиради. Бундай вазиятларда, Мертон фикрича, ноаниқлик одамларда хавотир ва кўрқинчли келтириб чиқаради. Шунинг учун аномия ўз жонига қасд қилишга мойилликни келтириб чиқарадиган ижтимоий омиллардан бири бўлиб қолиши мумкин.

Мертон аномия тушунчасини индивид хулқида қабул қилинган меъёрлар ижтимоий воқеликка зид келиб қолган тақдирда вужудга келадиган тарангликни белгилаш учун модификациялаштиради. Масалан, Америка жамиятида қабул қилинган қадриятлар одамни юқорироқ силжиш, «пул ишлаш», яъни моддий манфаатдорликка йўналтиради. Мазкур вазиятда ҳар қандай – қонуний ёки ноқонуний

восита ёрдамида муваффақиятга эришиш учун майл пайдо бўлади.

Айнан ижтимоий аномия назариялари Америка криминологиясининг ривожига ва ҳозирги кўринишини белгилаб берди. Дюркгеймнинг илмий ютуғини замонавий файласуфлар ҳам эътироф этаяптилар.

Гап шундаки, аввалги мутафаккирлар жамиятшуносликнинг предмети ва вазифаларини тушунишда фалсафий ёндашдилар. Дюркгейм эса ўзининг тушунчалари апаратига эга янги илм соҳасини оёққа турғозишга муваффақ бўлди ва шу билан бирга, муайян муаммоларни чуқур социологик таҳлил қилиш имкониятларини кўрсатиб берди.

XX асрда ҳам жамиятда жиноят ва жазо билан боғлиқ муаммолар алоҳида аҳамият касб этди. Масалан, франциялик файласуф ва социолог Мишель Фуко (1926–1984 йиллар)нинг ижодини олиб қараш мумкин.

Мишель Поль Фуко франциялик файласуф, маданият назариячиси, тарихчи олим. У Францияда илк бор психоанализ (руҳий таҳлил) кафедрасини яратди. Антипсихиатриянинг¹² энг машҳур вакиллари билан бири. Фукони ижтимоий фанлар, тиббиётдаги ютуқлари, турмалар, ақли норасолик ҳақидаги қарашлари учун XX асрнинг энг машҳур ва нуфузли мутафаккиридан бири деб тан олинди.

Фуко одил судлов соҳасида умумэтироф этилган жиноятчини тузатиш воситаси бўлмиш жазо концепциясини танқид остига олган. Фуконинг фикрича, жиноятчини ҳокимият тизимининг ўзига мустақкам боғлаб қўйган, ҳокимият жамиятда жиноятчиликка буткул барҳам бериш ёки уни йўқ қилишни кўзламайди, балки ундан ижтимоий назорат курилиши сифатида фойдаланишга уринади, деб ҳисоблайди. М. Фуко умуман жиноят ҳодисасининг жиноятчи нуқтаи назаридан кўриб чиқилишига қўшилмайди, унинг фикрича, тананинг (объектнинг) мавжудлиги ташқи кузатувчининг мавжудлиги билан белгиланади, шунинг учун жиноятни таърифлаш айбланаётган одамнинг ўзини дискурси орқали эмас, фақат ҳуқуқий ва психиатрик дискурс¹³ ёрдамида амалга оширилиши лозим. Фуконинг фикрича, замонавий одил судлов тизимининг камчиликларидан бири қонунлар жиноятчини эмас, балки жиноятни жазога сазоворлигини таъкидлашади, амалда вазият умуман аксинча: жиноят эмас, жиноятчи жазоланади.

Фуко ўз ижодида француз ва Европа маърифатчилиги муҳим ғоялари захирасини XX асрнинг иккинчи ярмидаги Ғарб маданиятининг воқелиги асосида ривожлантириб борди. Фуко изланишларининг асосий объекти

– бу турли тарихий даврлардаги онгсизлик (онг олди ҳолати)ни ўрганишдир. Дастлаб Фуко негизи «илм археологияси»дан ташкил топган европача фан концепциясини ишлаб чиқади, унинг маъзани «илм-тил» ташкил этади. Фан ва маданиятнинг маълум назарияларини Фуко «доксология»¹⁴ билан боғлайди. Сўнгра файласуф ижодида «субъект» тушунчаси пайдо бўлиб шахвонийлик мавзуси ҳамда шу билан бирга, ахлоқ, одоб ва эркинлик масалалари кўриб чиқилади.

Фуконинг сўзларига қараганда, ижтимоий-иқтисодий сабаблар билан юзага келган одамларни яққалаб қўйишдан бир-бирдан фарқли икки мақсадда фойдаланилган, бироқ уларга эришилмаган. Бир томондан, яққалашдан ишсизликка ва унинг ижтимоий оқибатларига барҳам бериш, иккинчидан, нархларни ушлаб туриш учун фойдаланилган¹⁵.

Фуко мазкур таълимотининг асосий масалалари, бу – шахсларнинг ўзаро таъсири хусусиятлари, ҳокимият институтларининг шахсни тийиб туриши, ақли норасоларнинг жамиятдаги ўрни, гуруҳ ва жамоалар ташкил этилишининг англамаган механизмлари масалаларидир.

Фуконинг қараши бўйича, Одам – ғарб маданиятининг яқинда яралган кашфиёти, замонавий билим яратган, кетма-кетлик тартибдаги узилишдан бошқа нарса бўлмаган сиймодир¹⁶.

Фуко «Назорат ва жазолаш, Турмаларнинг пайдо бўлиши» (1975й.) асарининг муҳим ғояларидан бири, феодализмдан ҳозирги замонгача ўтиш даври ғарбга хос жамиятнинг сиёсий технологиялари эволюциясидир. XVIII асрнинг ўрталаригача ҳам ҳокимият учун бешафқатлик хислати хос эди. Бироқ XIX асрнинг 30-йилларига келиб, у анча юмшади ва инсонпарварликка мойил бўлди. Илгари жиноятчилар омма олдида қийноққа солинган ва жазоланган бўлса, кейинчалик тана устидан ҳар қандай зулм ўтказишни истисно қиладиган қамоқ назорати ўрнатилди. Яъни, бу ерда жазолашнинг ижтимоий табиати ўзгарди. Жиноят субъектига нисбатан янгича тасаввур шаклланди, инсон танасига оқилна-эҳтиёткор муносабат вужудга келди. Жиноят субъекти жиноятчининг танаси эмас, балки жони (руҳи) эканлиги аён бўлди. Судланувчига нисбатан бағрикенгроқ, шу билан бирга, у содир этган жиноятга тоқатсизроқ бўлиш тезиси кенг тарқалди. Жиноятларнинг олдини олиш учун фуқаролар онгида жазонинг муқаррарлиги фикрини кенг тарғиб қилиш таклифи илгари сурилди, жиноятни олдини олишни оммавийлаштириш зарурати кўриб чиқила бошланди.

Гильотина пайдо бўлиши билан қатл этиш саҳналари оммавий томоша фусункорлигини йўқотиб, бошқача оқилона-дидактик маънога эга бўлиб қолди. Аввалги ясама саҳналаштиришлар йўқотилиб, эътибор – жиноятчиларни қатл қилиш бошқа фуқаролар учун сабоқ бўлишига қаратилди.

Шу тариқа турли хил жиноятлар учун амалда ягона ва асосий жазо қамоқ бўлиб қолди. У тартиб ўрнатиш механизмлари бўлмиш касалхона, мактаб, мануфактура, казарма кабилар билан бир қаторда турди ҳамда уларнинг қайси бир жиҳатларини ўзида мужассамлаштирди. Қамоқ индивидларни мажбурий нормаллаштирадиган маконга айланди¹⁷.

Қамоқхоналар жиноятчиларни қайта тарбиялай олмаса ҳам, улар одамларни жиноят содир этишдан сақлаб туради. Қамоқхоналарнинг яшаш учун чидаб бўлмайдиган жойга айланиши потенциал ҳуқуқбузарликни тийиб туради.

Шу тарзда Фуконинг ғоялари криминология мактаби классиклари билан бир вақтда Дюркгеймнинг жиноятчиликнинг илдизи жамиятнинг ўзида яширинганлиги, ижтимоий тизимнинг мавжуд бўлиши, унинг нормал ҳаёт кечириши учун жиноятчилар зарурлиги тўғрисидаги ғоя ва қарашларига ўхшайди, деса бўлади.

Демак, ҳар қандай илмий изланиш асосида тарих, жамият ва инсонни, ижтимоий ҳодисаларнинг турли соҳаларини, унинг қонуниятларини ўрганиш ётар экан, ижтимоий объектнинг ривожланиш қонуниятларини англаш учун унинг тарихини ўрганиш зарур бўлади. Бундай ижтимоий объектлардан бирига жиноят ва жиноятчи киради. Жиноятчи шахсига оид соҳани фалсафий нуқтаи назаридан ўргана бориб, унинг маълум ривожланиш изчиллиги ҳамда детерминизми мавжудлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Фақат ўтмишга қараб йўналганлик, янгини пайқай олмаслик, тарихий жараёнларда жиноятчиликни ҳодиса сифатида ўзгартириб боришини тушунишни, қабул қилишни эплай олмаслик жиддий хатоларга олиб келиши мумкин.

Фикримизча, турли таърифларнинг мавжудлигига қарамай, уларнинг бирортаси ҳам жиноятчилик моҳиятини тўла ёритиб бера олмайди. Жиноий қилмишда доимо илмий таҳлил эришолмайдиган қандайдир теран жумбоқ ёки сир қолади. Шу тарзда хусусий фанларга қарашли таҳлилий воситаларнинг тақчиллиги муаммоси юзага келади ҳамда жиноятчилик феноменига интегратив ва шу билан бирга, чуқур фалсафий ёндашув эҳтиёжи вужудга келади.

Ҳар бир мутахассис жиноят ва жиноятчи муаммосига ўзининг ихтисослигидан келиб чиқиб ёндашади ва шунингдек, жиноятни содир этувчилар, уларни келтириб чиқарувчи сабабларига нисбатан ўз назариясини яратади. Бизнинг фикримизча, *биринчидан*, жиноят ва жазога оид турли мустақил қарашлар мавжудлиги, билишнинг турли шаклларида акс эттирилиши табиийлик ҳуқуқидан маҳрум эмас.

Иккинчидан, Ўзбекистон халқи менталитетида қадимдан муроса ва мадора, кечиримлилик хусусиятлари мавжуд бўлган. Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, бизниқига ўхшамайдиган, фарқ қилувчи бошқа билимларни, маданият ва дунёқарашларни қабул қилиш, тўғри тушуниш, ҳурмат қилиш ва тоқатли бўлиш халқимиз тафаккурига хос эзгу одатлардандир.

Жиноятчилик фалсафасининг предмети жиноятчининг эмпирик шахсияти, жиноятни ижтимоий ва табиий сабаблари эмас, балки сабабларнинг дебочаси ёки сабабларнинг сабаби ташкил этади. Энг аввало, фалсафани, мавжуд криминал мусибат ва фожиани юзага келтирувчи олам борлигининг онтологик ва трансцендентал¹⁸ ибтидоси қизиқтиради. Жиноятчиликнинг сабаблари негизини излашда у табиий ва ижтимоий олам сарҳадларидан ташқари чиқишга мойил.

Жиноятчиликнинг туб негизларини излаш, классик фалсафа учун кўпинча, борлиқ ва йўқлик, ҳаёт ва мамот, роҳат ва азоб, эзгулик ва ёвузлик, қаҳрамонлик ва жиноят орасида ўрнатилган олий ҳикматга етишмоқлик, унга интилиш маъносини англаган. Шу ўринда, айтиш жоизки, кўпинча кўнгилга тасалли бермайдиган хулосаларга келинган. Умумий маънода ёвузликнинг, хусусий маънода жиноятчиликнинг мавжудлиги ҳақида таҳминлар, метафизик асосланган далиллар шуни кўрсатадики, инсониятнинг одатий воситалари ёрдамида уларни йўқ қилиш қийин кечади. Шундан ҳамма нарсалар, шу жумладан, ёвузлик, иллатлар, жиноятлар ўз ўрнига эга бўлган оламнинг тартиботини радикал ўзгартириш мумкинлиги тўғрисида ниятлар ва таҳминлар, уни ўзгартириш одамзод кўлида эмас, деган фикрлардан қочиш керак. Шундай экан, *учинчидан*, ҳурфикрлилик ғояларига асосан турли қарашлар мавжудлигини ўринли, демократиянинг асосий принципларига мос келади, деб ҳисоблаймиз.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг, «ўзбек модели» деб ном олган ўз тараққиёт йўлини танлаб олди. Ушбу моделнинг маъно-мазмунини – давлат қурилиши

ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишдан иборат. Мазкур соҳада амалга оширилган чора-тадбирлар, хусусан жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши улкан социал ва ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этди. Президентимиз таъкидла-

ганларидек, «...мамлакатимизда сўнги ўн йилда озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган маҳбуслар сони икки баробардан кўпроқ камайганининг ўзи ҳам бу соҳада олиб борилаётган ислохотларимизнинг қандай ижобий натижалар бераётганидан далолатдир»¹⁹.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XX аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т., 1998. – Б.88.

² Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз.Т.8. – Т., 2008. – Б.59-60.

³ Ўша жойда.

⁴ Қаранг: Платон. Диалог. – М., 1986. – С.433.

⁵ Қаранг: Диоген Лаэртский. О жизни, учениях и изречениях знаменитых философов. www. Modern Lib.ru. books>/Laertskiy_diogen.

⁶ Қаранг: Бронзов А. Аристотель и Фома Аквинат в отношении к их учению о нравственности. – СПб., 1984.

⁷ Темур тузуқлари / Б. Аҳмедов таҳрири остида. – Т., 1996. – Б.72.

⁸ Давид Эмиль Дюркгейм (1858–1917 й.) – француз жамиятшуноси ва файласуфи, Франция социология мактабининг асосчиси, Социологияни мустақил фан сифатида яратувчиси.

⁹ Қаранг: Дюркгейм Э. О разделении общественного труда: Методы социологии. – М., 1991.

¹⁰ Қаранг: Дюркгейм Э. Самоубийство. Социологический этюд. – СПб., 1912.

¹¹ Мертон Р.К. Социологическая структура и аномия //Социология преступности. Современные буржуазные теории. – М., 1966. – С.299-313

¹² Антипсихиатрия – таъкидлашларича, ички воқелик ва шахсий эркинлик психиатрлар ишлаб чиқмоқчи бўлган руҳий соғлом ва руҳий касаллик мезонларидан мустақил бўлиши лозим. А.ғояси психиатрияни ўрганишда руҳий таҳлил ёндашувига асосланиб, биологик ёндашувга қарши туради. Биологик ёндашув тарафдорлари руҳий касалликларнинг негизида бош мия фаолиятининг бузилиши ётади, деб ҳисоблайдилар.

¹³ Дискурс – бу белгилар, ифодаланишлар мажмуидан келиб чиққан бир қатор гаплар ёки мулоҳазалар. Дискурс фикр-мулоҳазани намоён этувчи кетма-кет келувчи белгилар йиғиндисидан яралади. Д. кенг маънода, нутқ ёки гап – тил фаолиятига оид жараён.

¹⁴ Доксология (юнунча «доксо» – шараф, олқиш, логос – сўз) – насронийларда ибодатда ҳудода ҳамдлар айтиш. Кенг маънода Д. термини худони шарафлайдиган ҳар қандай ибодатга оид.

¹⁵ Фуко Мишель. История безумия в классическую эпоху.– М., 2010. – С. 698.

¹⁶ Фуко Мишель. Психиатрическая болезнь и личность. – СПб., 2010. – С. 320.

¹⁷ Қаранг: Фуко Мишель. Надзирать и наказывать. Рождение тюрьмы. – М. 1999.

¹⁸ Трансцендентал – (лот. transcendens – чек-чегарадан ташқари) бирон меъёрнинг қарама-қарши томонлари, қисмларини боғловчи мазмун-моҳият; онгда борлиқни идрок этиш (текшириш мумкин бўлмаган) шакли.

¹⁹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси // Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. – Т., 2011. – Б.60.

Таянч иборалар: жиноятчилик фалсафаси, ижтимоий аномия, онтология, психоанализ, антипсихиатрия.

Мазкур мақола жиноятчи шахсига оид ижтимоий ва фалсафий тафаккурнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида вужудга келган йўналиш ва таълимотлар, уларнинг илмий таҳлили ҳамда криминологларнинг илмий фаолиятидаги аҳамиятига бағишланган.

Key words: philosophy of crime, social anomia, ontology, psychoanalysis, antipsychiatry

The article is dedicated to the trends and studies of criminal personality originated in the process of formation and development of social and philosophical thought, to their scientific analysis and significance in criminologists' scientific activity.

Ключевые слова: философия преступности, социальная аномия, онтология, психоанализ, антипсихиатрия.

Статья посвящена научному анализу учений о личности преступника, возникшим в процессе формирования и развития социологической и философской мысли, характеристике их значения в научной деятельности кримиологов.

ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ДНК ЭКСПЕРТИЗ (МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ)

Президент нашей страны Ислам Каримов в праздничном поздравлении сотрудникам органов внутренних дел Республики Узбекистан отметил, что «мы живем в непростое время. Сегодня перед нашей страной стоят реальные угрозы, связанные, с организованной и транснациональной преступностью, наркобизнесом. Необходимость противодействия этим угрозам требует эффективного и адекватного ответа, обеспечения четких и слаженных действий всех служб органов внутренних дел, ответственного и честного выполнения каждым сотрудником правоохранительных органов своего служебного долга»¹. Для достижения этих целей необходимо, «во-первых, продолжить и углубить начатую системную работу по дальнейшему улучшению деятельности органов внутренних дел, направленной на совершенствование системы оперативно-розыскной и следственной деятельности, обеспечивающей оперативность раскрытия преступлений и неотвратимость наказания за совершенные преступления, во-вторых, вести работу по дальнейшему укреплению деятельности органов внутренних дел»².

Задачи, поставленные главой нашего государства перед органами внутренних дел, предполагают осуществление комплекса эффективных мер в борьбе с преступностью. За последние годы органами внутренних дел достигнуты определенные положительные результаты в борьбе с преступностью. Однако останавливаться на достигнутом нельзя. Для дальнейшего совершенствования борьбы с преступностью необходимо повышать профессиональное мастерство сотрудников,

эффективно использовать достижения науки и техники, совершенствовать методику и тактику расследования преступлений, использовать современные методы оперативно-розыскной деятельности. Успех борьбы с преступностью в немалой степени определяется умелым применением такого института криминалистики, как криминалистические учеты.

Криминалистические учеты самостоятельно либо в комбинации с другими учетами содействуют раскрытию и расследованию преступлений. В данной статье рассмотрим вопрос о более эффективном использовании ДНК экспертиз и целесообразности создания генетических баз данных преступников.

В настоящее время в судебно-идентификационной науке *ДНК (дезоксирибонуклеиновая кислота)* стала самым важным объектом для идентификации биологического материала ДНК человека хранит в себе специфичную наследственную информацию и является одной из самых стойких к жестким условиям окружающей среды биологических полимеров³. Почти полвека тому назад был открыт принцип структурной (молекулярной) организации генного вещества – ДНК. Структура ДНК дала ключ к механизму точного воспроизведения генного вещества. Так возникла новая наука – молекулярная биология. Правы проф. В.Б. Бородулин и доцент М.П. Родионова, которые отмечают, что молекулярная генетика активно внедряется в практику правоохранительной деятельности, и это не дань моде, а следствие «революционных» возможностей. Благодаря молекулярной генетике не остаются безнаказанными многие опасные

* Старший преподаватель кафедры специальных дисциплин факультета повышения квалификации офицеров органов внутренних дел Академии МВД Республики Узбекистан.

преступления против жизни человека, минимизируются случаи ложного обвинения лица в совершении преступления. Целью использования новых методов в судебно-медицинской экспертизе вещественных доказательств является повышение идентификационных возможностей. *Молекулярно-генетическая экспертиза* – наиболее доказательственный метод анализа биологического материала при расследовании преступлений. Она обеспечивает *высокий уровень доказательности* благодаря тому, что позволяет экспертам делать выводы о конкретном человеке»⁴.

Анализ зарубежной литературы показывает, что эффективное использование идентификации по ДНК занимает одно из ведущих мест в борьбе с преступностью.

Идентификация личности методом ДНК-анализа успешно используется в Великобритании, США, Канаде и ряде других стран. В США с 1994 года действует закон об идентификации по ДНК, предусматривающий забор генетических материалов у преступников и подозреваемых. В Германии в 1998 г. принят закон об идентификации личности с помощью анализа ДНК, предписывающий брать образцы ДНК у подозреваемых в совершении преступлений. Закон позволил уголовной полиции создать генетические базы данных преступников, где хранится около 1 миллиона проб. Во Франции решение о создании картотеки «генетических отпечатков» осужденных было принято в 1998 г.

Государственная Дума РФ узаконила введение в стране государственной геномной регистрации – ДНК-анализ. «Разработчики этого документа из МВД считают, что это повысит эффективность борьбы с преступностью, в том числе с терроризмом и экстремизмом. Документ узаконил механизм получения, хранения и использования геномной информации для идентификации личности. Будет создана федеральная база данных ДНК-информации по неопознанным трупам, неустановленным лицам, биологический материал которых изъят в ходе следствия. Важно и то, что в базе будут храниться «генные» опознавательные данные

осужденных и отбывающих наказание за совершение тяжких и особо тяжких преступлений. В нее также войдут геномные «паспорта» маньяков, совершающих преступления на сексуальной почве»⁵.

Необходимо отметить, что судебно-биологическая экспертиза ДНК человека проводится в Республиканском центре судебной экспертизы им. Х.Сулеймановой при Министерстве юстиции Республики Узбекистан. Уместно отметить, что впервые в Центральной Азии в Центре была создана служба судебно-биологической экспертизы ДНК человека, и согласно Постановлению Кабинета Министров Республики Узбекистан №321 от 14 ноября 2012 г. «О дальнейшем совершенствовании деятельности Республиканского центра судебной экспертизы им. Х.Сулеймановой при Министерстве юстиции Республики Узбекистан» перед Министерством юстиции Республики Узбекистан поставлена задача «совместно с заинтересованными министерствами и ведомствами утвердить комплекс организационно-правовых мер по созданию национальной базы данных ДНК по лицам, осужденным за совершение отдельных тяжких и особо тяжких преступлений, по биологическим следам, оставленным преступниками, по неопознанным трупам, а также лицам, пропавшим без вести»⁶.

Таким образом, сотрудники правоохранительных органов должны ясно понимать роль ДНК экспертиз, знать механизмы его использования, уметь пользоваться такой базой данных. Кроме того, существует возможность создания «генетического паспорта» преступника со всеми вытекающими отсюда правовыми нормами, разработка которых представляет собой отдельную задачу и требует не только знания юриспруденции. Помимо прочего, необходимы научные исследования в области разработки единого понятийного аппарата. Необходима разработка и корректировка законодательных, нормативных и правовых документов в отношении ДНК экспертиз, в том числе регламентирующих международную деятельность в данном направлении, так как важное

значение при использовании ДНК экспертиз в борьбе с преступностью занимают вопросы обмена данными на международном уровне. На наш взгляд, реализация предложений, связанных разработкой законодательных, нормативных и правовых документов, касаю-

щихся формирования базы ДНК-экспертиз, создание национальной базы данных ДНК, будет самостоятельно либо в комбинации с другими базами и криминалистическими учетами содействовать повышению эффективности раскрытия и расследования преступлений.

¹ Каримов И.А. Праздничное поздравление сотрудникам органов внутренних дел Республики Узбекистан // На посту. – 2007. – 25 окт.

² Там же.

³ Икрамов А.А., Нурматов Ш.Х., Ахмедов Д.Ш. Генетическая экспертиза. Возможности и перспективы // Достижения судебной экспертизы и перспективы её развития. – Т., 2007. – С.110.

⁴ Бородулин В. Б., Родионова М. П. Применение молекулярно-генетических методов в раскрытии преступлений // Информационная безопасность регионов. Научно-практический журнал. – 2010. – №2 (7). – С.115–118.

⁵ Богданов В. След храните в банке // Российская газета. – 2008. – 25 нояб.

⁶ Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2012. – №522. – С.94–97.

Таянч иборалар: ДНК, жиноятчиликка қарши кураш, ДНК-анализ, генетик паспорт, маълумотлар базаси, маълумотлар алмашуви, халқаро стандартлар, генетик материал.

Ушбу маъолада, жиноятчиликка қарши курашда ички ишлар идоралари томонидан ДНК экспертизаларидан самарали фойдаланиш ва миллий ДНК экспертизалар базасини яратиш ва бу борада қонун ва қонуности норматив ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган.

Key words: DNA, combating crime, DNA analysis, genetic passport, data base, data exchange, international standards, genetic material.

The article deals with questions concerning the use of DNA examination by the organs of internal affairs in combating crime, creating the national DNA data base and in this connection, further improvement of legislative and subordinate acts.

Ключевые слова: ДНК, борьба с преступностью, ДНК-анализ, генетический паспорт, база данных, обмен данными, международные стандарты, генетический материал.

В статье раскрываются вопросы использования ДНК экспертиз органами внутренних дел в борьбе с преступностью. Освещается необходимость разработки, дальнейшего совершенствования законодательных актов и подзаконных нормативных документов в отношении ДНК экспертиз для формирования республиканской базы данных ДНК экспертиз.

И. М. Каримов*,
Ф. Кадиров**

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР: ЗАРАРЛОВЧИ ДАСТУРЛАР ВА ВИРУСЛАР

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, корхона, ташкилот ходимларининг компьютер саводхонлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепция»си (2010 йил 12 ноябрь), «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2012 йил 21 март) қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларининг малакаси ва кўникмаларини оширишга доир чора-тадбирлар ҳамда уларни ишда компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги 2011 йил 27 октябрь қарорини бунга мисол қилиш мумкин.

Давлат раҳбари ҳақли эътироф этганидек, «Ахборот-коммуникация ва телекоммуникация технологиялари соҳасидаги чора-тадбирлар ва лойиҳаларни жадал амалга ошириш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Биз ўзимизга шуни аниқ тасаввур этишимиз керакки, иқтисодиётнинг барча соҳаларига, кундалик ҳаётимизга замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш бўйича туб ва ижобий маънодаги портлаш эффектини берадиган ўзгаришларни амалга оширмасдан туриб, истиқболдаги мақсадларимизга эришиш қийин бўлади»¹.

Шу маънода, назаримизда, фойдаланувчиларнинг компьютер саводхонлигини ошириш билан бирга, уларнинг компьютер жиноятчилиги, ўз компьютерларидаги маълум

отларни ҳимоялаш чора-тадбирлари, компьютердаги зарарловчи дастурлар ҳақида ҳам элементар кўникмаларга эга бўлиши фойдадан холи эмас.

Ҳозир республикаимизда компьютерлаштириш жараёнининг жадаллашуви ва ахборот тармоқларидан кенг фойдаланишга бўлган интилиш компьютердан фойдаланувчилар сонининг ҳам ортиб боришига олиб келмоқда. Бу эса компьютер ва ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда тармоқлардан фойдаланиш борасидаги ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг кўпайиб боришига ҳам сабаб бўлади. Чунки, жамият аъзолари компьютер саводхонлигининг ортиши, уларнинг ахборотга қасддан ёки тасодифий эғалик қилишга ҳаракат қилиш эҳтимолини оширади, яъни кимдир иқтисодий-сиёсий эҳтиёжини қондириш мақсадида ахборотларга ноқонуний эғалик қилишни режалаштирса, кимдир тасодифан, қизиқиш орқали ахборотга зарар етказиши мумкин. Бунинг замирида профессионал ёки ишқибоз-дастурчи жиноятчилар пайдо бўлади.

Шу боис ахборот технологиялари соҳасидаги, ёки компьютер жиноятчилигининг олдини олиш ва уни очишни самарали амалга ошириш учун тегишли мутахассис ходимларни компьютер ҳамда тармоқ технологиялари соҳасидаги билим ва кўникмаларини мунтазам ошириб боришни давр тақозо этмоқда.

Компьютер жиноятчилигига қарши кураш ва унинг олдини олиш ҳамда фош этишда тўғри қарорлар қабул қилиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари компьютер техникалари, унинг қурилмавий воситалари, дастурлари ҳақида билимларга эга бўлиши зарур. Бундай кўникмаларга, айниқса, тергов бўлинмалари ходимларининг эга бўлишлари муҳимдир.

Жамиятда узатиладиган, сақланадиган ва қабул қилинадиган ахборот оқими ҳажмининг

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси информатика, ҳисоблаш техникаси ва алоқа кафедрасининг бошлиғи, техника фанлари номзоди, доцент.

** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси информатика, ҳисоблаш техникаси ва алоқа кафедрасининг катта ўқитувчиси, техника фанлари номзоди, доцент.

ортиб бориши уларни ҳимоялаш масаласини долзарб қилиб қўяди, чунки жамиятнинг асосий бойлиги ҳисобланувчи ахборот жиноий тажовуз объектига айланади. Жамиятда компьютер ёки тармоқ ахборотига ноқонуний кириш асосий хавфни туғдиради. Бундай жиноятлар давлатга катта миқдорда моддий ва маънавий зарар етказиши.

Жаҳон тажрибасига кўра, компьютер ахборотларининг мутлақ хавфсизлигини таъминлашнинг имкони йўқ, бироқ уларни ишончли ҳимоялаш учун ташкилий, ҳуқуқий, дастурий, техник воситалар ва чоралар мажмуидан комплекс фойдаланиш тақозо этилади.

Компьютер техникаларидан фойдаланиб содир этилиши мумкин бўлган жиноятларга қуйидагиларни келтириш мумкин:

- рухсатсиз маълумот, дастурнинг нусхасини олиш, ўғирлаш, ўзгартириш, йўқ қилиш;
- компьютер ёки тармоқ, ҳисоблаш тизимларини ишдан чиқариш;
- компьютер тизимларига рухсатсиз кириш;
- компьютер техникасидан фойдаланиб фирибгарлик қилиш, яъни алдаш, ишончли суиистеъмол қилиш орқали ўзганинг мулкни ўзлаштириш ёки эгаллик ҳуқуқини қўлга киритиш;
- компьютер жосуслиги, яъни рухсати бўлмаган шахсларга компьютер маълумотларини бериш;
- вирус дастурларини ишлаб чиқиш ва тарқатиш;
- ҳужжатларни қалбакилаштириш;
- рухсати бўлмаган ҳолда маълумотлар банки ёки базасидаги маълумотларни кўриш, ўғирлаш, ўзгартириш, ўчириш;
- компьютер тизимларидаги маълумотларнинг чиқиб кетишига, ўғирланишига сабаб бўладиган, моддий зарар етказишига олиб келадиган совуққонлик, масъулиятсизлик;
- компьютер ёки тармоқ тизимларига механик, магнит ёки электромагнит таъсир қилиб зарар етказиш ва бошқалар.

Компьютер жиноятчилигининг бир тури — зарарловчи дастурларни ишлаб чиқишдир. Бундай дастурлар орқали ахборот тизимларига етказиладиган зарар асосан қасддан ёки тасодифий (эхтиётсизлик оқибатида) ва катта миқдорда бўлиши мумкин.

Зарарловчи дастурлар ўзи нима? У ихтиёрий дастурий таъминот бўлиб, компьютерда сақланадиган маълумотларга рухсатсиз киришга ёки ахборот эгасига зарар етказишга мўлжалланади. Ахборотга кириш (эгаллаб олиш, ўзгартириш, йўқ қилиш) рухсат этилган

ёки рухсат этилмаган бўлиб, биринчисид ахборотга қонунни бузмаган ҳолда кирилади, иккинчисид кириш қонунга хилоф равишда амалга оширилади.

Зарарловчи дастурлар деганда тартибқоидадан четлаб ўтган ҳолда ахборотга рухсатсиз кириш тушунилади. Компьютер вируслари ҳам зарарловчи дастурлар тоифасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг «Зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш» номли 278^б-моддасида шундай дейилган: «Компьютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган ахборотни рухсатсиз йўқ қилиб юбориш, тўсиб қўйиш, модификациялаштириш, улардан нусха кўчириш ёки уни қўлга киритиш мақсадини кўзлаб компьютер дастурларини яратиш ёки мавжуд дастурларга ўзгартиришлар киритиш, худди шунингдек махсус вирус дастурларини ишлаб чиқиш, улардан қасддан фойдаланиш ёки уларни қасддан тарқатиш». Бу моддага асосан содир этилган жиноят учун энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

Зарарловчи дастурлар – бу вирус ёки айғоқчи дастур бўлиб ҳисобланишидан қатъи назар, компьютер, сервер ёки компьютер тармоғига мўлжаллаб яратилган махсус дастурий таъминотдир.

Вирусга қарши дастур таъминотини ишлаб чиқувчи ҳар бир компаниянинг хусусий классификацияси ва зарарловчи дастурлар номининг рўйхати бўлади. Ҳозирги кунда аксарият компьютердан фойдаланувчилар «Касперский лабораторияси»нинг дастурий таъминотидан фойдаланаётганликларини инobatга олиб, қуйида унинг зарарловчи дастурлар бўйича классификацияси ва уларнинг рўйхатига тўхталиб ўтамиз.

Зарарлаш вазифаси бўйича:

- компьютернинг иш фаолиятига таъсир қилиш: CD-ROM қурилмасини очиш-ёпишдан бошлаб, маълумотларни йўқ қилиш, аппарат таъминотини издан чиқаришгача;
- даволашни қийинлаштириш мақсадида вирусга қарши дастурларни, сайтларни ҳамда операцион тизим бажарадиган функцияларни блокировка қилиш;
- бошқа зарарловчи дастурий таъминот ўрнатиш;
- тармоқдан юкланиш;

– файл ичида мавжуд бўлган бошқа зарарловчи дастурни очиш;

– фойдаланувчи орқасидан ўғрилиқ, фирибгарлик, товламачилик ва жосусликни амалга ошириш;

– қимматли ёки махфий тоифадаги маълумотларни ўғирлаш;

– турли хизматларнинг «қайд ёзув» (аккаунт)ларини (электрон почта, пароллари ва ҳ.к.) ўғирлаш;

– тўлов тизимларининг аккаунтларини ўғирлаш;

– пул маблағлари бўйича пўписа (шантаж) қилиш ва товламачиликни амалга ошириш мақсадида компьютерни блокировка қилиш, файлларни шифрлаш (кўп ҳолларда тўлов амалга оширилганидан кейин компьютер блокировкаси олинмайди ёки зудлик билан иккинчи марта блокировка қилинади);

– катта қимматга эга бўлган телефон қўнғироқларини амалга ошириш учун телефон модемдан фойдаланиш;

– масалан, антивирусга ўхшаган, бироқ ҳеч қандай фойдаси бўлмайдиган пулли дастурий таъминотнинг мавжудлиги;

– компьютернинг ўз ресурсларига ёки у орқали бошқа ресурсга рухсатсиз кириш, шу жумладан компьютерни тўғридан-тўғри бошқариш;

– компьютерга кириш йўлларини, жумладан ҳамма кириши мумкин бўлган серверни ташкил этиш;

– зарарланган компьютердан (ботнет таркибида) ҳужум учун фойдаланиш;

– электрон почта манзилларини йиғиш ва спамни тарқатиш.

Зарарли бўлмаган, лекин кўп ҳолларда номақбул ҳисобланган файллар:

– фойдаланувчининг асабига тегувчи амалларни бажарадиган ҳазил дастурий таъминот;

– Adware – рекламани кўрсатадиган дастурий таъминот;

– Spyware – Интернет орқали, рухсати бўлмаган фойдаланувчиларга ахборотни юборадиган дастурий таъминот;

– Руткит — бошқа зарарловчи дастурнинг борлигини англатувчи изларини яшириш учун ишлатиладиган дастур;

– айрим ҳолларда зарарловчи дастурий таъминот ўзининг «хаётини таъминлаш» учун қўшимча утилитларни ўрнатади.

Кўпайиш усули бўйича:

Эксплойт – дастур томонидан нотўғри қабул қилинадиган назарий маълумотлар

тўплами (масалан, график файли ёки тармоқ пакети). Бунда зарарни файлнинг ўзи эмас, дастурий таъминотнинг хато ишлаши етказди. Шунингдек, эксплойт деб, «жўнатилган» маълумотларга ўхшаган маълумотларни яратувчи дастурга айтилади.

Дастурдаги мантиқий бомба аниқ бир шароитларда ишлай бошлайди ва керакли дастур-ташувчидан ажралмайди.

Троян дастури ўзидан кўпайиш механизмига эга эмас.

Компьютер вируси компьютернинг ўзида ва ечиб олинмаган дисклар орқали кўпаяди. Агар фойдаланувчининг ўзи тармоқдаги зарарланган файлни очса, вирус тармоқ орқали ҳам кўпайиши мумкин. Вируслар, ўз навбатида, зарарланувчи файлларнинг тури бўйича (файлли, юқловчи, автоматик тарзда ишга тушадиган) бўлинади.

Тармоқ қурти тармоқ бўйлаб мустақил тарзда кўпайиш хусусиятига эга.

Зарарланишни қуйидаги белгиларга қараб аниқлаш мумкин:

– компьютер юкланганда мониторда автомат равишда номаълум нарсаларнинг пайдо бўлиши;

– вирусга қарши дастурлар чиқарувчи компанияларининг сайтларидан ёки компьютерларни зарарловчи дастурлардан «даволаш» бўйича хизмат кўрсатадиган сайтлардан фойдаланишни блокировкаланиши;

– Windowsнинг вазифалар диспетчердаги «Процессы» ойнасида янги номаълум жараёнларнинг юзага келиши;

– автоматик ишга тушириш реестрида янги ёзувларнинг пайдо бўлиши;

– маъмурнинг қайта ёзилишида компьютерни сошлаш катталикларининг ўзгартириб бўлмаслик;

– фойдаланиладиган файлни ишга тушириб бўлмаслик (хато эканлиги тўғрисида маълумот чиқади);

– сузиб юривчи ойнанинг пайдо бўлиши ёки ўқиб бўлмайдиган матндан иборат бўлган, жумладан номаълум веб-манзил ва номли тизим хабарининг пайдо бўлиши;

– бирор дастурни ишга тушириш вақтида компьютернинг қайта ишга тушиши;

– компьютернинг тасодифий ёки тартибсиз ўчиб қолиши;

– дастурнинг тасодифий ишламай қолиши;

– клавиатура тугмаларининг нотўғри ишлаши;

– компьютер иш тезлигининг секинлашиб қолиши.

Бироқ, бу белгилар пайдо бўлмаса ҳам, компьютер зарарловчи дастур билан зарарланган бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиш керак.

Компьютерни зарарловчи дастурлардан мутлақ ҳимоя қилиш усули мавжуд эмас. Лекин айрим чора-тадбирлар ёрдамида зарарловчи дастурларнинг зарарлаш хавфини сезиларли даражада камайтириш мумкин. Қуйида хавфсизликни таъминлаш учун асосий ва бирмунча самарали чора-тадбирлар келтирилган:

– фойдаланувчининг рухсатисиз файллар ўзгаришига имкон бермайдиган замонавий операцион тизимлардан фойдаланиш;

– дастурлардаги янгиланишни ўз вақтида амалга ошириш;

– агар автоматик янгиланиш режими мавжуд бўлса, уни ишлатиш;

– вирусга қарши дастурлардан ташқари, зарарловчи дастурларни аниқловчи дастур таъминотидан фойдаланиш;

– бегона шахсларнинг компьютердан фойдаланишини чеклаш;

– ташқи ахборот ташувчилардан (масалан, флешка) фақат текширилганидан кейин фойдаланиш;

– ишончсиз манбалардан олинган компьютер файлларини очмаслик;

– Интернет тармоғига чиқишни назорат қиладиган дастурлардан фойдаланиш (масалан, Firewall);

– Shadow Defender, Lock My PC каби дастурлардан фойдаланиш.

Зарарловчи дастурларни яратиш, улардан фойдаланиш ва уларни тарқатиш дунёнинг турли мамлакатлари қонун ҳужжатларида жиноий жавобгарликни назарда тутати. Хусусан, компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб ўзгалар мулкни талон-торож қилиш, фирибгарлик қилиш, компьютерлар учун зарарловчи дастурларни яратиш, улардан фойдаланиш ва уларни тарқатиш учун жиноий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167, 168, 169, 2781-6-моддаларида, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 155, 155¹ - моддаларида ва Фуқаролик кодексининг 1031, 1032, 1034-моддаларида назарда тутилган.

Вируслар ўз нухасини олган ҳолда тарқалади ва кейинчалик бошқа дастурларнинг бажарилиш кодини ўзига олади, ўзидан кейин бошқа дастурларни алмаштиради, автоматик ишга туширишга жойлашади ва ҳоказо.

Зарарловчи дастурларнинг тарқалиш каналларига қуйидагилар киради:

- дискетлар;
- флеш-тўплагичлар (флешкалар);
- электрон почта;
- тез хабарлар алмашинуви тизими;
- веб-саҳифалар;
- Интернет ва локал тармоқлар.

Зарарловчи дастурларга мисол қилиб тармоқ қурти, троян дастурлари, бэкдор, руткид, компьютер-зомбиси, мантиқий бомба, Spyware, кейлогер, порнодиалер, Ransomware, ботнет, ёлғон антивирус, спам, фишинг, эксплойт кабиларни келтириш мумкин. Булардан айримлари ҳақида қисқача тушунча берамиз.

Тармоқ қурти — бу локал ва глобал компьютер тармоғи орқали мустақил тарзда тарқаладиган зарарловчи дастур тури ҳисобланади. Энг таниқли бўлган компьютер қуртидан бири бўлиб, Корнельс университетининг талабаси бўлган Роберт Моррис томонидан ёзилган «Моррис қурти» ҳисобланади. Қуртнинг тарқалиши 1988 йил 2 ноябрда бошланган ва Интернетга уланган барча компьютерларнинг тахминан 10 фоизини зарарлаган.

Қурт тарқалишининг барча механизмлари икки катта гуруҳга бўлинади:

Биринчиси — компьютерда ўрнатилган дастурий таъминот химоясининг заифлиги ва хатосидан фойдаланиш. Масалан, ўзининг тарқалиши учун Conficker зарарловчи дастури Windows операцион тизимининг заифлигидан фойдаланган. Моррис қурти луғат бўйича паролни топган. Бундай қуртлар компьютерларни автоматик равишда танлайди ва ҳужум қилади ҳамда автоном равишда тарқалади.

Иккинчиси — ижтимоий муҳандислик деб аталадиган воситалардан фойдаланган ҳолда фойдаланувчининг ўзи томонидан зарарловчи дастур ишга туширилади. Ушбу усул спам-тарқатишлар, ижтимоий тармоқлар ва ҳоказоларда кенг қўлланилади.

Троян дастури – инсонлар томонидан тарқатиладиган зарарловчи дастурдир. У мустақил тарқаладиган вируслар ва қуртлардан фарқ қилади. Троян номининг келиб чиқиши «Троян отлари» – Троя ағдарилишига сабаб бўлган ёғоч от тўғрисидаги афсонага тақалади. Сохта-сулҳ белгиси сифатида тортиқ қилинган отда юнон аскарлари яширинган. Улар кечаси босқинчилар армиясига дарвозаларни очиб беришган. Троян дастури ҳам шунга ўхшаш ҳаракатланади, яъни фойдаланувчи компьютерига уни фойдали дастурлар каби киритади. Вақт ўтиши билан

бундай дастурлар зарарловчи фаолиятини бошлайди.

Троянлар – энг содда бўлган зарарловчи дастурларнинг тури ҳисобланиб, уларнинг мураккаблиги дастурий таъминот воситаларининг мураккаблигига боғлиқ бўлади. Троян дастурлари бошқа зарарловчи дастурлар каби вирусга ёки айғоқчиларга қарши курашувчи дастурий воситалар ёрдамида аниқланади ва ўчирилади. Ҳозирги кунда қоғоз қушандаси бўлган Trojan.Milicenso вируси пайдо бўлди. Бу ҳақда Symantec антивирус компанияси хабар тарқатди. Бу вирус чоп этиш серверига тасодифий символлар терилган топшириқни вазифа қилиб жўнатади ва принтер қоғоз тугагунча, гарчи антивирус уларни қайд этсада, чоп этаверади. Trojan.Milicenso компьютерларни турли йўллар билан: электрон почта ёки ўзи жойлашиб олган ҳар хил веб-сайтлардаги вирус-скриптлар орқали зарарлайди.

Бэкдор, (инглизчадан back door, «қора йўл» маъносини англатади) – бузғунчи томонидан ишдан чиқарилган компьютерга қайтадан тизимга кириш мақсадида такроран ўрнатилган дастурдир. Унинг «BindShell», «Back Connect», «Middle Connect» каби турлари мавжуд. Маълум бўлган бэкдорлар вирусга қарши тизим базасига киритилади. Олий тоифали хакерлар ўз қўли билан ёзилган ёки модификацияланган бэкдорлар ва руткитлардан фойдаланишади, бу уларни аниқлаш ва ўчириш имкониятини қийинлаштиради. Бэкдорнинг асосий вазифаси компьютерни яширин бошқариш ҳисобланади ва у зарарланган компьютердан файллар нусхасини олиш ва аксинча, зарарланган компьютерга файллар ва дастурларни узатишни амалга оширади. Компьютерга «қора йўл»ни очади.

Руткит (инглизчадан rootkit «тўплами» маъносини англатади) – тизимда ғараз ниятли шахс ёки зарарли дастурнинг борлиги изларини яшириш учун ишлатилган дастур ёки дастурлар тўплами. Руткит бузувчига бузилган тизимда ўрнашиб олиш ва файллар, жараёнлар ҳамда тизимда руткит борлигини яшириш орқали ўз фаолияти изларини яширишга имкон беради.

Руткитлар фақат ўзларинигина эмас, тизимга ўрнашган бошқа зарарли дастурий таъминотларни ҳам яширадilar. Яширинишдан мақсад антивирус ва бошқа ҳимоя дастурларига сездирмасдан бегона компьютерни эгаллаб олишдир. Hacker Defender туридаги руткитлар хакерларга брандмауэрни четлаб ўтиб, Интернетдаги яширин туйнуклар

орқали зарарланган компьютерни тўла бошқариш имконини беради. Руткитлар яратган бундай «яширин туйнук» орқали махфий маълумотларни (масалан, паролларни) қўлга киритиш ёки бошқа зарарловчи дастурий таъминотни тизимга киритиш мумкин.

Мутахассислар руткитлар билан курашда компьютерга GMER ва AVG Anti-Rootkit дастурларини ўрнатишни ва уларни кетма-кетликда ишлатишни маслаҳат беришади. Сўнгра компьютерни бирор антивирус, масалан, Kaspersky Internet Security дастурлар пакети билан текшириш таклиф этилади.

Спам – бу электрон почта орқали берухсат оммавий равишда жўнатилган, кўпинча реклама характеридаги хабарлардир. У бирор шахсга эмас, балки бир вақтнинг ўзида кўплаб, баъзида миллионлаб, фойдаланувчиларга юборилади. Спамни тарқатиш бирор товарни ёки хизматни реклама қилишнинг ёки ўз сайтига фойдаланувчиларни жалб этишнинг энг аъло усулидир. Чунки бундай усулдаги реклама арзон, ҳаммабоп ва оммавий ҳисобланади. Одатда, спам махсус дастурлар ёрдамида автоматик тарзда тарқатилади. Бир компьютердан миллионлаб хабарларни юбориш кўп вақтни талаб этиши ва фош бўлиш эҳтимоли жуда ҳам юқори бўлганлиги сабабли профессионал спамерлар рекламаларни ўз компьютерларидан жўнатмайдилар. Улар бу мақсадда бот-тармоқлардан фойдаланадилар. *Бот-тармоқ* бу компьютер эгасидан яширин равишда хабар жўнатувчи зарарли дастурий таъминот ўрнатилган Интернет фойдаланувчиларининг компьютерларидир.

Спамни аниқлашнинг бир неча усуллари мавжуд:

1. *IP-адрес бўйича*: спам Интернетга уланган компьютерлардан тарқатилганлиги сабабли уларнинг IP-адресларини аниқлаш мумкин. Агар хат спам манбаи бўлган компьютердан келса, у дарров филтрланади.

2. *Жўнатувчи манзили бўйича*. Спамни филтрлашда баъзи дастурлар жўнатувчи адресидан фойдаланадилар. Спамер ўз адресини осон ўзгартирганлиги сабабли бу усул ишончли эмас.

3. *Мазмуни бўйича*. Кўп ҳолларда хатнинг мазмуни унинг спам эканлигини кўрсатади. Спам-филтр хатнинг «Тема сообщения» қаторида ва асосий қисмида маълум калитли сўзлар (масалан, «Виагра»)нинг мавжудлигини қидиради. Бундай сўзлар кўп учраса, спам-филтр огоҳлантиради. Моҳир спамерлар филтрларни алдаб ўтиш учун типик калитли

сўзларни хато билан ёки хизмат символлари орқали ёзадилар ёки хатнинг асосий қисмига рекламали матнни ўзига жойлаштирган расми қўядилар.

4. *Филтрлаш рўйхати бўйича.* Спам-филтрларнинг «қора» рўйхатига спамни тавсифловчи аломатлар – калитли сўзлар, тарқатувчиларнинг IP-адреслари ва e-mail-адреслари киритилади. Спам-филтрнинг ишлаш принципи ва унинг созланишига қараб хатда қора рўйхатдаги аломатлар бўлса, бу хат йўқ қилинади ёки спам деб белгиланиб, махсус папкага жойлаштирилади.

«Компьютер-зомби»си – тармоқдаги компьютер бўлиб, компьютер эгасининг рухсатсиз бошқа шахс томонидан унинг компютеридан фойдаланилади (масалан, ёпиқ ёки тижорат тармоғига кириш, ҳисоблаш ресурсларидан фойдаланиш, спамни юбориш ва ҳ.к.). Фойдаланувчининг мақсадига ўхшаш мақсадга эришиш учун ҳам зомби-компютерлардан фойдаланилади.

Компьютер-зомбилар спамни тарқатиш бўйича энг самарали қурол ҳисобланади, чунки улар спам дунё трафигининг 50-80 фоизи учун масъул бўлади. Одатда, «зомбिला» троян дастури ёрдамида амалга оширилади.

Мантиқий бомба – зарарлашни амалга ошириш учун муайян вақтда ёки ахборот шартларида ишга тушадиган дастур (одатда, ахборотга рухсатсиз кириш, маълумотларни бузиш ёки йўқ қилиш). Вирус ёки қуртлар каби зарарловчи дастурлар олдиндан белгиланган вақтда ёки муайян шароитда ишга тушадиган мантиқий бомбаларни ўз ичига олади.

Мантиқий бомбаларга, одатда, фойдаланувчилар учун олдиндан умумлашмаган натижаларга олиб келадиган код киради. Шундай қилиб, муайян функционалликни ўчириш ёки белгиланган давр тугаганидан кейин шартли-бепул дастурлар ишининг тугаши мантиқий бомба бўлиб ҳисобланмайди.

Spyware (айғоқчилик дастурий таъминоти) – компьютернинг тузилиши, фойдаланувчининг фаолияти ва ихтиёрий махфий маълумотларни фойдаланувчининг рухсатсиз йиғувчи дастурий таъминотдир. *Spyware* кўп вазифаларни амалга ошириши мумкин, масалан:

- дастурий таъминотда фойдаланиладиган ва Интернетга кирадиган веб-сайтлар ҳақидаги маълумотларни йиғиш;
- клавиатура тугмалари босилишини эслаб қолиш ва экрандаги маълумотларни ёзиш;
- хавфсизлик тизими ҳолатининг таҳлилини ўтказиш.

Кейинчалик йиғилган барча ахборот айғоқчи дастурий таъминотни ишлаб чиқувчига жўнатилади. *Spyware*—дастурлардан муҳофаза қилишнинг самарали усули *AdBlock Plus* каби махсус филтрлардан фойдаланишдир.

Кейлоггер, кейлоггер – бу компьютер клавиатурасидаги тугмаларнинг босилишини рўйхатга олувчи дастурий таъминот ёки аппарат қурилма.

Аппарат кейлоггерлар клавиатура ва компьютер ўртасига ёки клавиатуранинг ўзига ўрнатилиши мумкин бўлган кичик ўлчамли қурилмадир. Улар клавиатурада амалга оширилган тугмаларнинг барча босилган ҳолатини рўйхатга олади. Рўйхатга олиш жараёни фойдаланувчи учун мулақо қўринмайди. Аппаратли кейлоггерлар тугманинг барча босилишини муваффақиятли ушлаб қолиш учун компьютерга алоҳида дастурни ўрнатиш талаб этмайди. Қурилманинг энергияга боғлиқ бўлмаган ички хотирасининг ҳажми 20 миллионгача тугманинг босилишини ёзиш имконини беради. Кейлоггерлардан ҳимояланишнинг оддий йўли компьютер тизимларини синчиклаб ташқи ва ички кўриқдан ўтказиш ҳамда виртуал клавиатурадан фойдаланишдир.

Порнодиалер – телефон қўнғироқлари учун ҳисобни бериш йўли билан пул ўғирланиши учун мўлжалланган зарарловчи дастур. Порнодиалерлар фақат оддий телефон модеми бўлганда ишлайди; агар модем ўчирилган ёки умуман бўлмаса, порнодиалер ҳеч қандай зиён келтириши мумкин эмас.

Ransomware – бу товламачи каби ишлайдиган зарарловчи дастурий таъминот ҳисобланади. Бундай дастур зарар кўрувчининг компютерига ўрнатилганидан кейин ишчи файлларнинг катта қисмини шифрлайди (масалан, кўп фойдаланиладиган файл кенгайтмалари барча файлларни). Бундай ҳолларда компьютер ишчи ҳолатида қолади, лекин фойдаланувчининг ишчи файлларига кириб бўлмайди. Ёвуз ниятлилар бу файлларни шифрдан очиш учун маблағ талаб қилади. Товламачи-дастурларга мисоллар: *Trojan-Rfnsom. Win32.Cryzip*, *Trojan-Rfnsom. Win32.Gpcode*, *Trojan-Rfnsom. Win32.Rector*. Бундай зарарловчи дастурлардан ҳимояланиш учун шахсий компьютерда вирусга қарши дастур мавжуд бўлиши, барча янги дастурларни ишлатишдан олдин вирусга қарши дастурда текшириш, вирусга қарши дастурлар ишлаб чиқарувчи компанияларнинг файлларни

шифрловчи дастурларга қарши утилитларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Adware – рекламани ўз ичига олган дастурий таъминот. *Adware* атамаси «зарарловчи дастурий таъминот» деб ҳам аталади. Унинг асосий мақсади, компьютернинг ишлаш жараёнида рекламани кўрсатишдан иборатдир. Бундай дастурлар *Spyware* айғоқчилик дастурлари каби амални бажаради ва у фойдаланувчининг компютерига рухсатсиз ўрнатилиши мумкин.

Ботнет – автоном дастурий таъминот ҳисобланган ботлар томонидан ишга туширилган, бирор сондаги хостлардан ташкил топган компьютер тармоғи. Кўп ҳолларда ботнет таркибидаги бот зарар кўрувчининг компютерига яширин ҳолда ўрнатиладиган ва ғараз ниятларга зарарланган компьютер манбаларидан фойдаланган ҳолда ҳар қандай амалларни бажариш имконини берувчи дастур бўлиб ҳисобланади.

Қалбаки антивируслар – зарарловчи дастурий таъминотни зарарсизлантирувчи қилиб кўрсатадиган ёки ҳақиқатдан ҳам зарарловчи дастурий таъминотни ўчириб, ўрнига ўзининг зарарловчи дастурини ўрнатадиган компьютер дастури. Бундай дастурларга ҳақиқий вирусга қарши дастурларники каби ном берилади.

Фишинг – ҳозирги кунда Интернет-товламачилигининг кенг тарқалган ҳужум тури ҳисобланади. Фишинг сўзининг маъноси балиқ

овлаш санаътини англатади, яъни Интернет кенг океан бўлса ундан маълумотларни овлаш маъносида. Унинг мақсади фойдаланувчиларнинг махфий маълумотлари ҳисобланган – логин ва паролларига киришдир. Бунга машҳур брендлар номидан электрон хатларни оммавий жўнатиш орқали эришилади. Шунингдек турли серверлар ичидаги шахсий хабарларни, масалан, банклар, сервислар (*Rambler*, *Mail.ru*) ёки ижтимоий тармоқлар ичидаги (*Facebook*, *ВКонтакте*, *Одноклассники.ru*) шахсий хабарларни жўнатиш йўли билан эришилади. Фишинг тармоқдан фойдаланувчиларнинг оддий тармоқ хавфсизлигини билмаслигининг бир кўринишидир.

Ривожланиб бораётган республикамызда компьютерлаштириш, тармоқ технологияларидан кенг фойдаланиш жараёни кенгайиб борар экан, унда ўз манфаатлари йўлида компьютер жиноятларини содир этувчи шахсларнинг имкониятлари, зарарловчи дастурларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли ҳам ортиб бораверади. Шу сабабли бундай турдаги жиноятларнинг олдини олиш ва фош этиш имкониятларини ҳам такомиллаштириб бориш, мазкур жиноятчиликка қарши оммавий тарғибот ишларини кучайтириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг компьютер саводхонлигини тўхтовсиз ошириб бориш, зарарловчи дастурлардан ҳимояланиш чораларини билиш долзарб вазифалардан биридир.

¹ Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // *O'zbekiston ovozi*. — 2013.— 19 янв.

Таянч иборалар: компьютер жиноятчилиги, зарарловчи дастурлар, ботнет, фишинг, дастурий таъминот, компьютер жиноятчилигига қарши кураш усуллари.

Ушбу мақолада компьютер жиноятчилиги, унинг олдини олиш ва очишдаги вазифалар, компьютер техникасидан фойдаланиб содир этилиши мумкин бўлган жиноятлар, зарарловчи дастурлар ва уларнинг айрим турлари ҳамда улардан ҳимояланиш усуллари келтирилади.

Key words: computer crime, malicious software, botnet, fishing, software, methods of fighting against computer crime.

The article deals with the problems of fighting against computer crime and the measures for prevention and detection of this type of crime. The author proposes the ways of protection against computer-based crime and some types of malicious software.

Ключевые слова: компьютерная преступность, вредоносные программы, ботнет, фишинг, программное обеспечение, методы борьбы против компьютерных преступлений.

В данной статье рассмотрены вопросы компьютерных преступлений, способы их раскрытия, методы борьбы против компьютерных преступлений, совершаемых с использованием компьютерной техники, некоторые виды вредоносных программ и способы защиты от них.

Н. П. Азизов*

ТУРКИСТОН СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ ДАСТУРЛАРИДА ҲОКИМИЯТ МАСАЛАСИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Сиёсий партияларни ташкил этишнинг пировард негизида ҳокимият масаласи туради. Партиялар ўзларининг табиати, келиб чиқиши, ташкилотчиларининг дунёқараши, қандай гуруҳ, табақаларнинг манфаатини ифода этишига мос ҳолда сиёсий ҳокимиятга муносабатини билдирган ва шу асосда фаолият юритган. Шу сабабли XX аср бошларида Туркистонда фаолият кўрсатган партияларнинг асосий мақсадини давлат ҳокимиятига даъвогарлик масаласи ташкил этган.

Таъкидлаш жоизки, XX аср бошларида Россия, шу жумладан Туркистонда фаолият кўрсатган партиялар маҳаллий аҳоли томонидан бирдек қабул қилинмаган. Маҳмудхўжа Бехбудий томонидан 1906 йил 10 октябрда «Хуршид» газетасининг 6-сонида нашр этилган «Хайрул умуру авсатаҳо» (Ишларнинг яхшиси ўртачасидур) мақоласида сиёсий партияларнинг таснифи, уларга нисбатан аҳолининг муносабати масаласи ўз ифодасини топган. Унда мавжуд сиёсий партиялар қуйидагича таснифланади: *биринчиси*, мустабид фирқаси (ҳукумат партияси); *иккинчиси*, маршрутаи авомия (кадетлар партияси); *учинчиси*, иштирокиюни оммавиюн (социал-демократлар партияси); *тўртинчиси*, Русия мусулмонлари иттифоқи.

У социал-демократлар партияси ва улар томонидан тарғиб этилаётган таълимотларни шароитга зид, ҳаёлий, мусулмон оммаси учун зарarli эканлигини таъкидлайди. Конституцион демократлар партияси илгари сураётган ғояларни маъқуллайди¹.

Шу боис Русия мусулмонларининг 1905 йилда Нижний Новгородда бўлиб ўтган I съездида кадетлар партиясига қўшилиш таклифи илгари сурилади. Унинг 1906 йил 13–23 январда Петербургдаги II съездида бу қарор тасдиқланади.

Партиялар дастурларининг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳокимият хусусида улар баъзан ўзаро яқин, баъзан бир-бирига мутлақо зид нуқтаи-назарга эга бўлганлар. Уша давр партияларининг ҳокимият тўғрисидаги ғояларини умумлаштирган ҳолда уларни қуйидагича таснифлаш мумкин: *биринчиси*, мавжуд ҳокимиятни мустақамлаш, ҳар қандай ўзгариш, тараққиётни қабул қилмаслик йўлини

тутган партиялар (монархистлар); *иккинчиси*, давлат ҳокимиятини демократик ислоҳ этиш, тадрижий тараққиёт йўлини тарғиб этувчи партиялар (конституцион-демократлар, «Шўрои Исломия», «Алаш Урда», «Иттифоқ»); *учинчиси*, қонуний ҳокимиятни қуролли қўзғолон йўли билан ағдариб ташлаб, ўзларининг идеалидаги давлат барпо этишни кўзлаган партиялар (социал-демократлар ва социал-инқилобчилар).

1905 йил 17 октябрь Манифестидан сўнг монархистлар партияси расмий ҳокимиятдан ҳам кўра консерватив тарзда, мутлақ чор ҳокимиятини сақлаб қолиш, Давлат думасининг аҳамиятини инкор этиш йўлидан бордилар. Бу ташкилот дастурининг негизини чор ҳокимиятини мустақамлаш, христианликни тарғиб этиш, миллатчилик ғоялари ташкил этган.

Монархик партиялар дастурларидаги ўхшаш ҳолат шундан иборатки, улар Давлат думасининг қонунчилик ролини инкор этиш ҳамда подшонинг мутлақ ҳокимиятини бирор-бир тарзда чеклашга тўсқинлик қилиш йўлини тутганлар. Мазкур ҳаракатларнинг ғоявий асосчилари ҳокимият тепасида турган консерватив кучларни қўллаб-қувватлашга, Россия ҳамда Туркистонда бошланган сиёсий жараёнларга тўғаноқ бўлишга ҳаракат қилганлар².

«Московские ведомости» газетасининг редактори В.А. Грингмут томонидан тузилган «Рус монархик партияси» ўта ўнғ оқимни ташкил этган. Мазкур партиянинг дастлабки дастурида сайланма вакиллик тўлиқ рад этилган. Унга кўра, бу рус подшосининг мутлақ ҳокимиятига катта ҳавф солади. Чунки бу ҳокимият душманлари, Давлат думаси ёрдамида подшо ваколатларини чеклашга интилади. Давлат думасининг конституциявий парламентга айлантирилиши ҳукмдорнинг парламент қарорларига сўзсиз бўйсунушига олиб келади.

Монархистлар фақат қонунчилик маслаҳати ваколатига эга бўлган Давлат Кенгашининг тузилишини ёқлаб чиқадилар. Давлат Кенгаши аъзолари ҳукмдор томонидан, унга содиқ бўлган шахслардан тайинланади. Ҳал қилувчи қарор подшо томонидан қабул қилинади.

Давлат ҳокимиятини демократик тарзда ислоҳ этиш ва жамиятнинг тадрижий тарақ-

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедраси бошлиғининг ўринбосари, юридик фанлар номзоди, доцент.

қиётини таъминлашни тарғиб этувчи партиялар кўпчиликни ташкил этган. Улар сирасига конституцион-демократлар, «17 октябрь иттифоқи», «Шўрои исломия», «Шўрои уламо», «Турк Адами Марказият», «Алаш Ҳурда» партияларини киритиш мумкин.

Конституцион-демократлар партиясининг 1905 йил 12–18 октябрида қабул қилинган дастурида давлат ҳокимияти масаласи муҳим ўрин эгаллайди. Унда Россия давлатининг конституциявий тузилиши Асосий қонун билан белгиланиши қайд этилган. Давлат бошқаруви бўйича монархия ёки республика шакллари масаласи олдиндан ҳал этилмаган. Лекин партиянинг II съездида давлат тузуми тўғрисидаги қоида қуйидаги тарзда ўзгартирилган: «Россия конституциявий ва парламентар монархия бўлиши лозим»³.

Мазкур банд шу кўринишда 1917 йилнинг мартигача, яъни конституцион-демократик партиянинг VII съезди, Россияда республика тузумини жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилинганига қадар, ўзгаришсиз қолган.

Халқ вакиллари тўғрисидаги масалада партия дастурида бир тўхтама келинмаган. Дастурда, халқ вакиллари диний эътиқоди, миллати ва жинсидан қатъи назар умумий тенг, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш йўли билан сайланиши, шу билан бирга халқ вакилликни ташкил этиш масаласида, партия аъзолари орасида турли фикр мавжудлигига йўл қўйилиши таъкидланади. Халқ вакиллиги бир ёки икки палатали шаклда бўлиб, улардан иккинчиси маҳаллий ўзини ўзи бошқариш вакилларидан иборат бўлади. Халқ вакиллиги қонунчилик ҳокимиятини амалга оширишда, давлат даромадлари ва харажатларини белгилашда, қонунийлик устидан, олий ҳамда қуйи маъмурият фаолиятининг мақсадга мувофиқлигини назорат қилишда иштирок этади.

Халқ вакиллари томонидан маъқулланмаган бирор-бир қарор, фармойиш, фармон, буйруқ ва шу каби ҳужжатлар, у нима деб аталиши ва ким томонидан қабул қилинишидан қатъи назар қонуний кучга эга бўлмайди⁴.

Конституцион-демократлар ҳокимиятнинг тақсимланиш ғоясини ёқлаб чиққанлар. Дастурда вазир(министр)лар халқ вакиллари йиғини олдида жавоб бериши мустаҳкамланган. Лекин амалда вазирлар фақат подшо олдида жавоб берганлар, унинг томонидан тайинланганлар ва лавозимдан озод этилганлар.

Конституцион-демократик партияси дастури таҳлили шуни кўрсатадики, унда либерализм таълимоти тўлиқроқ ўз ифодасини топган. Кадетлар учун эски давлат ҳокимиятини ислоҳ этиш асос бўлиб хизмат қилган. Улар ҳар қандай тўнтариш, зўрлик ишлатишларга қарши чиққанлар. Ўз дастурий ғояларини қонуний, парламент воситасида амалга ошириш мумкин, деб ҳисоблаганлар. Кадет-

ларнинг сиёсий идеали жуда кенг фуқаролик ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлган Европа конституциявий давлатларига ўхшаш равишда тузилган ҳуқуқий давлат ҳисобланган⁵.

«17 октябрь иттифоқи» партияси дастурида халқни подшо розилиги билан давлат бошқарувида кенг жалб этишга, фаол қатнашишга имкон яратиш лозимлиги кўрсатилади. Унга кўра, халқ вакилларининг кенг оммага таянганлиги, умум эҳтиёжини яқиндан билишга, қонунчилик ишларини амалга оширишда ва мамлакат бошқарувида кўмак беради. 17 октябрь манифести тўғрисида халқ сиёсий жиҳатдан эркин бўлади, давлат эса ҳуқуқий давлатга айланади, конституциявий монархия жорий этилади⁶.

Монархия тузуми халқни бирлаштиради. Ворислик тариқасида авлоддан-авлодга ўтади. Монархия беҳисоб хусусий ва маҳаллий манфаатлар, турли синфлар, табақа, миллат, партияларнинг бир ёқлама мақсадидан устун туриб, сиёсий, миллий ва ижтимоий курашда мувофиқлаштирувчи аҳамият касб этади. Подшонинг халқ билан баҳамжиҳатлиги орқали жамиятга тинчликни тақдим этадиган, ўзига ишонган ҳокимият тузилиши мумкин⁷.

Туркистон миллий партияларининг ҳокимият тўғрисидаги ғоялари тадрижий тараққиёт этиб борган. Улар дастлаб, Туркистон ўлкасини ташкил этган ҳудудларга Россия давлати таркибида ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини қўлга киритишни муҳим деб билганлар. Туркистон жадидларининг 1916 йилги кўзғолонга салбий муносабатда бўлишининг асосий сабаби шундаки, улар мустақилликни тинч, яъни тепадан босқичма-босқич ислохотлар ўтказиш йўли билан қўлга киритишни афзал кўрганлар.

Проф. Ж.У.Тошқулов тўғри таъкидлаганидек, бу даврда жадидлар Туркистонни Россиядан ажратиш вазифасини қўймаганлар. Балки, ўзларининг конституциявий монархияни қўллаш ғояларидан тўлиқ воз кечганлар ҳамда Туркистонга Россия Федератив Демократик Республикаси доирасида миллий-худудий мухторият берилишини ёқлаб чиққанлар⁸.

Жумладан, «Туркистон ўлкасининг бўлажак сиёсий тузилиши тўғрисида Ўлка мусулмонлари съезди резолюцияси»да қуйидагилар таъкидланган: «Сирдарё, Самарқанд, Фарғона ва Каспий орти вилоятлари, мазкур вилоятларда яшаётган барча халқларнинг миллий-маданий ўз тақдирини ўзи белгилаш асосида ташкил этилган, «Туркистон Федератив Республикаси» номи билан Россия Республикаси таркибига алоҳида худудий автоном федерацияси сифатида кириши керак»⁹.

Мазкур резолюцияда бошқа сиёсий партиялардан фарқ қилган ҳолда алоҳида бир синф ёки табақа вакилларини эмас, балки ўлкада яшаётган барча миллат, элат ва халқларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган

олий ҳокимиятни ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Унга кўра, Туркистон Федерациясининг ички бошқаруви ва ўзини ўзи бошқариш масалалари бўйича олий ҳокимияти ўлкада яшаётган барча халқлардан пропорционал вакиллик асосида умумий, тенг, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланадиган Туркистон парламентиға тегишли бўлиши керак.

«Турк Федералистлар партияси» дастурида ҳам шунга ўхшаш ғоя илгари сурилган. Унга кўра, а) умуман Россияда миллий-худудий-федератив асосларда демократик республикани ташкил этиш; б) Озарбайжон, Туркистон, Қирғизистон ва Бошқирдистонға худудий автономия берилиши; в) Волга бўйи ва қрим татарларига ҳамда турк халқларига миллий автономия берилишиға эришиш партиянинг сиёсий вазифалари бўлиб ҳисобланади. Партия автономияға эришиш учун барча мусулмон халқларига ва турк бўлмаган (тоғлиқлар, қурдлар, ажар ва бошқа) халқларға бу ишда кўмаклашади.

Ҳар бир автоном худуднинг қонун чиқарувчи мажлиси, шунингдек маҳаллий ҳокимият органлари 20 ёшға тўлган барча эркак ва аёллар томонидан тенг, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш ҳуқуқи асосида ўтказиладиган сайловлар орқали ташкил этилади. Автоном бирлиқлар Россиянинг ажралмас федератив таркибий қисми ҳисобланиб, мудофаа, ташқи сиёсат, молиявий тизим ва божхона вазифаларини биргалиқда ҳал этади. Улар ўз ички (маъмурий, қонун чиқариш, молия-ҳўжалиқ, маданий ва суд ишлари) масалаларини олиб боришда мустақилдирлар.

«Алаш Ўрда» партияси дастурида ҳам ҳокимият масаласи алоҳида ўрин эгаллайди. Унда Россия демократик федератив республика бўлиши, ҳар бир алоҳида давлат федератив республикада мухтор ҳисобланиши, ҳукуматни Таъсис мажлиси бошқариши белгиланган. Мажлислар орасидаги даврда, давлатни Таъсис мажлиси ва Давлат думаси томонидан маълум муддатға сайланган президент бошқаради. Президент ўзини сайлаган органлар олдида маъсул ҳисобланган. Қонун чиқарувчи ҳокимият фақат Давлат думасиға тегишли, шунингдек унга ҳукумат устидан назорат қилиш ҳуқуқи ҳам берилган.

Октябрь тўнтариши натижасида Россия ва Туркистонда ҳокимиятнинг большевиклар томонидан зўрлик билан эгалланиши, миллий сиёсий партияларнинг ўз тактикаларини ўзгартиришға мажбур қилди. «Марказий Шўрои Исломия» ташаббуси билан 1917 йилнинг 26 ноябрида Туркистон ўлкаси мусулмонларининг IV қурултойи Қўқон шаҳрида ўз ишини бошлади. Унда Туркистон ўлкасининг барча минтақаларидан ва турли ташкилотлардан жамиятнинг алоҳида табақалари манфаатларини, иродасини акс

этирувчи турли миллатлар вакиллари қатнашдилар. «Шўрои исломия», «Шўрои уламо», мусулмон ҳарбийлари кенгаши ва бошқалар шулар жумласидандир. Делегатлар келишиб бўлажак давлатни «Туркистон мухторияти» деб аташға қарор қилдилар. Бутун ўлка Таъсис мажлисида узил-кесил давлат ташкил этилиши таъкидланиб, Муваққат кенгаш тузилди.

Қурултой томонидан ишлаб чиқилган резолюцияда Туркистон ўлкасида яшовчи барча миллатларнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқи белгиланиб, Туркистон – Россия федератив-демократик республикаси таркибидаги худудий-мухтор республика деб эълон қилинган. Таъсис мажлисиға Туркистон мухторияти шаклини белгилаш ҳуқуқи берилган. Ўлкани бошқариш ва унинг тузилиши бўйича қуйидагилар таклиф этилган: *биринчидан*, мухториятнинг олий органи – Туркистон Халқ (Миллий) Мажлиси ҳисобланган; *иккинчидан*, Таъсис мажлисиға сайловнинг ўзига хос (пропорционал) алоҳида тизимини йўлга қўйиш; *учинчидан*, мухториятнинг олий органларига Россия вакиллари ва аксинча, Россия олий органларига мухторият вакилларидан киритиш ҳамда Туркистон Мухторияти қонунлари Россия Федерацияси қонунлари ҳамда шариат нормалари асосида қабул қилиниши таклиф этилган; *тўртинчидан*, Туркистон Мухторияти ўзининг қуролли кучлари, милицияси, прокуратурасиға эга бўлиши, ташқи тажовуз содир бўлган тақдирда ўз-ўзидан Россия ҳарбий қўмондонлиги ихтиёриға ўтиш ва бошқалар.

Ўзбек халқининг мустақиллик учун кураши тарихида 1918 йилдан 1930 йилларнинг боширигача давом этган миллий озодлик ҳаракати алоҳида ўрин тутди. Мазкур ҳаракат жараёнида қатор ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, булар орасида 1922 йилнинг 15–20 апрелида миллий-озодлик ҳаракати вакиллари иштирокида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Туркистон мусулмонларининг иккинчи қурултойи томонидан тасдиқланган 36 моддадан иборат бўлажак мустақил Туркистон Республикасининг вақтинчалик Конституцияси – *Низомнома* катта эътиборға моликдир.

Ундаги бош масала – бу ўлкада большевиклар ҳукмронлигиға барҳам берилганидан сўнг мустақил Турк ислом республикасини ташкил қилиш эди. Низомноманинг умумий мазмунидан келиб чиқиб шуни қайд этиш жоизки, бу давлат бошқарув шаклиға кўра президентлик, давлат тузилиш шакли бўйича унитар, сиёсий режим нуқтаи назаридан демократик республика бўлиши керак эди.

Ҳокимиятни қуруллой кўзғолон ёрдами билан ағдариб ташлаб, синфий асосда давлат барпо этишни кўзлаган социал-демократларнинг ғоялари ўзгариб борган. Социал-демократлар партиясининг асосий мақсади

мавжуд ҳокимиятни ағдариб ташлаш ва унинг ўрнига «пролетариат диктатураси»ни ўрнатишдан иборат бўлган. «Пролетариат диктатураси» тўғрисидаги ғоя ҳам дарҳол илгари сурилмаган. 1847 йилда қабул қилинган «Коммунистик партия Манифести»да таъкидланганидек, ишчилар инқилобининг биринчи қадами – бу пролетариатнинг ҳукмрон синф даражасига кўтарилиши, демократияни қўлга киритишдан иборат.

Улар жамиятни икки душман синф, табақага – эзувчи ва эзилувчи, эксплуататор ва эксплуатация қилинувчиларга ажратадилар. Уларнинг фикрича, бу зиддият абадий бўлган ва хусусий мулк мавжуд экан, бу давом этади. Коммунистларнинг энг яқин вазибалари, пролетариатни синф сифатида шакллантириш, буржуазия ҳукмронлигини ағдариб ташлаш, пролетариат томонидан ҳокимиятнинг эгалланиши ҳисобланади¹⁰.

Коммунистлар ҳокимият доимий эмас, синфлар мавжуд бўлгандагина амал қилиб, тарихий тараққиёт давомида синфларнинг йўқолиши билан ҳокимият ҳам йўқ бўлади, дея таъкидлайдилар. «Тараққиёт давомида синфий фарқлар йўқолиб боради. Барча ишлаб чиқариш воситалари шахслар уюшмалари кўлида тўпланганда, ҳокимият ўзининг сиёсий характери ни йўқотади. Сиёсий ҳокимият том маънода – бу бир синфнинг бошқа синфни эзиш учун ташкилий зўрликдир. Агар пролетариат буржуазияга қарши курашда синфга уюшса, агар у инқилоб орқали ҳукмрон синфга айланса ва ҳукмрон синф сифатида эски ишлаб чиқариш муносабатларини йўқ қилса, у эски ишлаб чиқариш муносабатлари билан биргаликда синфий зиддиятларни, шу билан бирга синф сифатида ўзининг ҳукмронлигини ҳам бартараф этади. Ўзининг синфлари ва синфий зиддиятлари билан эски буржуа жамияти ўрнига, ҳар бир кишининг эркин ривожланиши, барчанин эркин ривожланишига олиб келадиган уюшма вужудга келади»¹¹.

Собиқ коммунистик партиянинг мазкур ғоялари кишилик жамияти тараққиёти, инсон табиати га зид бўлганлигини, унинг қисқа муддатли ҳукмронлиги ёрқин кўрсатиб берди. Коммунистик партия ёлғон ғоялар билан мавжуд давлат ҳокимиятини ағдариб ташлаш, «пролетариат диктатураси» деб аталувчи якка партия ҳукмронлигини ўрнатишга эришди.

Социал-демократик ҳаракатнинг сўл қаноти ҳисобланган меньшевиклар оқими 1903 йил ёзида бўлиб ўтган РСДРПнинг II съездида рус марксистларидан ажралиб кетиши натижасида вужудга келган. Меньшевик ва большевикларнинг ғоявий негизини жамиятнинг синфларга бўлиниши, синфий кураш ташкил этса-да, ҳокимият масаласида бир-биридан фарқ қилувчи нуқтаи назарни ёқлаб чиққанлар.

РСДРПнинг II съездида қабул қилинган

дастурда инқилобий йўл билан капитализмдан социализмга ўтиш, жамиятнинг синфларга бўлинишини йўқ қилиш, инсонни инсон томонидан эксплуатация қилинишига барҳам бериш кўзда тутилади. Социализмга ўтиш пролетар инқилоби ва пролетариат диктатурасини ўрнатишдан бошланади. Уларнинг фикрича, пролетариатнинг мутлақ ҳокимияти шакли тарихий саҳнадан кетаётган эксплуататорлар синфларининг қаршилигини енгиш учун зарур бўлади. Бу РСДРПнинг программа-максимуми бўлиб, бунга қадар программа-минимумни ҳал этиш керак бўлган. Россияда демократик республика ўрнатишга эришишда, крепостной тузум қолдиқларини йўқ қилишдан иборат бўлган программа-минимумни амалга ошириш лозим.

Меньшевиклар стратегияси ва тактикаси негизини қуйидаги асосий принциплар ташкил этган: *биринчидан*, марксистик ишчилар партияси ўз олдида фақат ҳал этилиши объектив пишиб етилган амалий вазибаларни қўяди, шунинг учун олдиндан ҳокимиятни эгаллаб олишга ёки мазкур фаолиятда иштирок этишга интилмади; *иккинчидан*, Россияда социалистик инқилоб жуда узоқ келажакда рўй бериши ва фақат Ғарб пролетариатининг ғалабаси билан тезлашиши мумкин; *учинчидан*, чор ҳукумати билан кураш либерал буржуазиянинг ҳам умуммиллий фронтда иштирокини тақозо этади; *тўртинчидан*, деҳқонлар ўзларининг хусусий мулкчилиги табиати билан нафақат социалистик, балки демократик инқилобда ҳам пролетариатнинг узоқ муддатли иттифоқдоши бўла олмайди. Лекин чор ҳукумати тузумини тубдан емиришда катта ҳисса қўшиши мумкин; *бешинчидан*, ишчилар синфи инқилобнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи, ташаббускори, жамиятнинг бошқа демократик табақалари учун намуна бўлади; *олтинчидан*, партия тактикаси мамлакат сиёсий шарт-шароитига нисбатан мослашади. Курашнинг барча шакллари, жумладан зўрликни ҳам қўллашни назарда тутди. Шу билан бирга, Давлат думаси, касаба уюшмалари, уюшмалар фаолиятида иштирок этиш устувор саналади. Ахлоқий нуқтаи назардан инқилоб эҳтиёжлари учун маблағларни ўзлаштириш ва сиёсий террорга йўл қўйиб бўлмайди¹².

Мавжуд ҳокимиятни инқилоб йўли билан ағдариб ташлашни тарғиб этган сиёсий партиялардан яна бири социал-инқилобчилар (эсерлар) партиясидир. Уларнинг фикрича, давлат ҳокимияти меҳнаткашларни эксплуатация қилишда мулкдорларга шароит яратади. Шунинг учун социалистик инқилоб орқали ҳокимиятни ағдариб ташлаш лозим.

Эсерларнинг баъзи ҳужжатларида, жумладан 1908 йилда бўлиб ўтган I конференция резолюцияларида таъкидланишича, социалист-инқилобчилар ўз дастурларида ишчилар

синфи ва деҳқонлар иттифоқи ғоясини мужас-самлаштирганлар¹³.

Улар пролетариатнинг инқилобга йўлбошчи бўлиши ғоясини қатъий рад этадилар. Айниқса, пролетариат диктатураси ғоясига қарши чиқадилар. Социалист-инқилобчиларнинг тактик вазибалари қуйидагилардан иборат бўлган: меҳнаткашлар ва эксплуатация қилинувчи аҳолининг ҳамма қатлами ўзини ягона ишчи синфи деб англаб етиши, ўзининг синфий бирдамлигини эркинликка эришишнинг кафили деб билиши, ташкилий режали кураш йўли билан ижтимоий-инқилобий тўнтаришни амалга ошириш.

Дастурда қуйидаги ғоялар илгари сурилган: барча ижтимоий муассасаларни эксплуататор синфлар ҳокимиятига қарамликдан озод қилиш; табиий неъматлар ва ишлаб чиқаришга бўлган хусусий мулкчилик билан бир қаторда жамиятни синфларга бўлинишини йўқ қилиш; замонавий ижтимоий муассасаларнинг

маданий функцияларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш, яъни умум манфаати учун умумий меҳнатни режали ташкил этиб, синфий мажбурлаш-репрессив характерини йўқотиш¹⁴.

Социалист-революционерлар ҳокимият, уни қўлга киритиш масаласида ўзларининг ҳаммаслақлари бўлган социал-демократлардан кўп фарқ қилмаган ғояларни илгари сурганлар. Улар жамиятнинг тадрижий тараққиётини рад этиб, тўнтаришлар орқали ўз идеалларидаги ҳокимиятни барпо этиш мумкин деб биладилар.

Шундай қилиб, XX аср бошларида, Туркистонда давлат ҳокимиятининг моҳияти, ҳокимиятни эгаллаш воситалари, уни ташкил этиш масалаларида турли-туман ғоя ва мақсадларни илгари сурган сиёсий партиялар фаолият кўрсатиб, улар ўртасидаги аёвсиз кураш Туркистон халқларининг кейинги тараққиётига катта туртки бўлди.

¹ Қаранг: *Пясковский А.А.* Революция 1905-1907 годов в Туркестане. – М., 1958. – С.544; 559; *Маҳмудхўжа Б.* Танланган асарлар / Нашрга тайёрловчи, тўпловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Б.Қосимов. – Т., 1997. – Б.19.

² Қаранг: Полный сборник платформ всех русских политических партий. С приложением высочайшего манифеста 17 октября 1905 г. и всеподданнейшего доклада графа Витте. – СПб., 1906. – 130 с. Репринт: М., 2001. – С.125.

³ Қаранг: Постановление второго съезда Конституционно-демократической партии (5-11 января 1906 года) // *Первый штурм* / Сост. предисл., вступ. статьи к документам и коммент. К.Ф.Шаццлло. – М., 1990. – С.478.

⁴ Қаранг: Полный сборник платформ всех русских политических партий. – С.58.

⁵ Қаранг: *Стеланов С.А.* Кадеты (конституционно-демократическая партия) // *Вестник Российского университета дружбы народов.* Серия: Политология. – 2006. – №8. – С.80.

⁶ Қаранг: Полный сборник платформ всех русских политических партий. – С.91.

⁷ Қаранг: Ўша асар. – С.94.

⁸ Қаранг: *Ташкулов Дж.* Правовое государство – независимость, нация, экономика, идеология, политика. Т.4. – Т., 1994. – С.148.

⁹ К автономии Туркестана // *Туркестанский курьер.* – 1917. – 11 нояб.

¹⁰ Ўша асар. – С.12.

¹¹ Ўша асар. – С.17.

¹² Қаранг: *Тютюкин С.В.* Большевики // *Политические партии России: история и современность.* – М., 2000. – С.233.

¹³ Қаранг: Протоколы заседаний ЦК партии социалистов-революционеров (июнь 1917 – март 1918 г.) С комментариями В.М.Чернова // *Вопросы истории.* – 2000. – №7. – С. 117.

¹⁴ Қаранг: Программа социалистов-революционеров // *Полный сборник платформ всех русских политических партий.* – С.20.

Таянч иборалар: Туркистон сиёсий партиялари, сиёсий дастурлар, ҳокимият, давлат ҳокимиятини ислоҳ этиш.

Мақолада XX аср бошларида Туркистонда фаолият кўрсатган сиёсий партиялар дастурларида давлат ҳокимияти масаласининг ифодаланиши, партиялар ғояларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари таҳлил этилган.

Key words: political parties of Turkestan, political programs, authority, state authority reforms.

The article deals with the analysis of reflection of the issues of state authority in the programs of political parties of Turkestan in the beginning of XX century and the similarities and differences of conceptions proposed by political trends.

Ключевые слова: политические партии Туркестана, политические программы, власть, реформы государственной власти.

В статье анализируется отражение вопросов государственной власти в программных документах политических партий Туркестана в начале XX века, а также сходство и различие идей, выдвигаемых политическими течениями.

МАЪРИФАТПАРВАР МУТАФАККИРЛАРНИНГ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ФИКРЛАРИ

Мамлакатимизнинг Асосий қонуни муқаддимасида халқнинг демократия ва ижтимоий адолат, инсон ҳуқуқларига бўлган садоқати, эътиқоди мустаҳкамлаб қўйилган. Зеро, «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади» (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 13-м.). Президент Ислом Каримовнинг «Юксак ҳуқуқий тафаккур – демократик жамият тақозоси» номли маърузасида таъкидланганидек, «таъбир жоиз бўлса, энг муҳим субъект – инсоннинг ҳуқуқини таъминлаш бутун дунёда долзарб ва мураккаб муаммо, ҳар бир давлатнинг муқаддас вазифаси бўлиб келган»¹.

Профессор Ҳ.Т. Одилқориевнинг фикрига кўра, ҳуқуқнинг қадр-қиммати унинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари мезонини белгилашида, ижтимоий адолатни таъминлашнинг самарали воситаси сифатида майдонга чиқишида, фуқароларнинг, бутун жамиятнинг илғор ижобий талаб-эҳтиёжларини ва манфаатларини қондиришга хизмат қилишида намоён бўлади².

Дарҳақиқат, инсон ҳуқуқлари – энг олий қадрият, айна чоғда бетакрор ижтимоий воқелик. Улуғ бобокалонларимиз ҳам ўз даврида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, хусусан, хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, уларни таъминлаш ҳақида долзарб муаммоларни илгари сурган ҳолда қимматли фикрлар қолдирганлар.

Таъкидлаш жоизки, дунёдаги энг қадимий ва беназир билимлар хазинаси бўлган «Авесто»да аёлларнинг юксак эҳтиромга лойиқлиги мадҳ этилган: «Эй, Аҳура Мазда! Аёлларни мадҳ этамиз. Улар сенингдир ва энг олий Ашаҳ – Ҳақиқатдан огоҳдирлар»³. Муқаддас китобимиз Қуръони Каримда ҳам шундай оят нозилдир: «Аёлларга яхши муомалада бўлинглар» (Нисо сураси, 128-оят).

Маърифатпарвар мутафаккир Абдурауф Фитрат «Оила» асарида зикр қилишича, эр ва

хотин бир-бирларига одобсизлик ва ҳурматсизлик билан муносабатда бўлмасликлари керак. Агар аёл ўз эридан ҳурмат ва меҳр кўрмаса, унга муҳаббат ва кўнгил ҳам қўймайди. Бу шартларга, кўпинча эркаклар қарши чиқадилар, ўз аёлларига одобсизлик ва ҳурматсизлик билан муносабатда бўладилар. Шунинг учун ҳам ислом дини кўпроқ эркакларга мурожаат қилиб оилада муомала ва муносабат хусусида уларга таълим беради.

Абдурауф Фитрат эркаклар аёлларни ҳурмат қилишлари ва хушмуомалада бўлишларини алоҳида таъкидлаб, бу тўғрида Муҳаммад Пайғамбар ҳадисларидан намуналар келтиради: «Сизлардан энг яхшиларингиз ўз аҳли аёли билан яхши муомала қилган кишидир. Мен ўз аёлларимга сизларга бўлганимдан ҳам кўра хушмуомаладаман», «Энг комил мўминлар хушхулқ ва оиласи билан лутф ила муносабат қиладиганлардир. Ўз хотинларига танти киши яхшилик қилади ва номарди ёмонлик», «Аллоҳ бандалари бўлмиш аёлларни урманглар».

Хотин-қизлар ҳаққига яхшилик қилишнинг ташвиқ ва тарғиботига мана шу ҳадислар кифоя қилади, дейди Фитрат. Бу борадаги қарашларини у ҳазрати ибн Умар ҳикояти мисоли билан ҳам исботлашга ҳаракат қилади: Ибн Умар ривоят қиладилар: «Ҳазрат Усмон никоҳида бўлган Пайғамбарнинг бир қизи Бадр уруши вақтида касал эди. Шу сабаб билан ҳазрати Усмон ғазотга бормадилар. Ҳазрати Пайғамбар буни эшитиб дедилар: «Эй Усмон, сенга ҳам Бадр урушига иштирок этганлар қатори ғанимат ва ўлжа берилади»⁴. Демак, асҳобларнинг сардорларидан бўлган Усмон хотинининг хасталигидан мусулмонларнинг биринчи ғазотидан қолди, лекин ғазотнинг савоби ва ғаниматидан бир ғозий сифатида баҳраманд бўлди. Аёллар ҳаққига яхшилик қилишнинг даражаси бундан ҳам юқори бўладими? – деб ёзади Фитрат. Бир сўз билан айтганда, Фитрат дунёқараши ва илмий фаолияти ҳам ислом маънавияти билан муштаракдир. Бироқ, Фитрат ислом маъна-

* Бухоро давлат университетининг доценти, юридик фанлар номзоди.

вияти, яъни илоҳиёт илмидаги шундай нуқталарни топиб таҳлил ва татбиқ этадики, уларда дин билан дунёвийлик ўзаро зид эмас, балки туташ эканлиги кўрсатилади.

Таъкидлаш жоизки, Асосий қонунимизнинг 46-моддасида «Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар» деб белгилаб қўйилган мазкур қоида миллий-ҳуқуқий меросимиз ва Фитрат меросидаги бой ғояларга ҳам асосланади.

Фитратнинг фикрича, раёсат ва сардорликнинг номи бўлса ҳам, лекин ҳақиқатда меҳнат ва машаққатдан ўзга нарса эмас. Бир жамоанинг раиси ва сардори ўша жамоатнинг хизматкори деган гапдир. Инсониятнинг латиф қисми бўлган аёллар, албатта, бу қадар қийинчиликларга тоқат қилолмас эдилар. Шуларни эътиборга олган ҳолда, Аллоҳ раёсат ҳаққини эркакларга берган. Раёсат ҳаққининг эркакларга берилганлиги деб уқтиради Фитрат, бу аслида аёлларга кўрсатилган буюк меҳрибонликдир⁵. У ёзадики, «Ислом дини эркаку аёлни барча ҳуқуқ ва вазифаларда баробар қилди, фақат раёсат хизматини эркакларга қолдирди, яъни эркакларни аёлларга посбон қилди».

Яна бир маърифатпарвар мутафаккир Ҳожи Муин «Оила тарбияси» асарида таъкидлашича, исломиятнинг аввалги асрларида мусулмонлар оила тарбиясига катта эътибор бериб, эркак ва қиз болаларни ўқита бошладилар. Аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилдилар. Шу туфайли маориф ва маданият йўлига қадам қўйиб, буюк бир қудрат ҳосил қилдилар. Қисқа вақтда дунёнинг катта қисмини ўзларига қаратдилар. Ўша даврларда ислом дунёсида эркаклар қаторида аёллардан ҳам кўплаб олима ва шоира, муҳаррира, хатиба, адиба ва фақиҳалар етишган эди.

Ҳожи Муин ўз даврида хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқлари оёқости қилинаётганлиги, уларга беҳад жабр-зулм ўтказилаётганлиги каби иллатлар мавжудлигини кўрсатиб беради: «...бизнинг ислом дини хотунларга ўзга динлардан кўброқ ҳуқуқ берган ва ҳурмат кўрсатган, илм ўрганишнинг қарзлиғини эркаклар билан баробар хотун-занларга фарз этган бўлса ҳам, лекин биз мусулмонлар, бохусус, биз туркистонликлар неча замонлардан бери бу ҳақдаги ислом ҳукмлариндан ва ислом таълимотиндан кўз юмиб, хотинлар ҳуқуқини паймол этиб ва аларни ўзимизга асир ҳукминда юритиб келмақдамиз»⁶.

У Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом барча муслим ва муслималарга илм ўрганишнинг фарзлиги очиқ равишда билдирилганлигини уқтирар экан, жоҳил кимса-

ларнинг ўз қизларини мактабга юбормай, уларни диний ва дунёвий илмлардан бебаҳра қолдираётганлиги, тарбия ва дунё саодатидан маҳрум этаётганликларини аёвсиз фош этади.

Ҳожи Муин ўша давр матбуотида хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя этилиши масалаларига доир кўплаб мақолалар чоп этилиши, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ривожланиши учун зарур бўлган илму фан масканлари – мактаблар очилиши, дастурлар ишлаб чиқилиши, китоблар, дарсликлар ва рисоалар нашр қилиниши лозимлигини таъкидлайди.

Ўз даврининг илғор тараққийпарвар зиёлиси бўлган Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ҳам ўзбек хотин-қизлари тақдири ҳақида кўп қайғурган, уларнинг турмуши, эрки, ҳақ-ҳуқуқлари, жамиятда тутган ўрни, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳолати масаласига доир кўплаб насрий ва шеърий асарлар ёзган, долзарб муаммоларни илгари сурган мутафаккирлардан бири. Унинг «Шарқ қизи», «Мен ва бошқалар», «Қизларнинг дафтарига», «Ўзбек қизи», «Қиз қўшиғи», «Ер асиралари», «Паранжи», «Чиммат қўшиғи», «Ёрқиной» каби асарларида ўша даврда хотин-қизларга бўлган салбий муносабат, уларнинг эркинчилиги, ҳуқуқсизлиги, ижтимоий ҳаётдаги иштирокининг чекланганлиги кескин қораланади. Шоир шарқ қизи номидан шундай дейди: «Менинг учун ёруғ дунё роҳати, тўрт девор ичида кўзлар ўйнатмоқ, менинг учун улуғ шодлик соати, телба кўкрагимда ўйлар уйғотмоқ»⁷.

Чўлпоннинг фикрига кўра, хотин-қизлар эркин, озод, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг фаол иштирокчиси бўлмоғи шарт. «Эркинлик истаги» шеърида у бу ҳақда ёзади: «Шунча чоқлар чидаб келган кўнглимга бу кунгина ўз чизиғи тор келди, гўё унинг қўл тегмаган бўйнига ип боғланиб, жуда қаттиқ тортилди, ул интилиб, ул уриниб ётадир, тор қафасдан қутқаргали ўзини»⁸.

Чўлпон ўз асарларида хотин-қизларга нисбатан амалга оширилаётган ҳақсизлик, зулм, зўравонлик, камситиш ва хўрлашларни яққол ифодалайди. «Қиз қўшиғи» шеърида зикр этилишича, «Ўксук кўнгил куши тушди қафасга, сира етолмайди эркин нафасга, қора кунлар тушди менинг бошимга, сиқик қафасларда яйрар олмайман, жаннат боғлар борку, сайрай олмайман, ёмон кунлар тушди менинг бошимга»⁹.

У хотин-қизларнинг эркин, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол бўлишлари учун, энг аввало, ўзлари интилишлари ва курашишлари лозимлигини уқтиради: «Кўз ёшимда ювсам юртнинг бағрини,

тилим билан сўрсам оққан қонини... Қонли кунлар тушди менинг бошимга»¹⁰.

Чўлпоннинг таъкидлашича, хотин-қизлар жамиятда энг олий иззат-хурматга лойиқ, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилиниши, эркин ва озод турмуш кечириши учун барча шарт-шароитлар яратилиши керак. Аммо, у мавжуд мустабид тузум даврида хотин-қизларнинг жабр-зулм, жаҳолат, зўравонлик, адолатсизлик, ҳақсизлик қурбони бўлаётганлигини ўз кўзи билан кўрган. Уларнинг паранжи-чачвон остида кечаётган, қоронғилик ва зулматдан иборат бўлган аянчли ҳаётини, оғир аҳволини яққол кўрсатиб беради: «Ерларга кўмилсин, йўқ бўлсин, йўқ бўлсин! Паранжи! Ииртингиз, гўрларга элтингиз, ёндиригиз чимматни, бўғмасин, тўсмасин табиий зийнатни! Йўқ бўлсин, йўқ бўлсин! Паранжи! Очилсин, гулласин, яшнасин, паранжи остига беркинган «Менга ҳам эрк!» деган Инжи! Инжи!»¹¹.

Чўлпон «Ер асиралари» шеърида эса ўз даврининг хотин-қизларини эрк ва озодликка эришиш учун фаол ҳаракат қилишга чақиради: «Ер асиралари, гўзал тонгларнинг сочидан кўнгилга қувват олингиз, ўзингиз тиришиб, бевиждонларнинг кўнглига эрк учун илҳом солингиз»¹². Унинг таъкидлашича, хотин-қизлар ҳуқуқсиз, эрксиз турмушга, қашшоқ ҳаёт кечиришга абадий маҳкум этилмоғи мумкин эмас. Улар ўзларига нисбатан ўтказиб келинаётган зулм-у зўравонликларга, таҳқирлаш-у камситишларга бўйсунмасликлари, жаҳолатга, адолатсизликларга қарши курашмоқлари лозим: «Ер асиралари, ер асиралари! Қўрғонми, деворми насибалари... ёш тўкиб йиғлашми насибалари, кун санаб ўтарми ою йиллари, тилга келмасларми шу қадар жонлар?»¹³.

Хотин-қизларнинг аянчли аҳволга, эрксиз турмушга маҳкум этилганлигининг асосий айбдорлари, Чўлпоннинг фикрича, мавжуд мустабид тузумнинг ҳимоячилари-жамиятнинг ҳукмрон доираларидир.

Таъкидлаш жоизки, Чўлпон ўзи яшаётган жамиятда хотин-қизларга ўтказиб келинаётган жабр-зулм, зўравонлик, ҳақсизлик, адолатсизликнинг асосий сабаби аёлларнинг саводсизлиги, уларни маърифатли қилишга етарли эътибор берилмаётганлигидандир, деб билади. У ўз даврининг пешқадам зиёлиси сифатида илм-фанни ижтимоий тараққиётни белгиловчи муҳим омил эканлигига эътиборни жалб этади. Хотин-қизларни жаҳолатдан, хурофотдан қутқариш учун, энг аввало бажарилиши лозим бўлган ишлардан бири уларни саводхон қилиш, умуман кенг халқ оммасини

маърифатли қилиш, илм-фанни ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва изчиллик билан амалга оширишдир деб ҳисоблайди.

Чўлпон ўзининг «Ирфон келадир!»¹⁴, «Ғафлат»¹⁵, «Юрт йўли»¹⁶ каби қатор шеърларида илм-у маърифатнинг жамият ҳаётида тутган ўрни масаласига алоҳида эътиборни қаратди. У мамлакатни қоқоқликдан холос этиш, жамият ҳаётидаги мавжуд иллатларга барҳам бериш, миллий ва ижтимоий зулмга қарши курашиш учун, халқ орасида илм-у маърифатни кенг ёйиш, хусусан, миллат оналари ҳисобланган хотин-қизларни замонавий фан асосларидан баҳраманд этиш зарурлигини қайта-қайта таъкидлайди.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида яшаб ижод этган маърифатпарвар олим Ризоуддин ибн Фахруддин ҳам аёл ва аёл ҳуқуқлари тўғрисида бой ғоялар қолдирган. Унинг фикрича, оиланинг асл устуни аёлдир. Зеро, эркалар хулқ тарбия хусусида аёллардан бошқа ҳеч бир кимсага бўйсунмайдилар. Ҳатто буюк мартабаларда-ю, олий фикрли одамлар ҳузурида илм олувчилар ҳам оналаридан олган тарбиялари билан яшарлар ва бу тарбияни сўнги кунларига қадар сақлайдилар. Агар инсон нақадар бою, нақадар мартаба соҳиби бўлса-да, унинг тарбияли аёли бўлмаса, у бахтли эмас. Зеро, бахт оиласи ичида роҳатли умр кўришдан иборат бўлиб, оила ичида роҳат кўрмаган инсон, оила ташқари-сида ҳам роҳат кўра олмайди.

Мутафаккир хотин-қизлар диний ва дунёвий илмлардан баҳраманд бўлишлари лозимлигини уқтиради. «Ахлоқ илми ҳар кимдан кўпроқ хотунлар учун керак - деб ёзади у, – хотун агар гўзал хулқли бўлса, бутун оиланинг роҳатидир. Агарда ахлоқсиз бўлса, бутун оилани хароб этар. Хотун зилзиладурки, унинг сабабидан хоналару шаҳарлар вайрон бўлади, хотун тўпдирки, унинг билан шаҳарлар забт этилади»¹⁷.

Унинг таъкидлашича, мамлакатни идора қилиш илми аёллар учун керакли бир илмдир. Юртни идора қилиш илмини билиб, унинг амалиёти билан машғул бўлиш, аёлларнинг кўнгилларини турли иллатлардан, исроф ва ясаниш каби ёмон сифатлардан поклайди, эрининг назарида ҳурматини, фарзандлари олдида мартабасини оширади.

Атоқли давлат ва жамоат арбоби Файзулла Хўжаев ҳам мамлакат ва халқ келажаги маърифат, маориф тараққиёти билан боғлиқ эканлигини кўрсатиб берар экан, илм-фан ривожини учун кўпроқ шарт-шароит яратиш

кераклигини, дунёвий билим масканлари-жадид мактаблари ташкил қилинишига чуқур эътибор берилиши, шунингдек, уларда серманфаат ва фойдали бўлган илмларнинг ўқитилиши тўғрисидаги ғояларни илгари суради. У айниқса, хотин-қизларнинг саводхон-маърифатли бўлишлари, билим олиш ҳуқуқига ва кенг дунёқарашга, теран тафаккурга эга бўлишларига алоҳида эътибор билан қараган.

Шунингдек, у хотин-қизларни эркаклар билан ҳуқуқда ҳам, ҳаётда ҳам тенглигини таъминлашга алоҳида аҳамият беради, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, ижтимоий-сиёсий ҳаётда муносиб ўрин эгаллашларини таъминлаш зарурлигини ўқтиради.

Таъкидлаш жоизки, Файзулла Хўжаев ўз даврида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида қонунсизликларга йўл қўйилаётганлиги, бундай иллатлар, айниқса, жойларда мансабдор шахслар томонидан содир этилаётганлиги, уларни ваколатларидан четга чиқиб, ўз вазифаларини

суистеъмол қилаётганликларини аёвсиз фош этади¹⁸.

Хуллас, маърифатпарвар мутафаккирларнинг бу борадаги илмий меросини синчиклаб ўрганиб ва таҳлил қила бориб, шунга ишониш мумкинки, хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги бой тафаккури – жамият ижтимоий ҳаётидаги воқеа-ҳодисаларни чуқур тушуна билишлари, ўз давридаги илғор ғояларни тўла англаб етганликлари ва ўзлаштирганликлари натижасида, шунингдек, Шарқ мусулмон мамлакатлари маънавий меросини мукамал ўрганиб Ғарб мамлакатларининг маданияти билан таққослаш, чоғиштириш асосида шаклланганлиги ва ривожланганлигидан далолат бериб турибди. Улуғ алломаларимизнинг бу ҳақдаги бой ғоялари – ҳозирги даврда қудратли ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишда, қонунийликни мустаҳкамлашда бой маънавий-ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

¹ Каримов. И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т., 1998. – Б. 27.

² Одилқориев Ҳ. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т., 2002.– Б. 47 – 48.

³ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик.– Т., 2001.– Б. 77.

⁴ Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. – Т., 1998.– Б. 37.

⁵ Фитрат А. Нажот йўли / Раҳбари нажот. – Т., 2001.– Б.149.

⁶ Ҳожи Муин. Ёшларимиз ва қизлар тарбияси. Танланган асарлар.– Т., 2010. – Б. 82.

⁷ Чўлпон. Шарқ қизи // Яна олдим созимни. – Т., 1991.– Б. 388.

⁸ Ўша жойда. – Б. 450.

⁹ Ўша жойда. – Б.476.

¹⁰ Ўша жойда.

¹¹ Ўша жойда.– Б. 506.

¹² Ўша жойда.– Б. 504.

¹³ Ўша жойда.

¹⁴ Чўлпон. Инфон келадир! // Туркистон. – 1923. – 16 май.

¹⁵ Чўлпон. Ғафлат // Яна олдим созимни. – Т., 1991.– Б. 480.

¹⁶ Ўша жойда.– Б. 462.

¹⁷ Ризоуддин ибн Фахруддин. Оила. – Т., 1991. – Б. 22.

¹⁸ ЎзР МДА. Р-837-ф, Р-13, Ҳ-130, 3-в.

Таянч иборалар: инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, аёлларнинг ҳуқуқий ҳолати, илм олиш ҳуқуқи.

Мақолада маърифатпарвар мутафаккирлардан Абдурауф Фитрат, Ҳожи Муин, Абдулҳамид Чўлпон, Ризоуддин ибн Фахруддин, Файзулла Хўжаевнинг ўз даврида хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари ва уларни таъминлаш борасидаги ғоялари ёритилган. Улар бой илмий меросининг ҳозирги даврдаги аҳамияти баён этилган.

Key words: human rights and freedoms, rights of women, women's legal status, the right to education.

The article deals with the ideas of such Uzbek thinkers and illuminators as Abdurauf Fitrat, Khodjy Muin, Abdulhamid Chulpon, Rizouddin ibn Fakhridin, Fayzulla Khudjeyev, concerning the rights and freedoms of women and ensuring of them in that time. The significance of their rich scientific heritage is underlined.

Ключевые слова: права и свободы человека, права женщин, правовое положение женщин, право на обучение.

В данной статье раскрыты идеи Абдурауфа Фитрата, Ходжи Муина, Абдулхамид Чулпона, Ризоуддина ибн Фахруддина, Файзуллы Ходжаева относительно прав, свобод женщин и их обеспечения в тот период. Изложено значение в настоящее время их богатого научного наследия.

*Р. Х. Душанов**

ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Инсон психологиясини таҳлил қилиш ва ривожлантиришга жиддий эътибор бериш масаласи барча замонларда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб келган.

XXI асрда психология фани ва унинг илғор вакиллари ўзларининг оламшумул илмий мақсадлари – инсонга, айти пайтда, жамиятга психологик хизмат кўрсатиш тизимининг муқаррарлигини илмий ва амалий жиҳатдан асослаб беришга муваффақ бўлдилар.

Умуман, психологик хизмат кўрсатиш муаммоси муайян маънода, илмий психологиянинг етакчи йўналишларидан бири сифатида кўп бор мунозараларга сабаб бўлган. Бу ҳақда қадимги ва дастлабки психологик тасаввурлар макони бўлмиш Ҳиндистон, Хитой, Миср, Вавилон, Марказий Осиё, Юнонистонда яшаб ўтган олимлар, шунингдек жон (руҳ) ҳақидаги дастлабки китобнинг муаллифи Аристотель ва темперамент (мизож) таълимотининг асосчилари Гален, Гиппократ ва Ибн Синолардан тортиб, ҳозирга қадар тадқиқот олиб борган психологлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганлар ва билдириб келмоқдалар.

Тарих ва ижтимоий ҳаёт тамойиллари шуни кўрсатадики, жамиятнинг ҳар томонлама ривожланиши ва унда юксак даражадаги ҳаёт, турмуш тарзининг қарор топиши, аввало, ҳар бир фаолият кўрсатувчи шахснинг ўзига хос психологик салоҳиятининг нечоғлик тўлатўқис намоён этилаётганлиги билан белгиланади. Зеро, ҳар бир мамлакатнинг эзгу истиқболини одамлардаги ижодий, интеллектуал ва маънавий тараққиёт йўлида хизмат қилувчи давлат механизмасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис, ҳозирги кунда барча ривожланган ва тараққий этаётган мамлакатлар

биринчи галда ўз фуқароларининг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва руҳий баркамоллигига ҳамда ундан ижтимоий манфаатлар учун самарали фойдаланиш йўлларини излашга жиддий эътибор қаратмоқдалар.

Президентимиз ўзининг Ўзбекистоннинг бугунги истиқлол ва истиқбол йўлини ифодаловчи барча маърузалари ва асарларида иқтисодиёт билан маънавият, инсон руҳиятининг баркамоллиги, ҳаётнинг ўзаро ажралмас, бир-бирини тўлдирадиган, ўзаро таъсир ва акс таъсир этадиган муҳим омиллари эканлигини ва айти вақтда, бугунги иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланишни, маънавий ўнгланиш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун бўлишини таъминлашнинг муқаррар ижтимоий зарурат эканлигини қайта-қайта таъкидлайди.

Ислом Каримов эътироф этганидек, «психология фани биз учун энг зарур соҳалардан бири. Психологияни ўрганиш – ҳаётни, инсонни ўрганиш дегани. Керак бўлса, раҳбарлик қилмоқчи экансиз, етакчи бўлиб, одамларга кўрсатма бермоқчи экансиз, олдин уларнинг психологиясини ҳар томонлама ўрганиш керак»¹.

Айти вақтда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ички ишлар идоралари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 2004 йил 19 июль Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида ички ишлар идоралари учун мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 2004 йил 23 сентябрь қарори ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларида психоло-

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси психология ва касб этикаси кафедрасининг доценти.

гик хизмат тўғрисида»ги 2011 йил 10 майдаги 61-сонли буйруғи, 2012 йил февраль ойида ИИВ Академиясида ўтказилган республика миқёсидаги «Ички ишлар идоралари ходимлари психологлари фаолияти» мавзусидаги илмий конференция талабларидан келиб чиққан ҳолда мазкур мавзунинг долзарблиги куйидагилар билан белгиланади:

биринчидан, ички ишлар идоралари тизимида профессионаллашув жараёнининг кучайиб бориши барча ходимларнинг касбий-руҳий жиҳатдан жиноятчилар дунёсига қарши доимо шай туриши зарурлиги;

иккинчидан, глобаллашув жараёнларининг ҳам ижобий, ҳам салбий таъсиридан руҳий зўриқишнинг олдини олувчи психологик усул ва воситаларнинг замонавий авлодларини яратиш ва улар орқали ходимларни янги вазифаларни бажаришга тайёрлаш;

учинчидан, ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат вазифаларини бажариш чоғида олган руҳий жароҳатларини бартараф этиш учун психодиагностика, психологик кузатув, психологик маслаҳат тизимини шакллантириш;

тўртинчидан, экстремал шароитларда ички ишлар идораларининг хизмат жамоаларида маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилашнинг руҳий омилларини ишга солишнинг психологик методикасини ишлаб чиқиш;

бешинчидан, жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида олиб борилаётган профилактик чора-тадбирлар доирасида аҳолига мунтазам равишда психологик хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш.

Шу маънода, ИИО тизимида психологик хизмат методологиясини яратишда шахснинг ҳиссий ҳолатини тушуниш ва унинг ўз касбий фаолияти (хизмати) натижасидан оладиган ижтимоий қониқиш жараёнини таҳлил қилиш ҳамда ривожлантиришга бағишланган айрим тадқиқотларнинг ўрни ва истиқболига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Масалан, Ф. Херцберг ва унинг издошлари томонидан шахснинг касбий фаолиятини ташкил этишдаги эмоциоген фарқланиш механизмлари тадқиқ қилинди. Мазкур изланиш натижасига кўра, касбий фаолиятни ташкил этишда ижодийлик, мустақиллик, ўзини ўзи билиш ва ривожлантиришга қаратилган тадбирларга эътибор берилса, фаолият унумдорлигига ижобий, ва аксинча, фақат техник жараёндангина иборат

бўлган меҳнат шароити яратилса, шахс фаоллигига салбий таъсир этувчи ҳиссий кечинмаларнинг намоён бўлиши кузатилади. Дарҳақиқат, касбий фаолиятнинг амалга оширилишига нисбатан ижобий-ҳиссий кечинмалар шакллантирилмас экан, фаолият маҳсули ҳам ходим шахсининг ўз фаолиятдан ижтимоий маънодаги қониқиши ҳам ниҳоятда паст савияда бўлади. Психологик хизмат эса, фикримизча, худди ана шу ерда ўз таъсирини, яъни фаолиятдан ижтимоий қониқиш ҳосил қилиш жараёнини маълум даражада юқори савияга кўтара олиш санъатини намоён этиши лозим. Бинобарин, шахснинг ўз касбий фаолиятдан қониқиши муаммоси устида олиб борилган айрим тадқиқотлар натижаси психологик хизматнинг методологик моделини лойиҳалаштиришга хизмат қилса ажаб эмас.

Масалан, психолог олимлар (Н. Ф. Наумова, А. Г. Здравомислав, В. А. Ядов, В. П. Рожин, Т. П. Богданова, Е. А. Климов, Т. А. Китвель) касбий фаолиятдан қониқиш жараёнини шахснинг муносабатлари мотивлари, ўзини ўзи баҳолаш йўналиши (установкаси) каби ижтимоий психологик мезонлар билан белгилашни тавсия этадилар ва буни ўзларининг бир қатор эмпирик тадқиқотларида асослаб берадилар. Фарб ижтимоий психология оламида, айниқса, Америка психологлари назарида эса, касбий фаолиятдан қониқиш «қатор ижтимоий йўналишларнинг ўзаро бир-бирига боғлиқлиги», «меҳнат жараёнини субъектив баҳолаш билан боғлиқ эмоционал ҳолатларнинг намоён бўлиши» сифатида талқин қилинади ва касбий фаолиятнинг ижтимоий қимматини оширишга қаратилган психологик хизмат учун муҳим илмий-амалий тавсиялар берилди.

Албатта, касбий фаолиятдан қониқиш жараёнини тўлиқ таҳлил қилиш бизнинг вазифамизга кирмайди. Шунинг учун, биз фақат «касбий фаолиятдан қониқиш»ни ижтимоий психологик жараён сифатида олиб борилган айрим психологик тадқиқотларни психологик хизматнинг методологик вазифаларидан келиб чиққан ҳолда қайд этишимиз мумкин.

Бинобарин, венгриялик психологлар И. Балинт ва М. Муранинг тадқиқотларида психологик хизмат вазифасини аниқлашга қаратилган шахсларнинг ўз ишидан қониқишини таъминлаш ва ўз ишидан (яъни, ўз фао-

лиятидан) қониқмаслик ҳолатини бартараф этиш йўллари кўрсатилади. Шунингдек, бу олимларнинг илмий талқинича, ҳар бир ходимнинг ўз ишидан қониқиши унинг кайфияти, фаоллигини таъминласа, ишдан қониқмаслик эса корхонада юз берадиган айрим фавқулдда бахтсиз ҳодисаларнинг (масалан, суицид ва бошқа ҳолатлар) келиб чиқишига сабаб бўлади.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда деярли барча муассасаларда бахтсиз ҳодисаларнинг содир бўлиши ҳоллари учраб туради. Уни камайтириш ва олдини олиш эса, ҳамиша ҳам муваффақиятли ҳал қилинаётгани йўқ. Бунинг учун эса муаммонинг ижтимоий психологик илдизлари ҳақида чуқурроқ ўйланса, юзлаб, балки минглаб одамлар ҳаёти, саломатлиги ва ижтимоий-руҳий ҳолати сақлаб қолиниши мумкин. Бу ўринда, айтиш мумкинки, психологик хизматнинг ташкил этилиши биринчи навбатда, корхона ва муассасаларда юз берувчи бахтсиз ҳодисалардан сақланиш – психологик ҳимояланиш воситаси сифатида ўта муҳим ижтимоий аҳамият касб этади. Афсуски, бундай хизматни ташкил этиш аксарият ишлаб чиқариш корхоналари ва ўқув муассасаларида ҳозиргача ижтимоий муаммо бўлиб келмоқда.

Психологик хизмат методологияси учун индивидуал психологик фарқланиш назариясининг яратилишини ва бу борада ўнлаб йирик тадқиқотларнинг мавжудлигини муҳим манбалардан бири сифатида ҳеч муболағасиз эътироф этиш мумкин. Дифференциал психологиянинг маҳсули бўлган бу йўналиш, даставвал, немис психологи В. Штерн номи билан бевосита боғлиқдир. У ўзининг 1901 йилда ёзган «Индивидуал фарқланиш психологияси ҳақида» номли асарида ҳар бир индивиднинг ўзига хос психологик олами мавжудлигини экспериментал тарзда тадқиқ қилади.

Ф. Гальтон, А. Бине, А. Ф. Лазурский, Д. Кеттелл каби олимлар бу соҳада янги бир йўналишни кашф қилдилар. Шундан сўнг дифференциал психология ҳар бир индивид, ёки гуруҳдаги қизиқишлар, йўналишлар, ҳиссий кўзғалишларни ўлчаш ва фарқлаш объекти сифатида майдонга чиқди. Унинг бугунги психологик хизмат методологияси учун аҳамиятли томони шундаки, ҳар бир индивид ёки шахснинг ўзига хос психологик мезонларини аниқлаш ва тегишли илмий мулоҳаза юрита

олишга хизмат қилувчи комплекс тестлар, усуллар ва методикалар мажмуаси яратилди.

Ҳозирги замон илғор психологиясида психологик хизмат методологиясининг қуйидаги йўналишларига асос солинди:

Ч. Спирмен томонидан «икки омил» назарияси яратилди. Бу назарияга мувофиқ инсоннинг ҳар бир фаолиятида барча фаолиятлар учун умумий бўлган (1-омил) ва айнан мазкур фаолиятга мос бўлган (2-омил) барча хусусиятлар ўзаро боғлиқликда тадқиқ қилинади. Тадқиқотчи ушбу омилларнинг инсон ва фаолият уйғунлигини таъминлаш учун зарур бўлган психологик моҳияти ва мазмунини очиб беради.

Л. Тёрстон, Ж. Гилфорд томонидан яратилган «Мультифактор» назариясига биноан, бирламчи ақлий қобилиятлар (идрок тезлиги, хотира ассоциациялари ва бошқ.)нинг ҳар бир индивиддаги таркиб топганлик кўлами тадқиқ қилинди ва шу асосда ҳар бир шахс фаолиятига алоҳида ёндашувни тақозо этувчи психологик хизматнинг методологик принциплари ишлаб чиқилди.

Б. М. Теплов, В. С. Мерлин, В. Д. Небилицин, Э. А. Голубева, Б. Р. Қодиров ва уларнинг шогирдлари томонидан олиб борилган эмпирик тадқиқотлар мазмуни ижтимоий психология ва ижтимоий психологик хизмат учун муҳим бўлган ҳар бир шахс (индивид)нинг табиий ва туғма сифатларини, олий асаб фаолиятининг ўзига хос қобилият элементларини ва унга таъсир этувчи таълим-тарбия, ташқи муҳит ва фаолиятнинг нечоғлиқ ташкил этилиш жараёнини мукамал ўрганиш ва уни ижтимоий мақсадлар асосида ривожлантириш йўллари белгилаш учун катта имконият яратди.

Шахс фаолиятига индивидуал ёндашув йўналиши билан боғлиқ психологик хизматнинг маълум методологик тамойилларини илмий-амалий жиҳатдан асослаб берган олим Н. С. Лейтес маълумотларига қараганда, асаб тизими нисбатан кучсиз бўлган кишиларда кўпинча бир хил ишнинг бажарилишида муайян афзалликлар борлиги аниқланган: уларнинг юқори сезгирлиги таъсирланувчанлик муваффақиятини таъминлайди, лекин у ёки бу фаолият жараёнидаги фавқулдда ва кучли кўзғалувчилар асосида намоён бўлувчи вазиятларда кучсиз типдаги кишилар айнан

ўзларининг физиологик хусусиятларига кўра ишни уддалай олмасликлари мумкин.

Чунончи, асаб тизими типи анча кучли бўлган кишилар бир хил, анча суст типдаги кишилар эса бошқа хил вазифаларни бирмунча осон ҳал қиладилар. Асаб тизимининг кучи бўйича фарқланадиган кишилар бир хил вазифани ҳал этишга кўпинча ҳар хил йўллар билан эришишлари кераклигини Н. С. Лейтес ўз асарларида ҳар томонлама асослаб бердики, бу психологик хизматда ҳисобга олиниши мумкин бўлган муҳим жараёндир. Зеро, фаолият унумдорлиги инсоннинг ўзидаги бор имкониятлар кўламадан оқилона фойдаланишнинг маҳсулидир. Е. А. Климов, В. С. Мерлин, В. М. Русалов, Б. М. Теплов тадқиқотларида ҳам шахс темпераменти асосида унинг машғул бўлган у ёки бу фаолиятни муваффақиятли бажаришдаги индивидуал услубнинг белгиланиши зарурлигини илмий жиҳатдан асослаб берувчи маълумотлар бор. Жумладан, Е. А. Климовнинг эмпирик маълумотларига кўра бир неча станокда ишлашда асаб тизимидаги «ҳаракатчан тип»даги ҳам, «ҳаракатсиз тип»даги ходимлар ҳам бирдек юқори даражада ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиш мумкинлигини тасдиқлайди. Бунинг асосий сабаби эса, бир хил касбий фаолиятидаги вазиятда турлича ҳаракат йўналишини танлай билиш ва амалга оширишдир.

Умуман, юқорида қайд этилган олимларнинг умумий фикр-мулоҳазаларига кўра индивидуал услубнинг шахсда дарров пайдо бўлмаслиги, балки кўпинча стихияли тарзда пайдо бўлиши қайд этилади. Демак, ҳар бир шахсга психологик хизмат давомида ўз имкониятлари ва фаолият талаби уйғунлигини таъминлаш йўлларини излаш асосида ёндашилса, мазкур шахс фаолиятидаги индивидуал услубнинг таркиб топиши тобора ривожланиб, такомиллашиб боради. Бу эса, ўз навбатида, шахс ва жамиятнинг ижтимоий тараққиётига ижобий таъсир этмай қолмайди.

Демак, муассасадаги амалиётчи мутахассис психолог ҳар бир шахс фаолияти ҳамкорлигини ташкил этиш жараёнида ушбу имкониятларни ҳисобга олиши орқали ижтимоий-психологик ютуқларга эришиши мумкин.

К. К. Платоновнинг психологик хизмат билан боғлиқ ижтимоий психология методологиясини

яратишдаги хизмати шундаки, у ижтимоий-психологик индивидуаллик муаммосини инсон индивидуал олами намоён бўлишининг энг юқори даражаси сифатида тадқиқ қилди ва психологик хизмат моҳиятини тасаввур қилиш учун муҳим бўлган шахсни нафақат ўзининг индивидуал хусусиятлари асосида, балки бу индивидуал хусусиятларнинг ижтимоий мазмуни – ўзини ўзи адекват баҳолаш ва ривожлантиришга асосланган шарт-шароитларни яратиш билан камол топтириш муқаррарлигини илмий жиҳатдан асослаб беради.

Профессор Э. Ғозиев психологик хизмат кўрсатишда муҳим аҳамият касб этувчи индивид, шахс ва субъект ривожининг тадқиқотида қуйидаги ҳолатларга жиддий эътибор бериш зарурлигини уқтиради:

– инсон ривожланишининг детерминатори ҳисобланган асосий омиллар ва шарт-шароитлар (ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, мафкуравий, педагогик ва яшаш муҳити омиллари);

– инсоннинг ўзига тааллуқли асосий тафсилотлар, унинг ички қонуниятлари, механизмлари, эътиқод босқичлари барқарорлашуви ва инволюция;

– инсон яхлит тузилишининг асосий таркиблари, уларнинг ўзаро алоқалари, шахснинг ташқи таъсирларга жавоби ва муносабати, тараққиёт жараёнида уларнинг такомиллашуви².

Дарҳақиқат, ҳар бир инсоннинг ўз индивидуал оламида содир этилаётган барча маънавий ва руҳий кечинмаларини у яшаб турган жамият истиқболларига мос тарзда тадқиқ қилмай туриб, шахс ва фаолият, шахс ва жамият, шахс ва индивидуаллик ўртасидаги ижтимоий мутаносибликни таъминлаб бўлмайди. Зеро, психологик муҳофаза воситаси сифатида тадқиқ қилинаётган ижтимоий психологик ҳимоя фалсафаси ҳам шуни тақозо этмоқда.

Психологик хизматнинг назарий ва методологик асослари ҳақида гап борганда, психологик хизмат объекти ва субъекти ҳисобланган шахсга муносабат тизими асосида комплекс ёндашув истиқболларини кўрсатиб берувчи тадқиқотларга ҳам алоҳида тўхталишга тўғри келади. Чунки шахснинг психологик хизмат жараёнида намоён бўлувчи ва ривожлантириб бориш муқаррар бўлган ўз-ўзига, ўзгаларга (шахслараро) ва фаолиятга нисбатан таркиб

топаётган муносабатларнинг ижтимоий савиясини ўрганмай, таҳлил қилмай туриб, унинг ўзидаги нохуш ҳислардан, ўзгалар билан ҳамкорлик ўрнатиши билан боғлиқ зиддиятли вазиятлардан, фаолиятдаги муваффақиятсизликлардан психологик муҳофаза қилишга қаратилган тадбирлар кўламини белгилаб бўлмайди.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларга асосланиб, психологик хизмат методологиясининг марказида турувчи шахс фаолияти тушунчасини психологик муҳофаза диапазонида намоён бўлувчи бир-бири билан боғлиқ ва бир-бирини тўлдириб турувчи қуйидаги уч йўналиш асосида тадқиқ қилиш мумкин.

Муваффақиятли фаолият намоён бўлишининг 1-йўналиши – ижтимоий психологик «МЕН»ликка асосланган ҳаракатларнинг намоён бўлиши билан тавсифланади. Чунки ҳар бир шахс у ёки бу фаолият билан шуғулланар экан, аввало, ўз имкониятлари, ҳиссий-иродавий хусусиятларининг сифатларини шу фаолият талабларига мос томонлари ҳақида маълум даражада мулоҳаза юрита олиши, ўз «МЕН»лигини реал тарздаги психологик «ойна»да кўра олиши керак. Айти вақтда, бугунги психологик муҳофазага асосланган «МЕН» сиймосининг уч таркибий қисми: *биринчи* – когнитив (кишининг билишга асосланган ҳаракатлари, онгли фаолият йўналишлари); *иккинчи* – ҳиссий баҳолаш (ўзини ўзи ҳурмат қилиши, ўз-ўзига танқидий нуқтаи назардан ёндашиши, ўзини севиши ва бошқ.); *учинчи* – хулқ-атвор (ўз мавқеини кучайтириш, ўзгалар ҳурматини қозониш, ўз камчиликларини англаш ва бошқ.) ўзаро ҳамжиҳатликда камол топтирилиши ёки бошқача айтганда, ҳар бир шахснинг ўтмишидаги «МЕН»и (ўзлик), ҳозирги «МЕН»и (ўзлик), бўлғуси «МЕН»и (ўзлик), идеал «МЕН»и (ўзлик) ва динамик «МЕН»и (ўзлик) ўртасидаги ижтимоий мутаносибликнинг таъминланишига жиддий эътибор берилиши талаб қилинади³.

Психологик хизмат жараёни билан боғлиқ шахс самарали фаолиятининг иккинчи йўналишига индивидуал-типологик хусусиятларга асосланган ҳаракатларнинг намоён бўлиши киради. Чунки ҳар бир инсон у ёки бу ижтимоий топшириқни бажарар экан, аввало, ушбу топшириқни қанчалик тез, осон ва сифатли қилиб бажариш имкониятига эга бўлсагина мазкур топшириқ шахс камолотига

хизмат кила олиши мумкин. Мазкур йўналишдаги психологик муҳофазанинг моҳияти шундаки, ҳар бир шахснинг фаолиятга нисбатан керагидан бир неча баробар ортиқ куч сарфлашга ва осонгина турли муваффақиятсизликларга учрамасликка қарши ўлароқ, шахс истиқболини ўйлаб амалга ошириладиган тадқиқотлар ва тадбирлар кўлами олдиндан белгиланади.

Психологик хизмат жараёни билан боғлиқ шахс муваффақиятли фаолиятининг учинчи йўналиши эса, фаолиятга нисбатан фаол ижобий муносабатнинг таркиб топиши ва намоён бўлишидир. Бунда шахснинг фаолиятдан қониқиши, хулқ-атворидаги мотивацион тизимнинг ижтимоий қимматга эга бўлган бошқарувчиликка тааллуқли сифатларини яққол намоён бўлиши кузатилади. Зеро, ҳар жиҳатдан ижтимоий фаолликка хизмат қилувчи сифатлар намоён этилмаган жойда (меҳнат жамоаларида, таълим муассасаларида ва бошқ.) шахс ва жамият уйғунлигининг таъминланиши учун муҳим аҳамият касб этувчи барча имкониятлар бой берилади. Ваҳоланки, бундай «имкониятлар»ни ҳаммаша «муҳофаза» қилиш нафақат ижтимоий ташкилотларнинг, балки ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир.

Шундай қилиб, ички ишлар идораларида психологик хизматнинг методологик асослари сифатида талқин қилинган мазкур фикр-мулоҳазалар ижтимоий психология фанининг қуйидаги амалий-тадқиқий йўналишларига бугунги куннинг энг долзарб муаммолари сифатида қарашни тақозо этади.

1. Психологик хизмат ҳар бир ходим шахсининг ўз фаолиятдан ижтимоий ва ҳиссий қониқиш жараёнини тадқиқ қилишга қаратилган усуллар ва услублар мажмуасига асосланиши лозим;

2. Психологик хизмат ходим шахсининг фаолият жараёнидаги ўз-ўзига, ўзгаларга ва фаолиятга бўлган муносабатларидаги иерархик тизим динамикасини тадқиқ қилиши ва шу тизим асосида ижтимоий психологик муҳитнинг яратилишига замин ҳозирлай олиши билан боғлиқ изланишлар кўламини ўз ичига олиши зарур.

3. Психологик хизмат жараёни билан боғлиқ ижтимоий муҳим кўрсаткичларнинг таҳлили ҳар бир ходим шахси фаолияти учун хос бўлган

индивидуал фарқланиш, индивидуал услуб ва ижтимоий установканинг қарор топтирилишини ўрганиш асосида амалга оширилиши муҳим.

4. Ички ишлар идоралари тизимида психологик хизмат жараёнини ижтимоий психологик муҳофаза воситаси сифатида тадқиқ қилиш муаммоси бугунги кунда ижтимоий психологиянинг энг долзарб муаммоларидан

бири ҳисобланади ва бу муаммони бартараф этишда маълум психологик принципларга таяниш талаб қилинади.

Худди ана шу йўналишлар ички ишлар идораларида психологик хизматнинг бугунги ҳолати ва ўзига хос истиқболларига баҳо беришда маълум назарий ҳамда методологик манба сифатида хизмат қилади.

¹ Қаранг: Каримов И. А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т. 14. – Т., 2006. – Б.121–122.

² Батафсил қаранг: Халқ таълими. – 2006. – № 5.

³ Ўша жойда.

Таянч иборалар: психологик хизмат, индивидуал психологик фарқланиш, психологик хизмат методологияси, дифференциал психология, ижтимоий психология, инсон ривожланишининг детерминанти, ижтимоий муносабат, психологик ҳимоя воситалари, шахс фаоллиги ва ҳиссий кечинмалар мутаносиблиги, Одам-инсон-шахс-индивидуаллик-субъект-комиллик иерархиясига риоя қилиш; шахсга субъектив муносабат, психологик «МЕН»ликка асосланган ҳаракатларнинг намоён бўлиши.

Мақолада ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида психологик хизматни ташкил этишнинг методологик асослари илмий жиҳатдан ёритилган. Хусусан, шахс самарали фаолиятининг индивидуал - типологик хусусиятларга асосланганлиги, шахс имкониятлари, эмоционал-иродавий хусусиятлари, сифатларининг фаолият талабларига мослиги, шахснинг ўз «МЕН»ини психологик «ойна»да кўра олиши, фаолиятдан қониқиши, хулқ-атворидаги мотивацион тизимнинг ижтимоий қимматга эга бўлган бошқарувчиликка тааллуқли сифатларини яққол намоён бўлишига алоҳида урғу берилади.

Key words: psychological service, individual psychological differentiation, methodology of psychological service, differential psychology, social psychology, human development determinant, social attitude, means of psychological defense, proportionality of the person's activity and emotional experience, observance of the hierarchy of «human being - person - individual - subject - perfect person».

The article deals with the basis of methodological organization of psychological service in the activity of the worker of internal affairs. Successful activity of a person basing on individual and typological features, facilities of a person, emotional and volitional features, adequacy of activity, and a person is able to see in psychological «mirror» in real that he is «I», social value of motivational system in one's behaviour, presentation of administration.

Ключевые слова: психологическая служба, индивидуальное психологическое различие, методология психологической службы, детерминанта человеческого развития, строение личности, социальная установка, средства психологической защиты, активность личности и адекватность эмоциональных переживаний, соблюдение иерархии «человек-личность-индивидуализм-субъект-совершенство», субъективное отношение к личности, проявление отношений, основанных на психологическом «Я».

В данной статье освещаются методологические принципы деятельности психологической службы органов внутренних дел. Особое внимание обращено на необходимость выявления индивидуально-типологических особенностей для успешного направления деятельности личности, ее возможностей, эмоционально-волевых качеств, соответствия качеств требованиям деятельности, способности увидеть в реальном психологическом «зеркале» свое «Я», удовлетворения от деятельности, проявления системно-мотивационного поведения, относящихся к социальному спектру управленческих качеств.

МЕТОДИКА “ОЦЕНКИ РИСКА САМОУБИЙСТВА” КАК ИНСТРУМЕНТ ДИАГНОСТИКИ СУИЦИДАЛЬНОГО ПОВЕДЕНИЯ

Деятельность сотрудников, осуществляющих борьбу с преступностью, сопряжена со многими негативными эмоциональными состояниями. Это является одной из психологических особенностей данного вида работы. Кроме негативных эмоциональных состояний, связанных с профессиональной деятельностью, рассматриваемая категория сотрудников, как и все другие люди, могут иметь и какие-то глубоко личные психотравмирующие переживания. И не всегда, к сожалению, они могут с ними справиться самостоятельно. Иногда им требуется помощь специалистов. Поэтому очень важно уметь увидеть и понять, что сотрудник находится в сложной, или как еще говорят психологи, фрустрирующей ситуации (когда человек не видит выхода из создавшейся ситуации) и оказать ему помощь. Это важно, потому что фрустрирующие ситуации могут порождать суицидальные намерения. Именно этим обусловлена актуальность диагностики суицидального поведения.

Проблема диагностики суицидального поведения в настоящее время активно исследуется различными специалистами. Представляет, на наш взгляд, особый интерес точка зрения на проблему диагностики суицидального поведения Дж. Молтсбергера, который разработал свою «оценку риска самоубийства»¹. Она предлагает психологу или психотерапевту упорядоченный метод оценки суицидальной опасности, позволяющий объединять и уравнивать клинический материал из анамнеза суицидента, данный относительно его заболевания, и оценку его психического состояния в настоящее время.

Дж. Молтсбергер предлагает оценивать степень суицидального риска на основе семи компонентов²:

- 1) предшествующая попытка суицида;
- 2) суицидальная угроза;

3) оценка предшествовавших реакций суицидента на стресс (особенно на утраты);

4) оценка уязвимости суицидента к трем угрожающим жизни аффектам – одиночеству, презрению к себе и ярости;

5) оценка наличия и характера внешних ресурсов поддержки;

6) оценка возникновения и эмоциональной значимости фантазий о смерти;

7) оценка способности суицидента к проверке своих суждений реальностью.

Итак, рассмотрим их подробнее.

Предшествующая попытка суицида. Как показывают исследования, совершенная ранее попытка самоубийства является мощным предиктором последующего ее завершения и доказательством намерений человека.

Большинство из попыток скорее являются «криком о помощи» или стремлением отложить решение невыносимой ситуации, чем проявлением прямого желания умереть. Тем не менее, почти у трети парасуицидентов (попытка самоубийства, которая не заканчивается смертью)³ отмечаются признаки депрессии, обусловленной критической ситуацией; у половины из них отмечаются расстройства невротического уровня⁴. Некоторые превращают попытки в характерный стиль поведения, импульсивно возникающий в ответ на любую, даже незначительную, психотравматическую ситуацию. Разрешение кризиса у большинства приводит к снижению негативных эмоциональных переживаний, враждебности и изоляции, повышению самооценки и улучшению отношений с окружением. Семьи парасуицидентов характеризуются так называемым «аномическим синдромом», который проявляется в деструктивности действий и хронических конфликтах⁵. Таким образом, эти люди характеризуются множественностью проблем. В случае оказания помощи они часто сопротивляются или протестуют, далеко не всегда оставляют мысли о самоубийстве.

* Преподаватель кафедры психологии и профессиональной этики Академии МВД Республики Узбекистан.

Суицидальная угроза. Давний миф о том, что «говорящие о самоубийстве никогда не совершают его», как считают специалисты, является не только ложным, но и опасным. Напротив, многие кончающие с собой люди говорят об этом, раскрывая свои будущие намерения. Вначале угроза является бессознательным или полусознанным призывом о помощи и вмешательстве. Если не находится никого, кто действительно откликнется помочь, то позднее человек может наметить время и выбрать способ самоубийства. Иногда индикаторы суицида могут быть невербальными. Приготовление к самоубийству зависит от особенностей личности и внешних обстоятельств. Она состоит в том, что называется «приведением дел в порядок». Для одного человека это означает оформление завещания или пересмотр ценных бумаг. Для другого – длинные запоздалые письма или улаживание конфликтов с родными и близкими. Подростки чаще всего сентиментально раздаривают ценные личные вещи или расстаются с предметами увлечений. Завершающие приготовления могут делаться достаточно быстро, после чего мгновенно следует суицид.

Оценка реакций на стресс в прошлом. Особенности реакций суицидента на предшествовавшие стрессовые ситуации можно выяснить, изучая его личную историю. Особое внимание следует обращать на такие сложные моменты, как начало обучения в школе, подростковый возраст, разочарования в любви, работе или учебе, семейные конфликты, смерть родственников, друзей, детей или домашних животных, развод и другие душевные раны и утраты в анамнезе. Предполагается, что суицидент склонен преодолевать будущие трудности теми же путями, что и в прошлом (Шнейдман, 2001). При оценке этих особенностей поведения особый интерес вызывают прошлые попытки суицида, их причины, цели и степень тяжести. Кроме того, специалисту нужно узнать, кто или что является поддержкой для суицидента в трудные для него времена. Далее следует выяснить, был ли суицидент в прошлом подвержен депрессии и имеет ли у него склонность к утрате надежды при столкновении с трудностями, иными словами, склонен ли он к проявлению отчаяния. Самоубийство и серьезные попытки суицида в гораздо боль-

шей степени коррелируют с отчаянием, чем с депрессией⁶.

Жизненные ситуации, толкающие некоторых людей к самоубийству, как правило, не содержат в себе ничего необычного. Суициденты склонны преувеличивать размах и глубину проблем, в результате чего даже заурядные, ничтожные трудности воспринимаются ими как неразрешимые проблемы. Кроме того, эти люди крайне неуверенны в собственных силах и считают себя неспособными справиться с трудностями. И наконец, они склонны проецировать картину собственного поражения в будущее. Иначе говоря, они демонстрируют все признаки так называемой «когнитивной триады», а именно: преувеличенно негативное восприятие мира, собственной персоны и своего будущего⁷.

Другая отличительная особенность суицидента заключается в том, что смерть для него является приемлемым и даже желанным способом избавления от трудностей («Если бы я умер, я бы не мучился сейчас этими проблемами»).

Оценка уязвимости к угрожающим жизни аффектам – одиночеству, презрению к себе и ярости. По мнению Э. Шнейдмана, третьей чертой самоубийства, его главным стимулом, является невыносимая психическая (душевная) боль. Взрослые суициденты с недостаточностью саморегуляцией рискуют утратить контроль над своими эмоциями при отсутствии внешнего вмешательства⁸.

По Э. Шнейдману, первым видом потенциально летальной боли является полное одиночество, субъективный эквивалент тотального эмоционального отвержения. Оно отличается от обычного одиночества тем, что воспринимается человеком как временное, смягченное воспоминаниями о любви и близости, при котором остается надежда на близость в будущем. В экстремальном одиночестве надежда отсутствует. Суицидент, охваченный им, чувствует, что любви не было никогда и никогда не будет и он умирает. Появляется страх полного разрушения, тревога, переходящая в панику и ужас. Человек готов на все, чтобы избавиться от этого чувства.

Второй вид психической боли по Э. Шнейдману – презрение к себе. У суицидента, близкого к самоубийству, оно отличается от обычного гнева на себя не только количественно, но и качественно. Его субъективное переживание

не просто вызывает дискомфорт, это чувство сжигает его, как огонь.

Неспособность к переживанию собственной значимости отличается от ненависти к себе, хотя между этими чувствами и есть сходство. Человек чувствует себя никчемным, ненужным и недостойным любви. Тем, кто несмотря ни на что, чувствует свою значимость, вынести жгучие муки совести гораздо легче. Человеку, переживающему никчемность, несомненно, сложнее устоять под натиском внутреннего давления, поскольку он считает себя недостойным спасения.

Смертоносная ярость является третьим видом опасной психической боли по Э. Шнейдману. Суициденты справляются с обычным гневом, но при его перерастании в смертельную ненависть возникает опасность, что они направят ее против себя. Часто это случается, поскольку совесть отказывается терпеть подобное чувство и выносит человеку, испытывающему его, смертельный приговор, иногда – ради защиты жизни других людей. Такой человек чувствует ослабление своего контроля, он совершает суицид в страхе, что не удержится от убийства⁹.

Оценка внутренних и внешних ресурсов поддержки (средств решения проблем). Ресурсы суицидента – это те «сильные стороны» человека, которые служат позитивным балансом и основой его жизнестойкости, что в свою очередь, увеличивает вероятность преодоления кризиса.

К внутренним ресурсам относятся: инстинкт самосохранения, интеллект, социальный опыт, коммуникативный потенциал, позитивный опыт решения проблем.

Существуют также три класса внешних ресурсов, помогающих суициденту в поддержке внутреннего баланса: значимые другие люди, работа и специфические аспекты «Я». Чаще всего суициденты полагаются на других людей, чтобы чувствовать свою реальность, испытывать относительное спокойствие и достаточную ценность. Утрата или угроза потери поддержки может вызвать взрыв одиночества, гнев и презрение к себе.

Иногда в обеспечении внутреннего равновесия суициденты зависят от других людей. В этом случае источником их стабильности является, например, работа.

Третьим классом ресурсов поддержки являются ценные для человека аспекты его «Я»: позитивная «Я-концепция», знание и понимание себя, самооценка и пр.

Важно не только выяснить, какой конкретный ресурс поддержки отказал или угрожает подвести суицидента, но и расспросить о характере взаимоотношений с другими. После самоубийства суицидента весьма часто обнаруживается, что кто-то из родственников игнорировал суицидальные угрозы или как-то иначе своим бездействием способствовал наступлению его смерти.

В формулировке риска самоубийства можно выделить следующие основные моменты: определение, кто или что необходимо суициденту для продолжения жизни и является ли этот ресурс доступным, временно недоступным, безнадежно утраченным или имеется угроза его существованию. От отчаяния суицидента спасает доступность внешних ресурсов. Однако не менее важным является вопрос, способен ли он оценить эти ресурсы, схватиться за них и использовать, чтобы остаться в живых. Задача психолога или психотерапевта – выяснить это и помочь.

Оценка фантазий о смерти. Следующим компонентом для определения риска самоубийства является оценка эмоциональной значимости фантазий о смерти. Предполагается, что когда суицидент говорит, что хочет «положить всему конец», он в действительности больше стремится к состоянию, похожему на глубокий сон. Сон вовсе не является смертью, но на протяжении тысячелетий люди имели склонность к отождествлению этих состояний. На бессознательном уровне бегство в смерть часто равнозначно эмиграции в другую страну, где все будет лучше.

Следует выявить наличие подобных фантазий, изучить и оценить их значение. В случае их бредового характера или силы, свойственной бреду, опасность совершения самоубийства возрастает. При сильном стрессе суицидент может настолько переоценивать иллюзии, что они обретут силу бреда и будут способствовать совершению суицида.

Оценка способности суицидента к проверке своих суждений реальностью завершает оценку суицидальной опасности.

Суициденты в глубокой депрессии иногда не способны оценить степень любви и заботы

окружающих, а также своей ценности. В этих случаях следует не только выяснить доступность внешних ресурсов, но и способность их воспринимать и возможность ими пользоваться. У суицидентов также может наблюдаться серьезное нарушение проверки реальностью. Они убеждены, что любящие их люди на самом деле являются опасными предателями, желающими причинить им зло. В подобных случаях невозможно оценить реальную доступность помощи окружающих, речь скорее всего может идти о развитии паранойи.

Предложенная Дж. Молтсбергером «оценка риска самоубийства» лишь один из вариантов, которые позволяют диагностировать и оценивать степень суицидального

риска на основе перечисленных выше компонентов. Они позволяют собрать первичный материал о суициденте, оценить его способность выдерживать и переживать сложные аффективные состояния, осознавать свои возможности и саму реальность, его ресурсы и саму степень суицидальных намерений. Эту информацию специалист может получить в процессе индивидуальной работы с сотрудником, посредством беседы, тестирования, анализа документов личного дела, биографического метода и др. методов психологической науки. Кроме того, материал может быть получен в процессе групповой тренинговой работы, беседы с руководителями, членами семьи и пр.

¹ См.: *Молтсбергер Дж.* Опасность самоубийства: клиническая оценка и принятие решений // Журнал практической психологии и психоанализа. — 2003. — №1.

² См.: Там же.

³ См.: *Комер Р.* Патопсихология поведения. Нарушения и патологии психики. 4-е изд. — СПб., 2005. — 640 с.

⁴ См.: *Малкина-Пых И.Г.* Психологическая помощь в кризисных ситуациях: Новейший справочник психолога. — М., 2008 — 928 с.

⁵ См.: Там же. — С. 691.

⁶ См.: *Шнейдман Э.* Десять общих черт самоубийств и их значение для психотерапии // Суцидология: прошлое и настоящее. Проблема самоубийства в трудах философов, социологов, психотерапевтов и художественных текстах / Сост. Моховиков А.Н. — М., 2001.

⁷ См.: *Малкина-Пых И.Г.* Психологическая помощь в кризисных ситуациях: Новейший справочник психолога. — М., 2008 — 928 с.

⁸ См.: *Шнейдман Э.* Десять общих черт самоубийств и их значение для психотерапии // Суцидология: прошлое и настоящее. Проблема самоубийства в трудах философов, социологов, психотерапевтов и художественных текстах / Сост. Моховиков А.Н.— М., 2001.

⁹ См.: Там же.

Таянч иборалар: суицидент, ўзини ўзи ўлдириш васвасаси ҳолати, диагностика, ўзини ўзи ўлдириш хавфини баҳолаш методи.

Ҳозирги кунда ўзини ўзи ўлдириш васвасаси ҳолатини ташхис қилиш муаммоси турли мутахассислар томонидан фаол тадқиқ қилинмоқда. Дж. Молтсберг ишлаб чиққан ўзини ўзи ўлдириш хавфини баҳолаш назарияси алоҳида эътиборга молиқдир. Мазкур назария психолог ёки психотерапевтга ўзини ўзи ўлдириш васвасаси хавфини тартибли баҳолаш мезонини тақдим этади, чунончи у суицидент анамнезидан клиник материални бирлаштиришга ва барқарорлаштиришга имкон беради ҳамда ҳозирги кунда ушбу касалликнинг руҳий ҳолатини баҳолашга хизмат қилади.

Key words: suicide, suicidal behaviour, diagnostics, estimation method of suicidal risk.

The problems of suicidal behaviour diagnostics are actively researched by the different specialists now. In our opinion, the theory of estimation of suicide risk made a special interest, which was developed by J. Moltsberg. The theory offers for psychologist or psychotherapist a sequenced method of estimation of suicidal danger. It allows to unite and counterbalance a clinical stuff from suicident anamnesis and serves to estimate his mental condition of disease now.

Ключевые слова: суицидент, суицидальное поведение, диагностика, метод оценки суицидальной опасности.

Проблема диагностики суицидального поведения в настоящее время активно исследуется различными специалистами. Особый интерес представляет точка зрения на проблему диагностики суицидального поведения Дж. Молтсбергера, который разработал свою «оценку риска самоубийства». Она предлагает психологу или психотерапевту упорядоченный метод оценки суицидальной опасности, позволяющий объединять и уравнивать клинический материал из анамнеза суицидента, данный относительно его заболевания, и оценку его психического состояния в настоящее время.

С. Б. Хўжақулов*

**ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШ БОСҚИЧИДА ПРОЦЕССУАЛ ҲАРАКАТЛАР
ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ**

Сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасида ислоҳотларни амалга ошириш, шунингдек жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва уни амалиётда қўллаш самарадорлигини ошириш механизмини яратиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида сўзлаган маърузасида жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни эркинлаштириш, жиноят ишларини кўриб чиқиш тартибини соддалаштиришга эътибор қаратди¹. Бу эса мазкур вазифаларни янада долзарблаштирди.

Дарҳақиқат, жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш, белгиланган тартибда амалга ошириладиган процессуал ҳаракатларга аниқлик киритиш, уларни бугунги кунда қўллаш учун қулай, ихчам, натижали ва мукамал бўлишини таъминлаш лозим.

Ушбу муаммолар ишни судга қадар юритиш босқичидаги процессуал ҳаракатларнинг мазмуни ва мақоми тўлиқ ёритилмагани, улар таркибидаги ҳаракатлар мажмуига аниқлик киритилмагани, таснифи, тизимлаштирилиши билан боғлиқ масалаларга доир ишланмалар етарлича ишлаб чиқилмагани ва шу кабиларда намоён бўлади.

Бинобарин, амалдаги Жиноят-процессуал кодексда бир неча маротаба «процессуал ҳаракатлар» термини ишлатилган, аммо ушбу терминга нисбатан процессуал ҳаракатларнинг ўзи нима, улар қайси ҳаракатлардан ташкил топган ва қандай талабларга жавоб бериши лозим, деган саволлар ҳалигача жавобсиз қолмоқда. Бу эса, жиноятларнинг олдини олиш, уларни очиш ва тергов қилишда жиноят-процессуал қонун нормаларини

нотўғри қўллаш ҳолларини юзага келтирмоқда. Бунинг натижасида жиноят-процессуал қонуннинг принциплари ва бир қатор босқичларининг умумий шартлари, талаблари қўпол равишда бузилмоқда. Ушбу ҳолат жиноят процессида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Сабаби, мазкур масала бугун, жиноят процессида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ўзига хос тизими шаклланаётган бир пайтда жиноят-процессуал қонунларнинг қўлланишига доир муаммолар ўз ечимини кутаётганлиги билан ҳам боғлиқдир.

Бундан ташқари, шу кунгача назария ва амалиётда процессуал ҳаракатлар қандай талабларга жавоб бериши лозимлиги ҳақида қатъий тўхтамга келинмаган.

Буни, гарчи 1959 йилдаги ЖПКда «суриштирув», «тергов» ва «суд ҳаракатлари» терминлари ишлатилган бўлсада, аксарият ҳолларда улар ташқи кўриниши орқали жиноят ишини юритиш босқичларини бир-биридан фарқлаш учун хизмат қилувчи белги ҳисоблаб келинганлигида ҳам кузатиш мумкин. Чунки мазмуни бўйича ушбу ҳаракатлар бир хил ички тартибга эга, яъни уларнинг ўтказиш асослари ва тартиби айнан бир хил. Ҳаракатларнинг қонунда ифодаланиши билан боғлиқ номувофиқлик амалдаги ЖПКда ҳам такрорланган (жумладан, ЖПКнинг 87-моддасида келтирилган 14 та ҳаракат тергов ва суд ҳаракати деб ифодаланган). Қонунга мувофиқ далиллар тергов ва суд ҳаракатларини юритиш орқали тўпланади. Агар қонуншуноснинг ушбу мантигидан келиб чиқиб, мазмун жиҳатдан тергов ва суд ҳаракатларини бошқа-бошқа ҳаракат деб тушунадиган бўлсак, унда ҳар икки ҳара-

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноятларнинг олдини олиш кафедрасининг ўқитувчиси.

кат таркибини бир хил ҳаракатлар ташкил қилиши тушунарсиз ҳолдир ва улар бошқа-бошқа ҳаракат бўлганлиги учун ҳам ўзига хос бошқа ҳаракатларни ташкил этмоғи лозим. Қизиқарли томони шундаки, ЖПКнинг 87-моддасида кўрсатилган тергов ва суд жараёнида ўтказиладиган процессуал ҳаракатлар процесснинг ҳар қандай босқичида амалга оширилиши мумкин. Шунингдек, қонуншунос 1959 йилдаги ЖПКдан фарқли ўлароқ суриштирув ҳаракатлари терминини амалдаги ЖПКдан чиқариб ташлаган бўлсада, суриштирув органларининг зиммасига далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган тезкор-қидирув чораларини амалга ошириш вазифасини ҳам юклар, ҳимоячига ҳимояни амалга ошириши учун далиллар тақдим қилиш ваколатини берган, уларнинг ушбу ҳаракатларини процессуал баҳолашда ва далил сифатида тан олишда муаммоли ҳолатни юзага келтирган.

Чунончи, мазкур ҳаракатлар ҳам бевосита жиноятга оид одил судлов жараёнини ифодаловчи ҳаракатлар сирасига кириши боис қонуншунос ушбу камчиликни бартараф этишга уриниб, уларнинг барчасини ифодалаш мақсадида амалдаги ЖПК айрим моддаларининг номланишида процессуал ҳаракатлар терминини ишлатди. Буни ЖПКнинг 27-моддасида суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ва суднинг процессуал ҳаракати ёки қарори устидан шикоят бериш тартиби кўрсатилганлиги ва 150-моддада мурдани эксгумация қилиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатлар қаторига мурдани кўздан кечириш, таниб олиш ва экспертиза текшируви учун намуналар олиш ҳаракатлари киритилганлигида кузатиш мумкин. Бироқ қонуншунос гарчи процессуал ҳаракатлар терминидан фойдалансада, аммо у ўз таркибига қайси ҳаракатларни қамраб олишини, уларнинг процессуал шакл ва тартибини, асосийси, далилий аҳамиятини қонунда тўлиқ акс эттирмаган. Шунга қарамай, 2010 йил 30 июлда қабул қилинган «Судлар, прокурорлар, терговчилар ва суриштирув органларининг хорижий давлатлар ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғриси-

да»ги қонунда ҳам қидирув, тергов ёки суд ҳаракатлари эмас, балки айнан процессуал ҳаракатлар терминидан кенг фойдаланилган. Бундан, қонуншунос процессуал ҳаракатларни терговолди, дастлабки тергов ва суд жараёнида ўтказиладиган барча ҳаракатларни процессуал ҳаракатлар ўз ичига қамраб олади деб тушунишни тавсия этаётганлигини англаш қийин эмас албатта.

«Ўзбекистон Республикасининг тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги 2012 йил 25 декабрь қонунининг қабул қилиниши ишни судга қадар юритиш босқичидаги процессуал ҳаракатлар тизимини шакллантиришга бўлган эҳтиёжнинг янада ошишига сабаб бўлди.

Хусусан, мазкур қонуннинг «Тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш» деб номланган 19-моддасининг иккинчи қисмида тезкор-қидирув фаолияти материаллари жиноят иши қўзғатиш учун асос бўлиши, жиноят иши ўз юритувида бўлган суриштирув, тергов органларига, прокурорга тергов ҳаракатларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш учун тақдим этилиши, шунингдек бу материаллардан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси нормаларига мувофиқ жиноят ишлари бўйича исбот қилишда фойдаланилиши ҳамда 3-қисмида Қонуннинг 16-моддаси шартларига риоя этилган ҳолда ўтказилган тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ текширилганидан ва баҳоланганидан сўнг далиллар сифатида эътироф этилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Бу эса, қонуншунос олдига тезкор-қидирув ҳаракатларини амалга ошириш ҳамда процессуал расмийлаштириш механизминини ишлаб чиқиш ва жиноят-процессуал қонунга жорий этиш вазифасини кўндаланг қўяди.

Юқорида қайд қилиб ўтилган ишни судга қадар юритиш босқичидаги процессуал ҳаракатлар билан боғлиқ муаммоли ҳолатлар процессуал ҳаракатларни амалиётда самарали қўллаш имкониятини таъминловчи, уларнинг мукамал ва натижали жиноят-процессуал механизминини ишлаб чиқишга туртки беради. Шу боис ушбу муаммоли ҳолатлар долзарблик касб этади ва бу борада махсус илмий тадқиқот ўтказилишини тақозо этиб, ишни судга қадар

юритиш босқичида процессуал ҳаракатлар тизимини шакллантиришнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқаради.

Муаммонинг ҳозирги замон ҳолати. Ишни судга қадар юритиш босқичидаги процессуал ҳаракатлар тушунчаси, таснифи ва тизими билан боғлиқ назарий ва амалий муаммоларнинг тадқиқ этилиши, айти вақтда назарий ва амалий жиҳатдан процессуал ҳаракатларнинг ягона таърифини ишлаб чиқиш, тузилишини ўрганиш амалиётда уларни амалга оширишнинг қулай имкониятларини яратувчи жиноят-процессуал қонундаги процессуал ҳаракатларнинг ихчам, қулай ва мукамал тизимини ишлаб чиқишга имкон яратади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикасида ишни судга қадар юритиш босқичидаги процессуал ҳаракатларнинг тушунчаси, таснифи ва тизими билан бевосита боғлиқ илмий тадқиқотлар олиб борилмаган. Бироқ айрим дарсликлар, илмий мақолалар ва тезисларда ушбу мавзу билан боғлиқ муаммоларга доир жиҳатлар хусусида олимларимиз: Г.А.Абдумажидов², Б.Т.Акромходжаев³, З.Иноғомжонов⁴, Б.А.Миренский⁵, Д.М.Миразов⁶, Э.Х.Нарбутаев⁷, А.Х.Раҳмонқулов⁸ ва бошқалар тўхталиб ўтганлар. Россиялик ҳуқуқшунос олимлар С.А.Шейфер⁹, А.М.Ларин¹⁰, И.М.Лузгин¹¹, И.Е.Быховский¹², П.А.Лупинская¹³, О.В.Меремьянино¹⁴, Е.В.Полуянова¹⁵, В.А.Семенов¹⁶ ва бошқалар ўзларининг илмий ишларида процессуал ҳаракатларнинг мазмуни, таснифи ва тизимлаштирилиши билан боғлиқ айрим жиҳатларни илмий нуқтаи назардан таҳлил қилганлар.

Баъзи олимлар алоҳида процессуал ҳаракатлар билан боғлиқ назарий ва амалий муаммоларни ўрганган, таҳлил қилган ҳамда бу ҳақда хулоса ва таклифлар билдиришган. Уларнинг илмий ишлари эски таҳрирдаги қонунларга асосланган бўлиб, бу ҳолат таҳлил ва хулосаларда ҳам ўз аксини топган. Бироқ бу мавзунини ўрганиб чиқиш давомида аҳамият касб этади.

Кўрииб турибдики, юқоридагилар билан бир қаторда «процессуал ҳаракатлар» юридик тушунчасининг мукамал ишлаб чиқилмаганлиги, шунингдек ушбу процессуал ҳаракатларнинг таркибига кирувчи ҳаракатларни бир-биридан мазмунан ажратувчи мезонларнинг

етарли эмаслиги, процессуал ҳаракатларга қўйиладиган талабларга аниқлик киритиш, уларнинг таснифлаш мезонларини ўрганиш ҳамда ишни судга қадар юритиш босқичидаги процессуал ҳаракатларнинг самарали тизимини ишлаб чиқишнинг зарурлиги мазкур мавзуда тадқиқот олиб бориш лозимлигини тақозо этади.

Ушбу илмий изланишлар қуйидаги мақсадга йўналтирилишни талаб этади, яъни изланишлар давомида ишни судга қадар юритиш босқичидаги процессуал ҳаракатлар тушунчаси, таснифи ва тизими билан боғлиқ жиноят-процессуал қонунни амалиётда қўллашни назарий ўрганиш, ҳуқуқшунос олимларнинг бу соҳадаги фикрларини таҳлил қилиш, қонунни тўғри қўллаш билан боғлиқ жиноят-процессуал қонунчилик самарадорлигини ошириш юзасидан ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш, шунингдек уларни илмий-назарий асослаб бериш шарт ҳисобланади.

Мазкур мавзу юзасидан олиб бориладиган тадқиқот давомида қуйидаги вазифаларни бажариш тақозо этилади, яъни:

– процессуал ҳаракатларга берилган таърифлар бўйича илмий ишларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва бу борада тавсиялар бериш;

– процессуал ҳаракатларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш ва бугунги кунда уларнинг ушбу талабларга мослиги ҳолатини ўрганиш;

– процессуал ҳаракатлар билан боғлиқ жиноят-процессуал ва бошқа қонун нормаларини ҳуқуқий таҳлил қилиш;

– кўриладиган муаммога оид назария ва амалиётда учраётган камчилик ва муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш;

– процессуал ҳаракатларни таснифлаш мезонларини ишлаб чиқиш ва уларни таснифлаш;

– процессуал ҳаракатлар билан боғлиқ жиноят-процессуал қонунчиликнинг самарадорлигини ошириш ҳамда уларни такомиллаштириш борасида тегишли хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш;

– процессуал ҳаракатларни амалиётда қўллаш имкониятлари самарасини оширувчи натижалар ва мукамал тизимини ишлаб чиқиш;

– ривожланган хорижий давлатлар жиноят- процессуал қонунчилигида процессуал ҳаракатларни тартибга солиш тажрибаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш талаб этилади.

Хуллас, мамлакатимизнинг ҳуқуқий демократик давлат куриш йўлидан бораётгани, хусусан сўнгги йилларда олиб борилаётган суд-

ҳуқуқ соҳасидаги изчил ислохотлар ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар процессуал ҳаракатлар билан боғлиқ муаммоларни илмий-назарий ўрганиш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш йўлларини ишлаб чиқиш ҳамда жиноят-процессуал қонун нормаларини янада такомиллаштириш мажбуриятини юклайди.

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза // Халқ сўзи. – 2005. – 25 янв.

² Абдумажидов Г.А. Предварительное расследование. – Т., 1986. – С.115.

³ Ақрамходжаев Б. Шахсий ҳаётга аралашидан ҳимояланиш // Ҳуқуқ-Право-Law. – Т., 2005. – №1. – Б. 48.

⁴ Иноғомжонов З.Ф. Дастлабки терговда суд назорати // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг бюллетени – 2005. – №1. – Б. 33-35.

⁵ Жиноят процесси: Дарслик / Б.А. Миренский таҳрири остида – Т., 2004. – Б. 123-124; Нарбуттаев Э.Х. Борьба с преступностью: закон и практика. – Т., 1992.

⁶ Миразов Д.М. Проблемы совершенствования проверки показаний на места события по уголовно- процессуальному законодательству Республики Узбекистан: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 2004. – С. 19.

⁷ Нарбуттаев Э.Х. Борьба с преступностью: закон и практика. – Т., 1992.

⁸ Раҳмонқулов А. Дастлабки тергов фаолиятининг социологияси // Ҳуқуқ, Право, Law. 2004. – №2. – Б. 54.

⁹ Шейфер С.А. Следственные действия. Система и процессуальная форма. – М., 2001. – С. 54-68.

¹⁰ Ларин А.М. Доказывание и предпроцессуальная деятельность защитника // Адвокатура и современность. – М., 1987. – С. 84

¹¹ Лузгин И.М. Расследование как процесс познания. – М., 1969. – С. 58-59

¹² Быховский И.Е. Процессуальные и тактические вопросы системы следственных действий: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 1976. – С. 8.

¹³ Лупинская П.А. Собираание доказательств // Уголовно-процессуальное право Российской Федерации: Учебник. – М., 2004. – С. 254

¹⁴ Меремьянина О.В. Основания производства следственных действий: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук, – Красноярск, 2004. – С. 12-13.

¹⁵ Полуянова Е.В. Производство следственных действий в стадии судебного разбирательства // Российский следователь. – 2007. – №4. – С. 16-17.

¹⁶ Семенов В.А. Концептуальные основы системы следственных действий в досудебном производстве: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Екатеринбург, 2006. – С. 3-12.

Таянч иборалар: жиноят-процессуал қонунчилик, қонун нормалари, суриштирув, ишни судга қадар юритиш босқичи, процессуал ҳаракат, одил судлов, илмий изланишлар.

Мақолада ишни судга қадар юритиш босқичидаги процессуал ҳаракатларнинг шу кунгача шаклланган тизими таҳлил этилиб, келгусида мазкур йўналишда чуқур илмий изланишлар олиб бориш эҳтиёжининг мавжудлиги илмий-амалий жиҳатдан асослаб берилди ҳамда тадқиқот йўналишлари ва бажарилиши лозим бўлган вазифалар хусусида фикр юритилди.

Key words: criminal procedure legislation, legislative regulations, inquiry, stage of pretrial proceedings, procedural actions, justice, scientific investigations, legal analysis.

Analyzing the existing system of procedural actions at the stage of pretrial proceedings, the author adduces scientific and practical arguments in favour of carrying out of deep scientific researches on this direction, pays attention to the tasks necessary for their realization.

Ключевые слова: уголовно-процессуальное законодательство, законодательные нормы, дознание, стадия досудебного производства, процессуальное действие, правосудие, научные изыскания.

Автор, анализируя в статье сформировавшуюся на сегодняшний день систему процессуальных действий на стадии досудебного производства, приводит научно-практические доводы о необходимости проведения в данном направлении глубоких научных исследований, акцентирует внимание на необходимых для их реализации задачах.

ОСНОВНЫЕ ДОГОВОРНЫЕ ФОРМЫ ЭКОНОМИЧЕСКОГО СОТРУДНИЧЕСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН С РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИЕЙ

Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан отметил, что в век глобализации и все более усиливающейся конкуренции мы обязаны реально и самокритично оценивать свое место в происходящих сегодня в мире кардинальных переменах, идти в ногу с растущими требованиями времени¹.

Глобализация многосторонних связей с одной стороны и интенсификация развития двусторонних связей с другой стороны создают острую необходимость для государств в установлении тесных отношений в различных сферах. В связи с этими обстоятельствами двустороннее сотрудничество Республики Узбекистан с Российской Федерацией в экономической сфере представляет собой пример сотрудничества, основанного на взаимных государственных интересах, закрепленных в договорах. Договорно-правовую базу двустороннего сотрудничества составляют более 230 российско-узбекских межгосударственных, межправительственных и межведомственных договоров и соглашений².

Основополагающими документами, регулирующими отношения между двумя государствами являются: «Договор об основах межгосударственных отношений, дружбе и сотрудничестве между Республикой Узбекистан и Российской Федерацией»³ от 30 мая 1992 г., «Договор о стратегическом партнерстве между Республикой Узбекистан и Российской Федерацией»⁴ от 16 июня 2004 г., «Договор о союзнических отношениях между Республикой Узбекистан и Российской

Федерацией»⁵ от 14 ноября 2005 г., подписанные руководителями двух государств.

Как отметил Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов, Договор о союзнических отношениях, заключенный между Узбекистаном и Россией, является документом, открывающим новые возможности для развития двустороннего сотрудничества, и создает необходимые гарантии для укрепления мира и стабильности в регионе⁶.

Другой договор — Договор о стратегическом партнерстве в ст.9 устанавливает, что в рамках торгово-экономического сотрудничества Стороны обязуются прилагать согласованные усилия в целях ускоренного развития интеграции и кооперации в следующих областях: топливно-энергетический комплекс; авиастроение; транспорт и коммуникации; банковская сфера⁷.

Как видно, в договорах предусматривается довольно широкая сфера взаимного сотрудничества государств, с чем связано и многообразие договорных форм.

В самом общем плане, согласно концепции международного права, исходя из объекта регулирования, экономические договоры подразделяются на следующие основные группы:

1) договоры общего, рамочного политического характера, в частности договоры о дружбе, сотрудничестве и взаимной помощи (Договор об основах межгосударственных отношений, дружбе и сотрудничестве между Российской Федерацией и Республикой Узбекистан. Москва, 30 мая 1992 г.). Наряду с основными политическими обязательствами сторон в них закрепляются обязательства по расширению экономического сотрудничества,

* Преподаватель кафедры государственного строительства и права Университета мировой экономики и дипломатии.

по содействию заключению коммерческих сделок и т. п.;

2) специальные виды международных договоров: торговые договоры, главное в них — закрепление, как правило, определенного вида торгово-экономического режима во взаимных отношениях государств и их физических и юридических лиц. Это — режим наибольшего благоприятствования, национальный режим, преференциальный, недискриминации, взаимной выгоды (Соглашение о торговых отношениях между Республикой Узбекистан и Российской Федерацией. Москва, 13 ноября 1992 г.). Соглашения о торгово-экономическом сотрудничестве определяют конкретные области и формы сотрудничества: строительство и реконструкция промышленных объектов; производство и поставки оборудования и иных товаров; покупка и продажа патентов и лицензий; совместное предпринимательство и т. п. Для целей содействия и наблюдения за реализацией соглашений обычно создаются смешанные комиссии из представителей сторон.

На базе таких соглашений принимаются долгосрочные программы экономического, промышленного и научно-технического сотрудничества. В программах содержатся перечни конкретных областей и объектов сотрудничества. Они носят рекомендательный характер для национальных субъектов договаривающихся сторон, а правительства обязуются поощрять их участие в осуществлении согласованных проектов, что является дополнительным стимулом для сотрудничества и инвестирования.

Отметим, что также практикуется заключение соглашений более узкого содержания: о производственном сотрудничестве, включая специализацию и кооперирование производства и кооперационные поставки.

Особую категорию составляют соглашения об оказании технического содействия в строительстве промышленных объектов, включающие условия о взаимных поставках товаров, о содействии в проектировании, монтаже, наладке и пуске в эксплуатацию соответствующих объектов. Например, по итогам переговоров с НХК «Узбекнефтегаз»

было подписано Соглашение об основных принципах проведения геологического изучения недр инвестиционных блоков Устюртского региона Республики Узбекистан с последующей разработкой выявленных месторождений нефти и газа на условиях СРП⁹. В соответствии с документом, российская сторона разработает поэтапную программу геологоразведочных работ на новых инвестиционных блоках Устюртского региона и, в случае открытия месторождений, будет иметь исключительное право на участие в переговорах с Республикой Узбекистан по их освоению на условиях СРП.

К примеру, торговля и другие виды экономического сотрудничества, тесно связаны с их валютно-платежным и финансовым обеспечением на основе соглашений о международных валютных расчетах и кредитах. Обычной является практика объединения торговых и валютно-финансовых условий в соглашениях, именуемых соглашениями либо о товарообороте, либо о товарообороте и платежах. Но могут заключаться и специальные платежные соглашения, обуславливающие расчеты в определенных национальных свободно конвертируемых, ограниченно конвертируемых или неконвертируемых валютах.

Кроме перечисленных в сложном многообразии договоров существуют и многие другие: клиринговые, кредитные и др. Разумеется, перечисленные виды двусторонних соглашений не исчерпывают всех их возможных разновидностей, тем более в условиях непрерывного усложнения, диверсификации и возникновения все новых способов осуществления экономического сотрудничества.

Но в общепринятой практике существующей между нашими государствами применяется классификация международных договоров в зависимости от субъекта, заключающего договор. Различают три вида международных договоров: межгосударственные (заключаемые от имени государства), межправительственные (от имени правительства) и межведомственные (от имени ведомств — органов исполнительной власти).

Такая же классификация международных договоров предусмотрена в законода-

тельствах Российской Федерации и Республики Узбекистан.

Для сравнения приводим статьи из законов двух стран о международных договорах:

«Международные договоры Российской Федерации заключаются с иностранными государствами, а также с международными организациями от имени Российской Федерации (межгосударственные договоры), от имени Правительства Российской Федерации (межправительственные договоры), от имени федеральных органов исполнительной власти (договоры межведомственного характера» (п. 2 ст. 3 Закона Российской Федерации «О международных договорах»);

«Право заключения международных договоров Республики Узбекистан принадлежит государству. Международные договоры Республики Узбекистан заключаются от имени: Республики Узбекистан — межгосударственные; Правительства Республики Узбекистан — межправительственные; министерств и ведомств Республики Узбекистан — межведомственные» (ст. 7 Закона Республики Узбекистан «О международных договорах»⁸).

Несмотря на такую классификацию, а также независимо от государственного органа, заключившего договор, все международные договоры являются договорами Республики Узбекистан или Российской Федерации, и как таковые создают права и налагают обязательства на государство в целом.

Сравнительный анализ вышеназванных законов показывает, что оба государства признают приоритет общепризнанных норм и принципов международного права (Постановление Олий Мажлиса Республики Узбекистан «О присоединении к Венской конвенции о праве международных договоров» от 24 февраля 1995 г.). Данные законы были разработаны в соответствии с основными источниками права международных договоров, которыми являются:

– Венская конвенция о праве международных договоров 1969 г.;

– *Венская конвенция о правопреемстве государств в отношении договоров 1978 г.*;

– *Венская конвенция о праве договоров между государствами и международными*

организациями или между международными организациями 1986 г.

Кроме того, оба государства, подписывая двусторонний договор признают, что всякий международный договор должен выполняться всеми странами-участницами. Стороны должны соблюдать принцип *pacta sunt servanda*. Государство, нарушающее международный договор по международным экономическим отношениям, должно учитывать, что этим оно подрывает доверие к себе других субъектов международного общения, а это влечет за собой обострение как экономических, так и политических отношений.

Большой юридический словарь трактует нарушение международного договора как «противоправное виновное действие или бездействие стороны международного договора, которое причиняет ущерб потерпевшей или потерпевшим сторонам и влечет международно-правовую ответственность»⁹. Также нарушение международного договора влечет за собой нарушение принципа добросовестного выполнения международных обязательств.

Следовательно, для укрепления своих международных экономических связей государство обязано строго выполнять свои договорные обязательства, к какой бы области таковые ни относились.

Международные договоры в экономической сфере между Республикой Узбекистан и Российской Федерацией направлены на установление, изменение или прекращение определенных правоотношений в области внешнеэкономической деятельности. Отсюда следует главная особенность двусторонних экономических договоров, которая состоит в том, что они являются одновременно источниками, как международного экономического права так, и источником внутринационального регулирования внешнеэкономической деятельности каждого государства. Таким образом, согласно практике в развитие экономического сотрудничества основанного на двусторонних договорах принимается целый комплекс внутренних нормативно-правовых актов: законов, указов Президента, постановлений правительств и др.

Так, для более эффективного регулирования двустороннего экономического взаимодействия принимается ряд внутренних правовых актов — это в первую очередь Конституции обоих государств и специальные законы о внешнеэкономической или внешне-торговой деятельности. На сегодняшний день законодательством России предусмотрены следующие законы: Закон Российской Федерации «О валютном регулировании и валютном контроле» (9 октября 1992 г., № 3615-1) и федеральные законы «О внесении дополнений в Закон Российской Федерации «О валютном регулировании и валютном контроле» (5 июля 1999 г., № 128-ФЗ), «О мерах по защите экономических интересов Российской Федерации при осуществлении внешней торговли товарами» (14 апреля 1998 г., № 63-ФЗ), «О координации международных и внешнеэкономических связей субъектов Российской Федерации» (4 января 1999 г., № 4-ФЗ)¹⁰, а также большое число нормативных актов Банка России, Правительства Российской Федерации, федеральных министерств и ведомств.

Соответствующее законодательство Республики Узбекистан в области внешнеэкономической деятельности регулируется следующими законами: «Об экспортном контроле» (от 26 августа 2004 г.), «Об инвестиционной деятельности» (от 24 декабря 1998 г.), «О свободных экономических зонах» (от 25 апреля 1996 г.), «О гарантиях и мерах прав иностранных инвесторов» (от 30 апреля 1998 г.), «О внешнеэкономической деятельности (новая редакция)» от 26 мая 2000 г.¹¹

При анализе комплекса нормативно-правовых актов двух государств очевидны некоторые различия в терминологии. Так в российском законодательстве употребляется термин «внешнеторговая», а в узбекском «внешнеэкономическая деятельность государств», хотя при изучении становится понятно, что имеется в виду практически один тот же комплекс регулируемых отношений. Также некоторые особенности в различии нормативно правовой базы двух стран связаны в

основном с различным административно-территориальным устройством. В законодательстве Российской Федерации существует отдельный комплекс нормативно-правовых актов, конкретизирующий права субъектов федерации, например, Закон «О координации международных и внешнеэкономических связей субъектов Российской Федерации» от 4 января 1999 г.¹²

На наш взгляд, существует некоторая проблема, касающаяся обширности наименований международных договоров. Она также актуальна для процесса систематизации заключенных договоров. Дело в том, что часто договора называются соглашениями, меморандумами, а в некоторых случаях контрактами или сделками, особенно если речь идет о договорах, заключаемых между какими-либо крупными предприятиями или компаниями. И. М. Умарухонов в работе «Современные вопросы международно-правовой природы Венской Конвенции о праве международных договоров от 23 мая 1969 года» отмечает, что «в основе толкования наименования международных соглашений в области права международных договоров лежит принцип эффективности, который органически взаимосвязан и наиболее широко применяется, исходя также из нормы национального права»¹³. Это утверждение справедливо, так как законодательство, например, Республики Узбекистан предусматривает многообразие названий договоров. Международные договоры могут именоваться и заключаться в виде: договора, соглашения, конвенции, протокола, меморандума, декларации, обмена письмами и нотами, а также иметь другие наименования. И вообще было бы несправедливо ограничивать государства в использовании наименований для договоров¹⁴.

Учитывая перечисленные особенности, можно сделать вывод: экономические договоры в силу того, что экономическое сотрудничество — это огромный и динамично развивающийся комплекс отношений государств, которые с трудом поддаются какой-либо классификации и систематизации, и какое-

либо разделение их на группы будет иметь условный характер. Тем более, что на практике объектами договоров кроме государств могут быть юридические лица или транснациональные корпорации.

В процессе заключения международных межгосударственных и межправительственных договоров государство осуществляет одну из важнейших своих функций — нормотворческую. Обычно договора состоят из нескольких частей, особая из них — преамбула, в ней содержатся основные цели и направления. В других частях договора указывается объект, субъекты, предмет, а также способы разрешения споров. Отличительной чертой этих договоров является установление международно-правового режима, который планируется применять в данных отношениях. Особенно это практикуется в торговых или инвестиционных договорах.

Например, Закон Республики Узбекистан «О внешнеэкономической деятельности» устанавливает, что «в случае принятия иностранным государством мер, нарушающих экономические интересы Республики Узбекистан и субъектов внешнеэкономической деятельности, а также в случае невыполнения этим государством принятых им по международным договорам обяза-

тельств перед Республикой Узбекистан, Республика Узбекистан вправе вводить ответные меры в области внешнеэкономической деятельности в соответствии с общепризнанными нормами и принципами международного права»¹⁵.

Анализ процесса реализации международных договоров Республики Узбекистан позволяет сделать вывод о том, что в целом их положения выполняются на должном уровне. Большая роль в последовательной реализации заключенных договоров принадлежит государству в лице уполномоченных на то органов. Их слаженная работа способствует развитию внешнеэкономических отношений и укреплению двустороннего сотрудничества с Россией. Глобализация экономических связей и мирового хозяйства требуют постоянного совершенствования договорной практики. Этот процесс должен быть непрерывным для обеспечения баланса между внутренними и международными интересами Республики Узбекистан.

В этой связи, наш взгляд, актуализируется необходимость выработки эффективной схемы по сокращению срока между подписанием и ратификацией двусторонних договоров, а также составления классификатора по названиям заключенных международных договоров.

¹ См.: Каримов И.А. Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране // Народное слово. — 2010. — 13 нояб.

² См. официальный сайт МВСИЭТ Узбекистана. www.mfer.uz

³ Бюллетень международных договоров. — 2008. — № 2. — С.75.

⁴ Там же. — С.84.

⁵ Бюллетень международных договоров. — 2009. — № 2. — С.59.

⁶ Информационное агентство «Жахон» при МИД Республики Узбекистан. www.jahonnews.uz

⁷ См. официальный сайт МВСИЭТ Узбекистана.

⁸ Закон Республики Узбекистан «О международных договорах» // Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. — 1995. — № 12. — Ст. 262; 2003. — № 5. — Ст. 67; 2004. — № 1-2. — Ст.18; Собрание законодательства Республики Узбекистан. — 2005. — № 49-50. — Ст.365.

⁹ Додонов В.Н. Большой юридический словарь. — СПб., 2000.

¹⁰ www.consultant.ru/popular/currency/47

¹¹ ИПС «Норма».

¹² Там же.

¹³ Умарахунов И.М. Современные вопросы международно-правовой природы Венской Конвенции о праве международных договоров от 23 мая 1969 г. // Обзор законодательства. Ташкентский государственный юридический институт. — 2007. — № 2. — С. 56–63.

¹⁴ Закон Республики Узбекистан «О международных договорах» // Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. — 1995. — № 12. — Ст. 262; 2003. — № 5. — Ст. 67; 2004. — № 1-2. — Ст.18; Собрание законодательства Республики Узбекистан. — 2005. — № 49-50. — Ст. 365.

¹⁵ Сборник законов, постановлений и других документов Республики Узбекистан. — Т., 2003.

Таянч иборалар: ташқи иқтисодий фаолият, шартномавий-ҳуқуқий асос, савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида битим, ратификация, классификатор.

Мақола Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерациясининг амалдаги иқтисодий ҳамкорлигининг асосий шартномавий шакллари таҳлиliga бағишланган. Унда кўп томонлама алоқаларнинг глобаллашуви давлатлар ўртасидаги турли соҳаларда яқин муносабатлар ўрнатиш эҳтиёжини юзага келтириши қайд этилади. Муаллиф томонидан иқтисодий ҳамкорлик шартномавий шакллариининг турлари тўғрисида таҳлилий иш олиб борилган бўлиб, бу шаклларнинг мазмуни халқаро-ҳуқуқий нормалар билан бир қаторда ҳар икки давлатнинг миллий қонунчилиги нормалари билан белгиланган.

Key words: foreign-economic activity, contract and legal base, economic and commercial cooperation, ratification, classifier.

The article deals with contract forms of economic cooperation of the Republic of Uzbekistan with the Russian Federation. It is underlined that globalization of multilateral contacts necessitates establishment of close relations between the countries. The author analyzes the types of contract forms of economic cooperation and makes conclusion of actualization of developing the scheme on reducing the term between signing and ratification of bilateral contracts and making of a classifier on the names of concluded international contracts.

Ключевые слова: внешнеэкономическая деятельность, договорно-правовая база, соглашения о торгово-экономическом сотрудничестве, ратификация, классификатор.

Статья посвящена анализу основных договорных форм экономического сотрудничества Республики Узбекистан с Российской Федерацией. Отмечается, что глобализация многосторонних связей вызывает необходимость в установлении тесных отношений между государствами. Автором анализируются виды договорных форм экономического сотрудничества. Делается вывод об актуализации выработки эффективной схемы по сокращению срока между подписанием и ратификацией двусторонних договоров, а также составления классификатора по названиям заключенных международных договоров.

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ҲУҚУҚИЙ ТЕРМИНЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАСНИФИ

Ҳуқуқий терминология нафақат касбий муҳитда, балки нутқий мулоқотнинг бошқа соҳаларида ҳам кенг қўлланилади, шунинг учун ҳам ҳуқуқ тилини махсус мақсадларда ўрганиш зарурияти туғилади.

Ҳуқуқий терминология ўзига хос такрорланмас тадқиқот объекти ҳисобланади, чунки у бошқа терминлар тизимига қараганда қўлланиш соҳаларининг ниҳоятда турли-туманлиги билан ажралиб туради.

Қонун қабул қилиш жуда катта куч талаб этгани ва мураккаб жараён бўлгани каби терминларни қиёсий тадқиқ қилиш ҳам анча мураккаб вазифа ҳисобланади. Чунки бунда терминларнинг ўзи эмас, балки турли ҳуқуқий тизимлар қиёсланади (маълумки, Ўзбекистоннинг кодекслаштирилган ҳуқуқи ва инглиз-америка прецедент ҳуқуқи ўртасида катта фарқ мавжуд бўлиб, бу терминлар даражасида ҳам яққол кўзга ташланади). Луғавий муқобиллик кўпинча лексик бирлик ҳақида тўғри тасаввур уйғотмайди, чунки икки тилдаги ўзаро муқобил терминлар турли тушунчаларни ёки бир-бирига яқин бўлган, лекин маъно кўламининг турлича эканлиги билан фарқланадиган тушунчаларни ифодалайди. Масалан, «prosecutor» сўзи «прокурор» деб таржима қилинади, бироқ ушбу касб эгаларининг Америка ва Ўзбекистон ҳуқуқи тизимидаги вазифалари ўзаро мос келмайди, «prosecutor» сўзини эшитган америкаликнинг тасавури ўзбек тилида сўзлашувчи кишида «прокурор» сўзи уйғотадиган тасаввурдан фарқ қилади.

Шу муносабат билан, фикримизча, алоҳида терминларнинг қиёсий таҳлилини амалга ошириш ва уларни инглиз тилидан ўзбек тилига ёки ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилиш йўллари шунчаки баён қилиб бериш эмас, балки ҳуқуқнинг алоҳида соҳаларига оид терминологик тизимларнинг комплекс контрастив тадқиқотини амалга ошириш зарур.

Бунинг учун аввало терминнинг тилнинг луғавий тизимидаги мақоми ва уни термин бўлмаган лексемалардан фарқлайдиган белгиларини аниқлаб олиш зарур. Ф. Де Соссюр терминларнинг умумистеъмолдаги сўзлардан ажратиб турувчи асосий хусусиятини қуйидагича изоҳлайди: «Рамз сифатида сўз асосланмаган, эркин табиатга эга, термин эса махсус семиотик тизимга оид рамз (белги) бўлиб, номинатив-дефинитив (номловчи ва таърифловчи) вазифага эга: номинатив эканлигининг боиси шундаки, у маъноларнинг умумий тизимидан ажратиб олинган яхлит ва мураккаб қисми англади»¹.

Ф. Де. Соссюр сўз ва терминни қиёслашда терминнинг қуйидаги хусусиятларини ажратиб кўрсатади:

1) маънонинг алоҳида предмет ёки ҳодисага эмас, предметлар ёки ҳодисалар синфи ёхуд турига алоқадорлиги;

2) маиший тушунчалар ёки умумий тасаввурларга эмас, балки илмий ёки техник тушунчаларга алоқадорлиги;

3) терминнинг қатъий белгиланган терминлар тизими доирасида амалда бўлиши яъни терминнинг доим терминлар тизимининг бир бўлаги бўлиши;

4) борлиқдан ўта мавҳумлашиши, ҳатто ундан буткул узилишгача бориши;

5) терминнинг муайян билимлар ва таълимни талаб қилувчи маълум касбий фаолият билан боғлиқлиги.

Санаб ўтилган фарқлар тилшунослар томонидан аниқланган. Энди ҳуқуқий терминларнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун баъзи тадқиқотчиларнинг қандай мезонларни илгари суришларини таҳлил қилиб кўрамиз. С.П.Хижнякнинг «Юридическая терминология: формирование и состав» номли фундаментал тадқиқотида юристлар томонидан терминга тааллуқли деб

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси тиллар ва адабиёт кафедраси бошлигининг ўринбосари.

топилган белгилар таснифи берилган. Муаллифнинг фикрига кўра, терминлар қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши лозим:

1) ягона, яъни муайян қонун ёки бошқа норматив ҳужжатда бир хил маънода қўлланиши, бир тизим доирасида ягона маънони ифодалаши керак;

2) қонун ижодкори томонидан фақат муайян ҳолат учун кашф этилмасдан, аксинча умумэътироф этилган бўлиши даркор, терминни қандайдир алоҳида маънода қўллаш мумкин эмас;

3) барқарор бўлиши, яъни терминнинг мазмуни ва маъноси контекстга боғлиқ равишда ўзгармаслиги лозим;

4) муайян тизимдаги бошқа терминлар билан мантикий боғланган бўлиши;

5) касбий соҳа доирасида қўлланилиши².

Юқорида келтирилган белгилар гуруҳини қиёслаганда, юристлар ва тилшунослар тушунчасидаги термин ўхшаш мезонларга ҳам эга бўлишига қарамай, турли нарсаларни ифодалайди. Юристларнинг тушунчаси кенг-роқ, чунки улар қонун матнларида ўзининг асосий умумлингвистик маъносида қўлланилган сўзларни ҳам терминлар тоифасига киритадилар. Бундай лексемаларни қатъий-роқ лингвистик ёндашув нуқтаи назаридан терминлар тоифасига киритиш мумкин эмас, чунки бу тушунчаларни терминлаштириш (терминга айлантириш) учун асослар етарли эмас. Юристлар каби лингвистлар ҳам терминнинг контекстга боғлиқ эмаслигини эътироф этадилар ва бунда терминнинг маъноси умумистеъмол лексикада бўлгани каби контекстда эмас, унинг таърифида очиб берилади. Шундай қилиб, сўз умумдабий тилдан профессионал (касбий) тилга кўчади ва терминлар тизими элементига айланади.

Ҳуқуқий терминологик тизимларни аниқ-роқ тавсифлаш учун мазкур фан соҳасидаги терминлар таснифини ишлаб чиқиш керак. Шу муносабат билан, таснифлаш асосларини танлаб олиш зарурияти туғилади. Шундай асослардан бири сифатида сўзнинг маълум бир фаолият соҳасига тегишлилиги омили хизмат қилиши мумкин. Илгарироқ ишлаб чиқилган ҳуқуқий терминология таснифлари устида тўхталиб ўтамиз.

А.С.Пиголкин томонидан ишлаб чиқилган тасниф вертикал ва горизонтал принциплар бўйича амалга оширилган. Вертикал тасниф

чўққисида Асосий қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида акс этган терминология, яъни ҳуқуқнинг барча соҳаларида қўлланивчи ва энг кенг тушунчаларни ифодаловчи терминларни бирлаштирадиган умумҳуқуқий терминология туради.

Горизонтал терминология соҳалараро ва алоҳида соҳаларга оид турли хил терминлар тизимларини ўз ичига олади. Соҳалараро терминология – ҳуқуқнинг бир неча соҳаларида қўлланиладиган терминлар. Ҳуқуқий терминларнинг асосий қисми соҳалараро терминологияга, соҳавий терминларнинг миқдори эса, нисбатан камроқ³.

Д.И.Милославскаянинг таснифи биров бошқачароқ бўлиб, унда терминлар қуйидаги гуруҳларга ажратилган:

– умумистеъмолдаги терминлар;

– норматив ҳужжатларда торроқ ва махсус маъноларни ифодаловчи умумистеъмолдаги терминлар;

– техникавий⁴.

Ҳуқуқий терминологиянинг бошқа таснифлари ҳам мавжуд, бироқ бу ўринда биз учун юқорида келтирилган таснифий асосларнинг ўзи етарли.

Таҳлил учун қулайлик туғдириш мақсадида юридик лексикани тушунчаларни аташ (номинация) усулига кўра синфларга бўлиш мумкин деб ҳисоблаймиз (терминлар, терминонимлар, профессионализмлар). Бошқа параметр унинг ҳуқуқнинг маълум бир тармоғига тегишлилиги бўлиб, бу лексемани умумҳуқуқий ёки соҳавий лексика синфига киритиш учун асос бўлади (соҳавий терминларнинг маънолари ҳуқуқнинг тегишли соҳасига мансуб тизимдагина тўғри тушунилади). Махсус лексикани тасниф қилишнинг учинчи параметри топонимлар, антропонимлар, апеллятивлар ва фразеологизмларда намоён бўладиган реалийларни ажратишдан иборат: Масалан, Old Baily – Олд-Бейли, Марказий жиноят суди, суд жойлашган Лондондаги кўча номини ифодаловчи топонимдан олинган; Miranda warning – гумон қилинувчига унинг ҳуқуқларини расман эълон қилиш, «Миранда Аризона штатига қарши» машҳур суд ишини (1966) ифодаловчи антропонимдан келиб чиққан; pocket veto – «чўнтак ветоси» яъни, Конгрессдаги сессия мажлиси ёпилгунга қадар қонун лойиҳасига президент томонидан имзо қўйилишининг кечиктирилиши, АҚШ Президен-

тинг билвосита ветоси, апеллятив (турдош от).

Терминнинг муайян синфга мансублиги, аташ усули ва реаллийлар турини ажратиш бўйича таснифлаш асослари ҳам бир тилнинг терминологик тизимларини тавсифлаш учун, ҳам контрастик тадқиқотлар учун долзарбдир. Инглиз ва ўзбек тиллари ҳуқуқий терминологиясини қиёслашда бошқа таснифий белгилар пайдо бўлади.

Бундан ташқари, ҳуқуқий терминологиянинг инглиз тилининг Америка ва Британия вариантларида қўлланиши орасида ҳам фарқлар мавжуд. Масалан:

– Ташқи ишлар вазирлиги – State Department (USA), Foreign and Commonwealth Office (UK);

– Ички ишлар вазирлиги – Home office (UK), Ministry of the Interior (USA);

– Молия вазирлиги – Treasury Department (USA), Treasury (UK);

– Адлия вазирлиги – Department of Justice (USA), Department of Constitutional Affairs;

– Халқ (Олий) таълими вазирлиги – Department of Education (USA), Department of Educational Skills (UK);

– Адлия вазири (АҚШ) ва Бош прокурор (Буюк Британия) – Attorney General.

Кўрсатилган фарқлар таржима учун жиддий қийинчиликлар туғдиради, чунки уларнинг аксарияти амалда икки тилли луғатларда қайд этилмайди.

Америка ва Британия терминологик тизимларининг яна бир ўзига хос хусусияти жиноятларни таснифлашда кўринади. Бу мавзу Е.С.Максименконинг тадқиқотида батафсил ёритиб берилган.

Аввалига Англия ва Америка ҳуқуқий терминологияларидаги таснифлаш тизими ўзаро мос келган. Барча жиноятлар бош crime термини остида felonies, misdemeanours ва treasons каби турларга бўлинган. Эски тасниф бўйича felony тушунчаси felony at common law, capital felony, statutory felony каби синфларга бўлинган. Misdemeanour икки синфни ўз ичига олган: misdemeanor at common law, high misdemeanor.

Эски таснифга мувофиқ felony бош термини остида берилган микромайдонга treason ва sedition номинантлари кирган. Жиноятларнинг бундай тасниф қилиниши инглиз ва америка ҳуқуқида XIX асрнинг охириларида бошланган. Бироқ 1967 йилда

инглиз ҳуқуқий терминологиясида бевосита жиноят объектини эътиборга олишга асосланган янги тасниф пайдо бўлди. Инглиз ҳуқуқий терминологиясида кўриб чиқиладиган таснифий тузилма учун бош термин сифатида offence олинди. Crime термини аввал felony ва misdemeanour терминлари ифодалаган тушунчаларни билдира бошлади. Felony, misdemeanour ва treason терминлари ўрнига турли чекланган предлоғли конструкциялар билан crime термини асосида ясалган таркибий терминлар ишлатилмоқда: crime - crime against the state, crime against justice, crime against religion, crime against reputation, crime against security, crime against morality.

Ҳуқуқий маданиятнинг янгидан вужудга келган моделига мувофиқ кейинчалик терминларнинг микромайдонлар бўйича қайта тақсимоти содир бўлди. Масалан, crime against reputation қуйидагиларни ўз ичига олади: libel (a method of defamation expressed by print, writing, pictures, or sign), defamation (an intentional false communication, either published or publicly spoken, that injures another's reputation or good name), slander (speaking of defamatory words tending to prejudice another in his reputation, community standing, office, trade, business or means of livelihood).

Замонавий Америка ҳуқуқий терминологиясида инглиз ҳуқуқидан олинган felony ва misdemeanour терминлари ифодалаган тушунчаларни бирлаштирувчи эски тасниф сақланиб қолган.

Америка таснифида бош термин сифатида инглиз таснифидан фарқли равишда offence эмас, crime олинган. Criminal offences термини қуйидагиларни ўз ичига олади: offences against persons (масалан, murder, manslaughter), offences against habitation and occupation (масалан, burglary, arson), offences against property (масалан, larceny), offences against morality and decency (масалан, adultery), offences against public order and government (масалан, treason).

Бундан ташқари, Америка ҳуқуқ тизимида жиноятларнинг оғирлик даражасига кўра ҳам таснифи мавжуд бўлиб, унга мувофиқ crime термини тур номинантларига (турларини атовчилар) эга ва ушбу номинантлар А, В, С ҳарфларидан иборат индекслар ёрдамида фарқланади, масалан, A felony, B felony, C felony ва A misdemeanour, B misdemeanour, C misde mea-

pour. Инглиз жиноят ҳуқуқида бундай тасниф мавжуд бўлмаган ва ҳозир ҳам мавжуд эмас.

Санаб ўтилган инглиз ва америка терминологиясидаги фарқлар тегишли терминларни ўзбек тилига таржима қилишда қийинчиликлар туғдиради, чунки Ўзбекистон ҳуқуқи тизими ўзининг ҳам Британия, ҳам Америка вариантларидан фарқ қиладиган жиноятлар таснифига эга. Терминологияни қиёсий таҳлил қилишда терминологик тизимларнинг турли ҳуқуқий таълимотлар асосига қурилганлигини ҳисобга олиш зарур: Ўзбекистон ҳуқуқи тизими учун роман-герман, инглиз ва америка ҳуқуқи учун англосаксон ҳуқуқий таълимотлари асос қилиб олинган. Континентал ҳуқуқий тизим инглиз-америка тизимидан бир қатор жиҳатлари билан фарқланади. Масалан, инглиз-америка тизимига статут (мақом) ҳуқуқи (statute law) ва умумий ҳуқуққа (common law) бўлиниш хос. Мақом ҳуқуқининг манбаи қонунчиликдир. Умумий ҳуқуқ кўп миқдордаги суд прецедентлари, яъни ўхшаш иш кўриб чиқилаётганда қўлланиши шарт бўлган муайян ҳуқуқий тамойилни (ratio juris) белгилаб берувчи қарорлардан ташкил топган. Шу тарзда прецедентнинг ҳуқуқни белгиловчи роли тан олинади.

Ҳуқуқий таълимотнинг ўзига хос хусусиятлари терминларнинг қўлланишида намоён

бўлади, шунинг учун ҳар бир терминологик тизим ичидаги ўзаро алоқалар ҳамда терминларнинг тизимлараро муносабатлари ўрганиб чиқилганидан кейингина терминларнинг аниқ таржимаси учун муқобил эквивалентларни танлаш мумкин бўлади. Таъкидлаш жоизки, бу ҳолда тадқиқот объекти сифатида алоҳида терминлар эмас, тегишли терминологик майдонлар олинади.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, ўзбек ва инглиз тиллари ҳуқуқий терминологиясини қиёсий тадқиқ этиш нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга. Бугунги кунда турли жанрлардаги ҳуқуқий матнларни ёзма ва оғзаки шаклларда аниқ таржима қилишга қодир бўлган мутахассисларни тайёрлаш зарурати мавжуд. Махсус дарсликлар ва луғатларсиз бу вазифани амалга ошириш мумкин эмас, чунки ҳозирги кунда юридик таржима бўйича ўқувчиларга яхлит терминлар тизими билан боғланмаган алоҳида терминлар ва термин-бирикмаларнинг таржима эквивалентлари берилган қўлланмалар таклиф этилмоқда. Бунда икки ҳуқуқий тизим ўртасидаги фарқлар билан танишиш вазифаси қўйилмаяпти, зеро инглиз-америка ҳуқуқий терминларининг ўзбекча эквивалентлари билан ўзаро муносабатини ўрганмай туриб, сифатли таржимага эришиш мумкин эмас.

¹ Соссюр Ф.Де. Труды по языкознанию. – М., 1977. – 285 с.

² Хижняк С.П. Юридическая терминология: формирование и состав. – Саратов, 1997. – 137с.

³ Пиголкин А.С. Язык закона. – М., 1990.

⁴ Милославская Д. И. Типовые трудности семантической интерпретации юридического текста // Язык в его естественном и юридическом бытии. – Барнаул, 2000. – 272 с.

Таянч иборалар: ҳуқуқий терминология, терминологик тизим, ҳуқуқий маданият, прецедент, муқобил эквивалент, тасниф, қиёсий-илмий таҳлил.

Мақолада инглиз ва ўзбек тилларидаги ҳуқуқий терминларнинг тилшунос олимлар томонидан таклиф этилган таснифлари ва Америка ҳамда Британия ҳуқуқий терминологик тизимларининг ўзига хос хусусиятлари илмий жиҳатдан қиёсий таҳлил этилган.

Key words: legal term, terminology, terminology system, legal culture, precedent, appropriate equivalent, classification, comparative-scientific analysis.

The article deals with the comparative-scientific analysis of the classification of legal terms in English and Uzbek languages offered by linguists and specific features of American and British legal terminology system.

Ключевые слова: правовой термин, терминология, терминологическая система, правовая культура, прецедент, соответствующий эквивалент, классификация, сравнительно-научный анализ.

Статья посвящена сравнительно-научному анализу классификаций правовых терминов в английском и узбекском языках, предложенных лингвистами, особенности систем правовой терминологии Америки и Британии.